Video oqimidagi obyektlarni chuqur o'qi-tish yordamida klassifikatsiyalash bugun-gi kunda juda dolzarb va rivojlanayotgan masalalardan sanaladi. Klassifikatsiyalash muammosini hal qiladigan ko'plab tizimlar-ni hisobga oladigan bo'lsak, bunda ko'pincha harakatchanlik talab qilinadi [5, 7-b.]. Ushbu tadqiqotda Nvidia Jetson Nanoda yo'l belgi-larini klassifikatsiyalash muammosini hal qi-lish uchun YOLO konvolyutsion neyron tarmog'ini amalga oshirish taklif qilindi. Mazkur platformaning asosiy xususi-yati Nvidia Jetson Nano grafik protses-sor mavjudligi bo'lib, dastlab uning uchun mo'ljallanmagan qurilmalarda chuqur neyron tarmoqlardan foydalanishga im-kon beradi [19, 14-b.]. YOLO CNN neyron tarmog'ining amalga oshirilgan algoritmi yo'l belgilarini klassifikatsiyalash muam-mosini doimiy video oqimida yuqori aniq-

lik va tezlik bilan hal qilish imkonini beradi [6, 214-b.].

YOLO eng yaxshi obyektlarni aniqlash uchun CNNga asoslangan va real vaqt rejimi-da obyektlarni aniqlashda ajoyib natijalar ko'rsatdi. Uning yonida joylashgan R-CNN eng aniq [7, 3-b.], ammo obyektzni sekinroq aniqlash algoritmlaridan biri bo'lib, bu tas-virni qayta ishlashning ushbu turi uchun ham ishlatilishi mumkin.

Turli vazifalarni hal qilish uchun avto-mobillarga o'rnatilgan bunday tizimlar hay-dovchiga yordam berish yoki uning o'rnini bosishga qaratilgan [8, 3-b.]. Asosiy muam-molardan biri kam quvvat iste'molli, real vaqt rejimida tanib olish uchun yetarli hisoblash quvvatiga ega qurilmani tanlashdir. Bu jara-yonda dasturiy ta'minot ham katta rol o'ynay-di, chunki biz mobil tizim taqdim etadigan re-surslardan foydalanishimiz kerak [9, 13-b.]. YOLOning takomillashtirilgan beshinchi versi-yasi va qo'shimcha konvolyutsion neyron tar-moqlaridan foydalanamiz (2-rasm).



2-rasm. YOLO algoritmi yordamida aniqlangan yo'l belgisi

O'rnatilgan qurilmalar – bu barcha ope-rativ xotira, protsessor va boshqa quril-malar bitta plataga birlashtirilgan kompyu-ter tizimlaridir [10, 125-b.]. NVidia Jetson Nano barcha ishlov berish komponentlari, USB slotlari, quvvat portlari va boshqa ko'plab o'rnatilgan tizimlarga ega bo'lib, u ko'plab maqsadlar uchun kichik kompyu-ter sifatida ishlashga imkon beradi (3-rasm).




3-rasm. Nvidia Jetson Nano va unga o'rnatilgan kuzatuv kamerasi



YOLO algoritmidagi tarmoq uchun kirish tasviri video oqimidan olingan va o'lchamlari 416 x 416 pikselgacha o'zgartirilgan tasvirlarni ifodalaydi. Ushbu neyron tarmoq 106 ta qatlamni o'z ichiga oladi. Bu


qatlamlarning aksariyati konvolyutsion bo'lib [12, 18-b.], yuqori namunaviy qatlamlar va o'tkazib yuborilgan ulanishlar bilan birga keladi. 4-rasmda YOLO tarmog'ining arxitekturasi ko'rsatilgan.



4-rasm. YOLO CNN arxitekturasi

O'quv jarayonida Nvidia Jetson Nano ga YOLO muvaffaqiyatli o'rnatilgandan keyin undan yo'l belgilarini aniqlash va tanib olishda foydalanish mumkin

[13, 7-b.]. YOLO algoritmi yordamida dinamik tasvirlardan yo'l belgilarini aniqlash va tanib olish modeli quyida ko'rsatilgan (5-rasm).



5-rasm. Yo'l belgilarini aniqlash va tanib olish modeli

Yo'l belgilarini aniqlash uchun o'qitilgan tarmoq yaxshi natijalar ko'rsatdi va mobil platformada real vaqt rejimida tasvirni qayta ishlash uchun YOLOdan foydalanish qobiliyati yuqori ekanligi aniqlandi [14, 8-b.]. Real vaqt rejimida ishlashi uchun Nvidia Jetson

Nano kabi samarali qurilmalardan foydalanildi. Shunday qilib, yuqori samaradorlikka ega bo'lgan mobil platforma YOLOning beshinchi versiyasi bilan birgalikda haydovchilarga yordam berishning ilg'or tizimlari uchun yaxshi tanlovdir [15, 9-b.].



## Tadqiqot natijalari

Ushbu maqolada qo'llaniladigan to'liq ma'lumotlar to'plamining yo'l belgisi 1428 ta tasvirni o'z ichiga oldi (original tasvirlar va ma'lumotlarni ko'paytirishdan keyingi tasvirlar). Ulardan 1126 tasi o'qitish, 148 tasi testlash va 154 tasi sinov uchun ishlatildi. Mazkur belgilar O'zbekiston Respublikasidagi shahar va ko'p avtomobil qatnovli yo'llarga o'rnatil-

gan 55 ta yo'l belgilari uchun ishlab chiqildi (6-rasm). Shuningdek, haydovchi uchun uchinchi yordamchi ko'z sifatida o'rnatilgan kuzatuv kamerasi turli balandlik va ko'rinishdagi yo'l belgilarini aniqlaydi, inson ko'ra olmaydigan to'silgan belgilar bundan mustasno.

Bunda ma'lumotlar to'plamini chuqur o'qitish uchun 300 davrli va 32 batch o'lchovli parametrlar tanlandi.



6-rasm. Ma'lumotlar bazasidagi yo'l belgisi turlari


Butun jarayonda natijalar AMD Ryzen 7-5800 protsessori va Nvidia RTX 3050 4 GB grafik protsessorida olindi. CUDA Toolkit va cuDNN kutubxonasi GPU ni faollashtirish va YOLO CNN da kompilyatsiya qilish uchun ishlatilgan. Dasturiy majmua 91% o'rtacha aniqlikni berdi (7-rasm).

Real vaqt rejimida yo'l belgilarini aniqlash va tanib olish kuzatuv kamerasidan olingan tasvirlarda amalga oshiriladi hamda tanib olish natijalari 8-rasm da ko'rsatilganidek, disp- leyda ko'rinadi.

Dasturiy majmuaning apparat ta'minoti uchun zamonaviy sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalanildi va mobil qurilma yasaldi.

Tasvirlardan obyektlarni aniqlashda quyidagi ishonchli va yuqori unumdor qurilmalardan foydalanildi:


- Nvidia Jetson Nano grafik protsessori;
- sensor ekranli displey;
- kuzatuv kamerasi;
- USB bateriyasi.



7-rasm. CNN yordamida mashinali o'qitish natijasi



a)



b)

8-rasm. Dasturiy majmuaning umumiy ko'rinishi:

a) chapga qayrilish; b) to'xtash mumkin bo'lmagan belgilar aniqlangan natijasi

Yo'l belgilarini aniqlashda tavsiya etilgan usulning afzalliklarini ko'rsatish uchun biz TT100K – Xitoydagi yo'l bel-

gilari ma'lumotlar bazasida o'z uslubi-mizni baholadik va uni original YOLOv5, YOLOv5-Lite, Efficientdet [23], YOLOv5-



face [24], M2det [25] usullari bilan solishtirdik.

### Tadqiqot natijalari tahlili

Ushbu tadqiqot yo'l harakati xavfsizligida eng muhim bo'lgan inson faktoriga qaratilgan bo'lib, yo'l harakati hodisalarini kamaytirish vazifasini bajaradi (11-rasm). Ijtimoiy samaradorlik sifatida haydovchilarni o'qitish maktablariga joriy qilish, iqtisodiy samara olish uchun yo'l-transport hodisalarining oldini olish nazarda tutilgan.

Haydovchilarga 3 xil ko'rinishda ma'lumotlar yetkaziladi:

- yo'l belgisining visual tasviri;
- yo'l belgisining matnli izohi;
- yo'l belgisining ovozli signali.

Mobil qurilma bo'lganligi sababli barcha ma'lumotlar qurilmaning o'zida saqlanadi.

Ushbu maqolada olib borilgan tadqiqotlar va izlanishlar doirasida dastlabki natijalar olindi hamda shu asosida tahliliy xulosalar chiqarildi.

- Yandex dasturiy tizimida hech qanday yo'l harakati xavfsizligi masalasi qaralmagan hamda O'zbekistondagi yo'l belgilari ma'lumotlar bazasi yaratilmagan. Ushbu ish yo'l harakati xavfsizligiga doir qarorlar ijrosini sun'iy intellekt texnologiyalari yordamida ta'minlashga xizmat qiladi.

- Dasturiy majmua haydovchiga yordamchi, ya'ni haydovchining charchagan holati, yo'ldagi chuqurliklar yoki yonidagi avtomobilga ko'proq e'tibor berishi va real vaqt rejimida barcha yo'l infratuzilmasini ko'ra olmasligini inobatga olgan holda yaratildi.

- Mazkur loyihani izchil davom ettirish maqsadida haydovchilarning yo'l harakati xavfsizligi sohasidagi huquqbuzarliklarini ro'yxatga olish, statistik ma'lumotlarni berish masalalarini o'rganish va yechish kutilgan natijalar olingandan keyin davom ettiriladi.

Yo'l belgilarini aniqlash va tanib olish uchun tavsiya etilgan usulning yaxshiroq ishlashini yanada intuitiv tarzda namoyish qilish uchun biz solishtiruv tadqiqotini o'tkazdik va natijalar quyidagi jadvalda ko'rsatilgan.

### Jadval

#### YOLO usullarini intuitiv solishtirish

Usullar	Model	FPS	mAP
YOLOv5s	14.6M	105	0.6018
YOLOv5s+Aug	16.3M	105	0.6131
YOLOv5s+AF-FPN	14.6M	95	0.6267
Bizning yondashuv	16.3M	95	<b>0.6514</b>

Ushbu jadvalda YOLOv5s modeli bo'yicha o'qitish komponentlarini bosqichma-bosqich qo'shish oqibatida solishtiruv natijasi ko'rsatilgan. Natijalardan ko'rinib turibdiki, standart YOLOv5s 60,18% mAPni ta'minladi. Ma'lumotlarni ko'paytirish va AF-FPNni birlashtirish mAPni mos ravishda 61,31 va 62,67 %ga yaxshilaydi. TT100K ma'lumotlar to'plamidagi usulimizning mAP ko'rsatkichi standart YOLOv5s modelinikidan 4,96% yuqori, ya'ni tavsiya etilgan usul maqsad va tanib olishda samaradorlikka erishdi.

#### Xulosalar

Tadqiqot natijasida hozirgi videotasvirlardan obyektlarni aniqlashda YOLO algoritmining beshinchi versiyasi va qo'shilgan konvolyotsion neyron tarmoqlari usullarini qo'llagan holda yuqori samaradorlikka erishildi. Real vaqt rejimida videotasvirlardan obyektlarni aniqlash murakkab va turli shovqinlarning ta'siri natijasida ko'plab muammolar kelib chiqadi. Bu muammolarni zamonaviy sun'iy intellekt va chuqur o'qitish usullari yordamida (YOLO, CNN) samarali yechish mumkin. Shuningdek, bu usullarni mobil qurilmalarga integratsiya qilish ham qulay. Real vaqt rejimida videotasvirlarni qayta ishlash uchun markaziy protsessorlar quvvatini samarali hisoblash uchun yetarli emas. Bunda mobil qurilmalar uchun Nvidia Jetson Nano grafik protsessori real vaqt rejimida tasvirlardan obyektlarni aniqlash va tanib olish masalasini yechishda yetarli quvvatga ega va uni tavsiya qilamiz. Yetarli ma'lumotlar bazasi to'planganligi va 300 davrli yo'l belgilarini CNN yordamida chuqur o'qitish natijasida har xil ob-havo va kunning turli vaqtlarida dasturiy majmua 91% aniqlikni ko'rsatdi va ishonchli natijalar olindi. Rang va konturli



tahlilga asoslangan usullarni yo'1 belgilarini aniqlashda ko'p xatoliklar kuzatiladi. Taklif etilayotgan usullar, takomillashtirilgan tarmoq qo'shimcha hisob-kitoblarni kiritmasdan ko'p miqyosli obyektlarni tanib olish aniqligini oshirishi mumkin; MAP dast-

labki tarmoqqa nisbatan 4,96 %ga oshdi. Ilmiy tadqiqotning davomi sifatida kuzatuv kamerasi olingan tasvirlardagi obyektlarni aniqlash, ajratish, tanib olish va ular ustida turli statistik ma'lumotlar olish imkonini beruvchi masalalarni yechish ko'zda tutilgan.

## REFERENCES

1. Zeng Y., Xu X., Fang Y., Zhao K. Traffic sign recognition using extreme learning classifier with deep convolutional features. Proceedings of the 2015 international conference on intelligence science and big data engineering (IScIDE 2015), Suzhou, China, 2015, June, vol. 9242, pp. 272-280.
2. Khamdamov U., Zaynidinov H. Parallel Algorithms for Bitmap Image Proceedings of 2018 10th International Conference on Communication Software and Networks (ICCSN), 2018, pp. 537-541. DOI: 10.1109/ICCSN.2018.8488270/.
3. Goodfellow I.J., Warde-Farley D., Mirza M., Courville A., Bengio Y. Maxout networks, in ICML'13, ed. S. Dasgupta, D. McAllester. 2013, pp. 1319-1327.
4. Lin G., Shen W. Research on convolutional neural network based on improved Relu piecewise activation function. *Procedia Computer Science*, 2018, vol. 131, pp. 977-984. DOI: 10.1016/j.procs.2018.04.239/.
5. Krizhevsky I. Sutskever G.E. Hinton, ImageNet classification with deep convolutional neural networks. NIPS', 2012.
6. Calin O. Deep Learning Architectures. Springer Series in the Data Sciences 2020. ISBN 978-3-030-36720-6, ISBN 978-3-030-36721-3 (eBook). DOI: 10.1007/978-3-030-36721-3/.
7. Eckle K., Schmidt-Hieber J. A comparison of deep networks with ReLU activation function and linear spline-type methods. *Neural Networks*, 2019, vol. 110, pp. 232-242. DOI: 10.1016/j.neunet.2018.11.005/.
8. Khamdamov R., Rakhmanov K., Saliev E., Karshiyev Z. Advantages using of the contour analysis method for detecting fire from video images. Proceedings of the 2021 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT), 2021, pp. 1-4.
9. Chen Y., Zheng B., Zhang Z., Wang Q., Shen C., Zhang Q. Deep learning on mobile and embedded devices: State-of-the-art, challenges, and future directions. *ACM Comput. Surveys*, 2020, September, vol. 53, no. 4, pp. 1-37. DOI: 10.1145/3398209/.
10. Redmon J., Divvala S., Girshick R., Farhadi A. 2015 You Only Look Once: Unified, Real-Time Object Detection You Look Only Once, p. 10.
11. Umarov M., Muradov F., Azamov T. Traffic Sign Recognition Method Based on Simplified Gabor Wavelets and CNNs. Proceedings of the 2021 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT), 2021, pp. 1-5. DOI: 10.1109/ICISCT52966.2021.9670118/.
12. Ren S., He K., Girshick R., Sun J. 2016 Faster R-CNN. *Towards Real-Time Object Detection with Region Proposal Networks*, p. 14.
13. Liu C., Li S., Chang F., Wang Y. Machine vision based traffic sign detection methods: Review, analyses and perspectives. *IEEE Access*, 2019, vol. 7, pp. 865-879.
14. Redmon J., Divvala S., Girshick R., Farhadi A. You only look once: Unified, real-time object detection. Proceedings of the IEEE conference on computer vision and pattern recognition, 2016, pp. 779-788.
15. Stallkamp J., Schlipsing M., Salmen J., Igel C. Man vs. computer: Benchmarking machine learning algorithms for traffic sign recognition. *Neural Networks*, no. 10.



16. Shao F.M., Wang X.Q., Meng F.J., Rui T., Wang D., Tang J. Real-Time Traffic Sign Detection and Recognition Method Based on Simplified Gabor Wavelets and CNNs. *Sensors-Basel*, 2018, no. 18 (10).
17. Zhang J., Huang M., Jin X., Li X. A Real-Time Chinese Traffic Sign Detection Algorithm Based on Modified YOLOv2. *Algorithms*. 2017, no. 10 (4).
18. Li J.A., Liang X.D., Wei Y., Xu T.F., Feng J.S., Yan S.C. Perceptual Generative Adversarial Networks for Small Object Detection. *Proceedings of the Cvpr Ieee*. 2017, pp. 1951-9.
19. Yang Y., Luo H., Xu H., Wu F. Towards real-time traffic sign detection and classification. *IEEE Transactions on Intelligent Transportation Systems*, 2015, no. 17 (7), pp. 2022-2031.
20. Sutskever I., Hinton G.E., Krizhevsky A. Imagenet classification with deep convolutional neural networks. *Advances in neural information processing systems*, 2012, pp. 1097-1105.
21. Liu Z.W., Shen C., Qi M.Y., Fan X. SADANet: Integrating Scale-Aware and Domain Adaptive for Traffic Sign Detection. *Ieee Access*, 2020, no. 8, p. 77920.
22. Chen Y.Y.L., Kong T., Qi L., Chu R., Li L., Jia J. Scale-aware Automatic Augmentation for Object Detection. *arXiv*, 2021, p. 210317220.
23. Tan M.R.P., Le Q.V. EfficientDet: Scalable and Efficient Object Detection. *Proceedings of the IEEE/CVF Conference on Computer Vision and Pattern Recognition*, 2020, pp. 10781-90.
24. Qi W.T., Qi Y., Liu J. YOLO5Face: Why Reinventing a Face Detector. 2021.
25. Zhang Q.T.S., Wang Y., Tang Z., Chen Y., Cai L., Ling H. M2Det A Single-Shot Object Detector based on Multi-Level Feature Pyramid Network. *Proceedings of the AAAI Conference on Artificial Intelligence*, 2019, no. 33, pp. 9259-66.

**Taqrizchi:** Elov J.B., t.f.f.d. (PhD), “Telekommunikatsiyada boshqaruv tizimlarining apparat va dasturiy ta’minoti” kafedrası dotsenti, Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti.





doi <https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2022-3-9>

UDC: 550.831

# GRAVIQIDIRUV MA'LUMOTLARINI MIQDORIY TALQIN QILISH MAQSADIDA O'QUV DASTURIY TA'MINOT ISHLAB CHIQISH

**Ziyabov Shoxrux Rustamjon o'g'li<sup>1</sup>,**

“Geologiya va geoinformatsion tizimlar” fakulteti  
“Geofizikaviy tadqiqot usullari” kafedrasida stajyor tadqiqotchisi,  
ORCID: 0000-0001-8821-8693, e-mail: sziyabov92@gmail.com;

**Oripov Nozimjon Komilovich<sup>2</sup>,**

tayanch doktorant,  
ORCID: 0000-0001-7187-8345, e-mail: nozim.o.k92@mail.ru;

**Mamarozikov Timur Umarjonovich<sup>2</sup>,**

tayanch doktorant,  
ORCID: 0000-0002-1151-0618, e-mail: timur.mamarozikov@yandex.ru

<sup>1</sup>Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti

<sup>2</sup>O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining  
G'.O. Mavlonov nomidagi Seysmologiya instituti

## Kirish

XXI asr – yangi axborot texnologiyalari asri hisoblanadi. Hozirgi texnologik zamon-da turli fan sohalariga zamonaviy kompyuter texnologiyalarining keng joriy qilinishi ana shu sohalarining yanada takomillashuviga ulkan hissa qo'shmoqda. Axborot texnologiyalari, kompyuter va kompyuter dasturlari insonlar bajaradigan ishlarni yengillashtirish, samarali faoliyat yuritish va yangi bilimlarga ega bo'lish uchun yaratilmoqda.

Ta'lim inson hayotining ajralmas qismi bo'lib, ayni paytda ushbu sohaga axborot texnologiyalarini joriy qilish, dasturiy va texnik vositalardan (kino, audio va video uskunalar, kompyuterlar, telekommunikatsiya tarmoqlari) foydalanish o'quv jarayonini jadallashtirish, uni qulaylashtirish, o'quvchilarning fanni o'rganishga bo'lgan qiziqishini oshirish, dars tezligi va mustaqil ish hajmi oshirishga imkon beradi [1]. Bu esa, o'z navbatida, ta-

**Annotatsiya.** Ta'lim inson hayotining ajralmas qismi bo'lib, ayni paytda ushbu sohaga axborot texnologiyalarini joriy qilish, dasturiy va texnik vositalardan (kino, audio va video uskunalar, kompyuterlar, telekommunikatsiya tarmoqlari) foydalanish o'quv jarayonini jadallashtirish, uni qulaylashtirish, o'quvchilarning fanni o'rganishga bo'lgan qiziqishini oshirish, dars tezligi va mustaqil ish hajmini oshirishga imkon beradi. Bu esa, o'z navbatida, o'quvchi va talabalarning mantiqiy fikrlash, aqliy mehnat madaniyati hamda mustaqil ishlash ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Shu munosabat bilan bir guruh yoshlar jamoasi geologiya sohasida ta'lim oluvchi talabalarga geofizikaning graviqidiruv usulini chuqurroq o'rgatish maqsadida amaliy mashg'ulotlarning o'quv-kompyuter dasturini ishlab chiqishdi. Gravimetrik ma'lumotlar hududlarning chuqurlik bo'yicha geologik tuzilishi hamda foydali qazilma konlari haqida qimmatli ma'lumotlar manbasi hisoblanadi. Bu ma'lumotlarni sifatli talqin qilish va usulni samarali qo'llash yer osti tuzilmalarni zichligiga ko'ra modellashtirish imkonini beradi. Dastur talabalarga tanlash usuli, graviqidiruvning aniqlik darajasi, to'g'ri va teskari masalalar yechimi hamda



*imitatsion modellashtirish haqida kerakli g'oyalar olishga ko'maklashadi. Dastur Windows oilasi (7/8.1/10/11) operatsion tizimida ishlovchi barcha brauzerlardan foydalanish uchun mo'ljallangan. Amaliy mashg'ulotlarning dasturi bepul bo'lib, undan kirish brauzer sahifasidan ro'yxatdan o'tish orqali foydalaniladi.*

**Kalit so'zlar:** masofaviy ta'lim, graviqidiruv, dastur, imitatsion model, integratsiya, ideal muhit, to'g'ri masala, teskari masala, geologik muhit.

### **РАЗРАБОТКА ОБУЧАЮЩЕГО ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДЛЯ КОЛИЧЕСТВЕННОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ДАННЫХ ГРАВИРАЗВЕДКИ**

**Зиябов Шохрух Рустамжон угли<sup>1</sup>,**

стажер-исследователь кафедры «Геофизические методы исследования» факультета «Геология и геоинформационные системы»;

**Орипов Нозимжон Комилович<sup>2</sup>,**

базовый докторант;

**Мамарозиқов Тимур Умаржонович<sup>2</sup>,**

базовый докторант

<sup>1</sup>Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

<sup>2</sup>Институт сейсмологии имени Г.А. Мавлянова Академии наук Республики Узбекистан

**Аннотация.** Образование является неотъемлемой частью жизни человека, при этом внедрение информационных технологий в эту сферу, использование программно-аппаратных средств (кино-, аудио- и видеоаппаратуры, компьютеров, телекоммуникационных сетей) позволяет ускорить процесс обучения, оптимизировать его, увеличить интерес к изучению науки у обучающихся, повысить качество проведения урока и объем самостоятельной работы. Это, в свою очередь, способствует формированию у студентов логического мышления, культуры интеллектуального труда, навыков самостоятельной работы. В связи с этим группа молодых ученых разработала компьютерно-учебную программу практических занятий для студентов, обучающихся по геологическому направлению, в целях углубленного изучения геофизического метода гравиразведки. Гравиметрические данные являются ценным источником информации о глубинном геологическом строении территории, глубине и месторождениях полезных ископаемых. Качественная интерпретация гравиметрических данных и эффективное применение мето-

лаба va o'quvchilarning mantiqiy fikrlash, aqliy mehnat madaniyati, mustaqil ishlash ko'nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Ta'lim sohasida ikkita asosiy vazifani hal qilish uchun axborot texnologiyalari qo'llaniladi: o'qitish va boshqarish. O'qitish jarayonida axborot texnologiyalaridan, birinchidan, o'quvchilarga ma'lumot yetkazish, ikkinchidan, uni o'zlashtirish samarasini kuza-tishda foydalanish mumkin.

Shu munosabat bilan bir guruh yoshlar jamoasi Geofizika fanining graviqidiruv usuli bo'yicha miqdoriy talqin qilish uchun amaliy mashg'ulotlarning dasturiy namunasini ishlab chiqdilar. Ushbu ishlab chiqilgan dasturda yechiladigan masalalar orqali o'quvchilar haqiqiy geologik muhitni geometrik model-lashtirish yordamida uch o'lchamli ko'rinishda tasavvur qilishlari mumkin. Ta'lim oluvchilar dastur yordamida geofizik masalalarni vizual tahlil qilish natijasida ularni tez, oson, qulay va aniq ravishda tushunadilar.

Mazkur dasturiy ta'minot quyidagi afzal-liklarga ega:

- an'anaviy amaliy mashg'ulotlar zamonaviy kompyuter dasturlari ko'rinishida ifodalanadi;

- talabalarining mustaqil ta'lim olish ko'nikmalarini shakllantiradi;

- nazariy, fundamental masalalar yechishda qulay yondashuvni ta'minlaydi;

- ishlab chiqarish jarayonidagi ma'lumotlarni talqin qilish imkonini beradi.

Umuman olganda, gravimetrik ma'lumotlar hududlarning chuqurlik bo'yicha geologik tuzilishi hamda foydali qazilma konlari haqidagi qimmatli ma'lumotlar manbayi hisoblanadi. Gravimetrik ma'lumotlarni sifatli talqin qilish va usulni samarali qo'llash yer osti tuzilmalarni zichligiga ko'ra tasvirlash orqali tezkor modellashtirish imkonini beradi [2].

Gravitatsion maydon ma'lumotlarini sharhlash maqsadida geofiziklar tomonidan turli murakkablik va yo'nalishlardagi ko'pgina dasturlar ishlab chiqilgan bo'lib, hozirda foydalaniladigan barcha dasturlar majmuasi ishlab chiqarish jarayoni masalalarini ye-



chish uchun mo'ljallangan. Shu bilan birga, ana shunday dasturlarning o'quv maqsadlari uchun ishlab chiqilgan maxsus namunalari juda ozchilikni tashkil qiladi.

Yaratilgan dastur sinfiga mansub turlaridan biri "GravModel" dasturi bo'lib, bu dastur ixtiyoriy shakldagi jism uchun tortishish kuchini o'rganishning bevosita masalalarini yechadi. Dastur muallifi K.V. Novikov bo'lib, ushbu dastur faqat Windows (XP/Vista/7) operatsion tizimidan foydalanish uchun mo'ljallangan. Dasturning maqsadi faqat to'g'ri masala yechishga qaratilgan. Bunda teskari masala yechish bo'yicha imkoniyatlar mavjud emas [3].

Y.I. Blox ikki o'lchamli masalalar yechish uchun kompleks o'zgaruvchining funktsiyalari nazariyasini qo'llaydi. U ishlab chiqqan dasturning asosiy xususiyati statistik metodga asoslanib, graviqidiruv masalalarini talqin qilishga mo'ljallangan, ya'ni dala materiallarini nazariy egri chiziqlar bilan taqqoslab, ana shu egri chiziqlarni bir-biriga moslashtirishga asoslangan. Bu dasturda quriladigan anomaliya ma'lum bir obyektgagina tegishli bo'lib qolmasdan, umumiy holatni o'z ichiga oladi va teskari masala bevosita ishlanmaydi [4].

Tezkor ravishda talqin qilish uchun mo'ljallangan "IGLA" dasturida o'rganilayotgan obyektning yuqori qirradi eng kichik chuqurlikdagi nuqtasining balandligi bilan chegaralangan anomal maydonni tavsiflovchi funktsiya amplituda spektriga ko'ra aniqlanadi. Masalani yechishda, albatta, hech qanday aniq model berilmaydi. Shuningdek, fonni hisobga olgan holda, tegishli chiziqli teskari masalalar yechish orqali modelning petrofizik xususiyatlari (magnitlanish vektorining zichligi yoki komponentlari) hamda bir vaqtning o'zida chiziqli bo'lmagan teskari masalalar yechish asosida modelning yuqori va pastki yuzalari balandligi ham hisoblanadi [5, 6].

SIGMA3D® dasturiy ta'minot to'plami ham tortishish va magnit anomaliyalarni tizimli talqin qilish uchun mo'ljallangan. U turli geologik muammolarni hal qilish uchun

да позволяют проводить моделирование по плотности подземных структур. Программа позволяет студентам получить необходимые представления о методе отбора, степени точности гравirazведки, решении прямых и обратных задач, имитационном моделировании. Программа предназначена для использования во всех браузерах под управлением семейства Windows (7/8.1/10/11). Программа практического обучения бесплатна, а доступ к ней возможен путем регистрации на странице в браузере.

**Ключевые слова:** дистанционное обучение, гравirazведка, программное обеспечение, имитационная модель, интегрирование, идеальная среда, прямая задача, обратная задача, геологическая среда.

### DEVELOPMENT OF TRAINING SOFTWARE FOR QUANTITATIVE INTERPRETATION OF THE GRAVITY DATA

**Ziyabov Shohrukh Rustamjon ugli<sup>1</sup>,**

Department of Geophysical Research Methods,  
Faculty of Geology and Geoinformation Systems,  
Research Assistant;

**Oripov Nozimjon Komilovich<sup>2</sup>,**

Basic Doctoral Student;

**Mamarozikov Timur Umarjonovich<sup>2</sup>,**

Basic Doctoral Student

<sup>1</sup>National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek

<sup>2</sup>The Academy of Sciences of  
the Republic of Uzbekistan  
Institute of Seismology named after G. Mavlyanov

**Abstract.** Education is an integral part of the human life, while introduction of information technology in this area, the use of software and hardware (cinema, audio and video equipment, computers, telecommunications networks) allows speeding up learning processes, their optimization, boosting up students' interest in studying science, as well as it enables raising quality of teaching and the amount of independent work. This, in turn, contributes to forming of logical thinking, a culture of intellectual, and independent work skills in students. In this regard, a group of young scientists have developed a computer-based practical training program for students studying geology, for the purpose of in-depth training in the geophysical method of exploration of gravity. Gravimetric data are a valuable source of information about



*geological structures of the territory, on underground mineral deposits. Qualitative interpretation of gravimetric data and effective application of the method make it possible to make modeling based on the density of underground structures. The program allows students to get necessary ideas about selection methods, degrees of accuracy of gravity exploration, solutions of direct and inverse problems, and simulation modeling. The program is intended for use in all browsers of the Windows family (7/8.1/10/11). The practical training program is free and can be accessed by registering on the browser page.*

**Keywords:** distance learning, gravity exploration, software, imitation model, integration, ideal environment, right-hand problem, inverse problem, geological environment.

ishlatiladi, ya'ni bunda asosan, interpretatsiya yetakchi rol o'ynab, haqiqiy geologik muhit bilan imkon doirada katta aniqliklar bilan yaqinlashishni ta'minlab beradi. Bu dasturiy ta'minot bir nechta dasturlarni o'z ichiga olib, talqin qilishda yuqori darajali imkoniyatlarga ega [7].

#### **Material va metodlar**

Graviqidiruv (yoki gravimetriya) – geologik jismlar zichligining farqlanishi tufayli erkin tushish tezlanishining o'zgarishini o'rganadigan geofizik usul hisoblanadi [8].

Zamonaviy gravimetrik tadqiqotlarning aniqligi o'lchov qurilmalarining takomillashgani sababli keskin ortgan bir paytda, dala ma'lumotlarini qayta ishlash usullari deyarli o'zgarishsiz qoladi. Kuzatilgan og'irlik kuchi tezlanishining ma'lumotlarini talqin qilish, qayta ishlash hamda gravitatsion maydonning raqamli modelini yaratuvchi ko'plab zamonaviy kompyuter dasturlari mavjud. Ana shunday qayta ishlovchi dasturlarni ta'lim sohasiga yo'naltirish yoki ular asosida talabalarga o'quv maqsadlari uchun mo'ljallangan amaliy mashg'ulotlarning dasturiy majmuasini yaratish muhimdir.

Shuning uchun geologiya sohasida ta'lim oluvchi talabalarga geofizikaning graviqidiruv usulini chuqurroq o'rgatish maqsadida amaliy mashg'ulotlarning o'quv-kompyuter dasturlari majmuasi ishlab chiqildi. Dastur

talabalarga tanlash usuli, graviqidiruvning aniqlik darajasi, to'g'ri va teskari masalalar yechimi hamda imitatsion modellashtirish haqida kerakli g'oyalar olish imkonini beradi [9, 10]. Shuningdek, dastur ba'zi ishlab chiqarishdagi muammolarni hal qilish uchun ham yo'naltirilishi mumkin.

Geologiya sohasida ta'lim oluvchi talabalarga graviqidiruv ma'lumotlarini an'anaviy emas, balki avtomatik ravishda qayta ishlovchi amaliy mashg'ulotlarning o'quv dasturi ishlab chiqildi. Graviqidiruv usuli bo'yicha amaliy mashg'ulotlar o'quv-kompyuter dasturlarining ilk avtomatik ishlovchi namunasi Microsoft korporatsiyasi tomonidan elektron jadvallar bilan ishlash uchun yaratilgan "Excel" dasturidan foydalangan holda ishlab chiqilgan. Hozirda ushbu algoritmlar zamonaviy, sodda va mukammalligi bilan dasturlash tillari orasida eng yaxshisi hisoblangan "Python" dasturlash tilida "skript"lar yozish orqali veb-sahifa tizimida ishga tushirish uchun qayta dasturlashtirilmoqda hamda dasturning yakuniy interfeysi shakllantirilmoqda [11, 12, 13]. Dastur Windows oilasi (Vista/7/8.1/10/11) operatsion tizimida ishlovchi barcha brauzerlardan foydalanish uchun mo'ljallangan. Amaliy mashg'ulotlarning dasturi bepul bo'lib, undan foydalanish uchun kirish brauzer sahifasidan ro'yxatdan o'tish orqali amalga oshiriladi.

Dastur interfeysi quyidagi maydonlarni o'z ichiga oladi (1-rasm):

1. Laboratoriya mashg'uloti raqami va nomi.
2. Foydalanuvchi haqidagi ma'lumotlar (F.I.S.H., guruh va variant raqami).
3. Dasturdan chiqish tugmasi.
4. Laboratoriya mashg'ulotining nazariy qismi.
5. Avtomatik ravishda kiritilgan ma'lumotlar.
6. Gravitatsion anomaliya grafigi.
7. Geologik kesim.
8. Slayder tugmachalari orqali aniqlanuvchi qiymatlar.
9. Natijalar bo'limi.



10. Tugmachalar orqali belgilanganda namoyon bo'ladigan og'irlik kuchi maydonlari va tuzatmalar grafiklari.

11. Rasmiylashtirish oynasiga o'tish.

### **Tadqiqot natijalari**

Graviqidiruv ma'lumotlarini talqin qilish nazariyasining asosi to'g'ri va teskari masalalar yechish hisoblanadi [14].

To'g'ri masala – agar obyektning barcha parametrlari (chuqurligi, shakli, o'lchami, zichligi) ma'lum bo'lsa, obyekt ustidagi nuqtalarda og'irlik kuchi maydonining qiymatlarini (va, ehtimol, uning hosilalarini) hisoblashdan iborat. Bu masala, agar obyektning barcha parametrlari berilgan bo'lsa, yagona yechimga ega va uni yechish natijasida obyekt ustidagi og'irlik kuchi maydoni ( $V_z$ ) va hosilalarining grafiklarini olamiz [15, 16].

Teskari masala – bevosita talqin qilish vazifasi bo'lib, obyekt ustidagi og'irlik kuchi maydoni va hosilalarining ma'lum grafiklari bilan obyekt parametrlarini aniqlashdan iborat. Teskari masala, odatda, noaniq, ya'ni ko'p yechimga ega va talqin qiluvchining vazifasi ular orasidan eng ehtimoli yuqorisini tanlashdir [17, 18].

Quyida geofizikaning graviqidiruv usuli bo'yicha ishlab chiqilgan amaliy mashg'ulot o'quv-kompyuter dasturi namunasining ishlash tartibi bilan tanishib chiqamiz. Amaliy mashg'ulot namunasi sifatida ideal, gorizontol holatda yotgan silindrsimon jism uchun to'g'ri va teskari masalalar yechishning analitik usuli olinadi [19, 20]. Shuningdek, dasturda qo'llaniladigan muhim formulalar ham keltirib o'tiladi.

*To'g'ri masala.* Foydalanuvchi dasturni ishga tushirganda, interfeys oynasi ochilib, u yerda laboratoriya mashg'uloti raqami va nomi (1), foydalanuvchi haqidagi ma'lumotlar (F.I.Sh., guruh va variant raqami) (2) bilan bir qatorda dasturdan chiqish (3) va laboratoriya mashg'ulotining nazariy qismiga (4) o'tish tugmalari namoyon bo'ladi. Laboratoriya mashg'uloti bo'yicha variant shakllantirilganda, avtomatik kiritilgan ma'lumotlar (5) yuklanadi: masshtab, kuzatuv masofasi qadami, kuzatuv nuqtalar soni, altituda va kenglik.

Interfeysning chap sohasi ikkinchi bloki gravitatsion anomaliya grafigi aks etuvchi maydon (6) bo'lib, uning ostida geologik kesim maydoni (7) joylashadi. Foydalanuvchi ma'lum variant asosida taqdim qilingan geologik kesimdan foydalangan holda, interfeysning chap sohasi to'rtinchi blokidagi slayder tugmalari (8) holatini o'zgartirib, berilgan kesimdagi anomaliya hosil qilayotgan qismni gorizontol yotgan silindrning ko'ndalang kesimi bilan taqqoslash orqali ana shu geometrik jismni anomaliya hosil qilayotgan qism o'lchamiga imkon qadar yaqinlashtiradi. Foydalanuvchi geologik kesimdagi aniqlangan obyekt (silindr) radiusining ( $r$ ), obyektning  $X$  o'qi bo'ylab masofa o'zgarishi hamda obyekt markaziy nuqtasi yotish chuqurligi ( $h$ ) masofasining o'zgarish qiymatlarini kiritadi. Ushbu slayder tugmalarini siljitganda, ana shu sohadagi bo'sh katakchalarda (8) qiymatlar aks etadi.

Interfeysning natijalar maydonidagi bo'sh katakchalarga (9) taqdim qilingan geologik kesimdagi obyekt radiusining ( $r$ ), obyektning  $x$  o'qi bo'ylab o'zgarishi hamda obyekt chuqurlik ( $h$ ) masofasining o'zgarish qiymatlari berilgan masshtabga ko'ra an'anaviy usulda hisoblanadi hamda olingan natijalar kiritiladi.

Shuningdek, geologik kesimdagi qatlamlarning zichlik qiymatlari Xalqaro Birliklar Tizimida (SI) berilgan bo'lib, obyekt zichligi hamda obyektning qamrab oluvchi jinslar zichligi natijalar bo'limiga (9) avtomatik ravishda kiritiladi. So'ng ortiqcha zichlik qiymati hisoblanib, olingan natija bo'sh katakchaga yoziladi.

Yuqoridagi amallar bajarilgandan so'ng navbatdagi bosqichga o'tiladi va anomal maydon quriladi. Ya'ni interfeysning o'ng sohasi to'rtinchi blokida (10) og'irlik kuchi anomaliyasi, og'irlik kuchining normal qiymati, og'irlik kuchi maydonining yig'indi-kuzatilgan maydon qiymati, kuzatuv nuqtasida bo'sh havo uchun balandlik tuzatmasi maydoni, kuzatuv nuqtasida oraliq qatlam uchun tuzatma maydoni punktlari berilgan bo'lib, ulardan ixtiyoriy birini belgilash orqali ana shu maydonlarning grafik holatda qanday tuzilishda ekanligini ko'rish mumkin.



1-rasm. Miqdoriy talqin qilishning ishlab chiqilgan dastur namunasi (to'g'ri masala)

Avvalo, ish tartibi gorizontal holatda yotgan silindr uchun keltirib chiqarilgan formulalar yordamida taqribiy yaqinlashtirib, anomal egri chiziqni qurishdan boshlanadi.

Anomal egri chiziq gorizontal holatda yotgan silindr uchun uning yotish yo'nalishiga ko'ndalang o'tgan  $x$  o'q bo'ylab hisoblanib, ushbu og'irlik kuchi tezlanishi vertikal tashkil etuvchisining qiymati quyidagi analitik ifodadan topiladi:

$$\Delta g = k\pi r^2(\sigma_1 - \sigma_2)h \int_{-\infty}^{+\infty} \frac{dy}{(x^2 + h^2)^{3/2}} = \frac{2k\pi r^2(\sigma_1 - \sigma_2)h}{x^2 + h^2}, \quad (1)$$

bu yerda  $k$  – gravitatsion doimiylik ( $6,67 \cdot 10^{-11} \text{ Nm}^2/\text{kg}^2$ );

$r$  – obyekt radiusi ( $m$ );

$\sigma_1$  – qamrovchi muhit zichligi ( $\text{kg}/\text{m}^3$ );

$\sigma_2$  – obyekt zichligi ( $\text{kg}/\text{m}^3$ );

$h$  – obyekt markaziy o'qining yotish chuqurligi ( $m$ );

$x$  – yer yuzasidagi obyekt ko'ndalang kesimi bo'ylab yo'nalgan masofa ( $m$ ).

Anomal egri chiziq qurilgandan so'ng ushbu ishlab chiqilgan dasturda og'irlik kuchining normal qiymati, kuzatuv nuqtasida bo'sh

havo uchun balandlik tuzatmasi, kuzatuv nuqtasida oraliq qatlam uchun tuzatma va og'irlik kuchi maydonining yig'indi-kuzatilgan maydon egri chiziqlari quriladi.

Interfeysning yuqori o'ng blokida (4) belgili tugmani bosish orqali amaliy mashg'ulotning nazariy qismi va foydalani-ladigan formulalar haqida ma'lumotlar olish mumkin.

Laboratoriya mashg'ulotida yuklatilgan barcha amallar bajarilgandan so'ng yakuniy bosqichda rasmiylashtirish (11) amalga oshiriladi. Bunda hisobot ko'rinishida bajarilgan amallar natijalarining qiymatlari, og'irlik kuchi maydoni grafiklari va natijalar tahlili asosida chiqarilgan xulosalar taqdim etiladi.


*Teskari masala.* Quyidagi dastur interfeysida ikki o'lchamli fazodagi ideal, gorizontal holatda yotgan silindrsimon jism uchun teskari masala yechishning analitik usulini ishlash tartibi keltirilgan bo'lib, berilgan og'irlik kuchi maydonining grafigi asosida silindrsimon jism parametrlarini aniqlashdan iborat (2-rasm). Foydalanuvchi dasturni ishga tushirganda, interfeys oynasi ochilib, u yerda laboratoriya



mashtab, kuzatuv masofasi qadami, kuzatuv nuqtalar soni, altituda va kenglik.

Foydalanuvchi ma'lum variant asosida taqdim qilingan gravitatsion anomaliya grafigi (6\*) asosida interfeysning chap sohasi to'rtinchi blokidagi slayder tugmalarining

(8) holatini o'zgartirish orqali anomaliya grafigidagi kritik nuqtalarni aniqlaydi. So'ng anomaliya grafigida aniqlangan og'irlik kuchining maksimal qiymatini  $\Delta g_{max}$  va og'irlik kuchi maksimal qiymatining yarmini  $g_{0,5}$  8-maydondagi bo'sh katakchalarga kiritadi. Shundan keyin grafikda og'irlik kuchi maksimal qiymatining yarmi bo'lgan nuqtaning  $x$  o'qidagi proyeksiyasidan  $x_{0,5}$  qiymati aniqlanadi va bu orqali obyekt markazining yotish chuqurligi ( $h$ ) topiladi. Yuqoridagi qiymatlar aniqlanganidan so'ng interfeysning chap sohasi uchinchi blokidagi maydonda (7\*) geometrik obyekt paydo bo'ladi.



2-rasm. Miqdoriy talqin qilishning ishlab chiqilgan dastur namunasi (teskari masala)

Obyekt markazining yotish chuqurligi ( $h$ ) quyidagi formuladan topiladi:

$$h = x_{0,5} \quad (2)$$

Obyektning ortiqcha massasini ( $M$ ) topish uchun esa ushbu formuladan foydalaniladi:

$$M = \frac{\Delta g_{max} \cdot h}{2k}, \quad (3)$$

bu yerda  $k$  – gravitatsion doimiylik ( $6,67 \cdot 10^{-11} \text{ Nm}^2/\text{kg}^2$ ).

Obyektning ko'ndalang kesimini ( $S$ ) topishda ushbu formula qo'llaniladi:

$$S = \frac{M}{\Delta \sigma}, \quad (4)$$

bu yerda  $\Delta \sigma$  – ortiqcha zichlik.

Obyektning ko'ndalang kesimi orqali uning radiusi ( $r$ ) quyidagi formula yordamida topiladi:



$$r = \sqrt{\frac{s}{\pi}}. \quad (5)$$

Obyektning quyi va yuqori qismi chegarasini ( $Z$ ) topish uchun esa ushbu formula qo'llaniladi:

$$Z = h \pm r \quad (6)$$

An'anaviy usulda bajarilgan hisoblash ishlaridan so'ng barcha aniqlangan qiymatlar natijalar bo'limiga (9\*) Xalqaro birliklar tizimi (SI) asosida kiritiladi.

Obyektning barcha parametrlari hisoblangandan so'ng og'irlik kuchi maydonining yig'indi-kuzatilgan maydon egri chizig'i (ushbu maydon ham variantga ko'ra dasturga avtomatik tarzda yuklangan bo'ladi) orqali og'irlik kuchining normal qiymati, kuzatuv nuqtasida bo'sh havo uchun balandlik tuzatmasi, kuzatuv nuqtasida oraliq qatlam uchun tuzatma qiymatlari aniqlanadi. Interfeysning o'ng sohasi to'rtinchi blokida (10\*) bir qancha gravitatsion maydonlar (og'irlik kuchi anomaliyasi, og'irlik kuchining normal qiymati, og'irlik kuchi maydonining yig'indi-kuzatilgan maydon qiymati), tuzatmalar (kuzatuv nuqtasida bo'sh havo uchun balandlik tuzatmasi maydoni, kuzatuv nuqtasida oraliq qatlam uchun tuzatma maydoni) qatorlari keltirilgan bo'lib, tugmachalardan ixtiyoriy birini belgilash orqali ana shu maydonlarning grafik holatda qanday tuzilishda ekanini ko'rish mumkin.

Anomal maydon uchun kiritiladigan tuzatmalar birgalikda Bugening to'liq tuzatmasi hisoblanadi. Bu tuzatmalarni kiritib, kuzatilgan maydondan normal maydon farqi olinsa, Buge anomaliyasi hosil bo'ladi.

Kuzatuv nuqtasida bo'sh havo uchun kiritiladigan tuzatma quyidagi formula yordamida topiladi:

$$\Delta g_1 = 0,3086 * h, \quad (7)$$

bu yerda  $h$  – altituda, ya'ni kuzatuv nuqtalarining dengiz sathidan hisoblanadigan mutlaq balandligi.

Kuzatuv nuqtasida oraliq qatlam uchun tuzatma esa quyidagi ifodadan topiladi:

$$\Delta g_2 = 0,0149 * \rho * h, \quad (8)$$

bu yerda  $\rho$  – dengiz sathidan kuzatuv nuqtasigacha bo'lgan oraliqdagi tog' jinslari qatlamlarining o'rtacha zichligi.

Bu ikki tuzatma natijalari SGS tizimi (mutlaq tizim) birligida hosil bo'ladi va ularni Xalqaro birliklar tizimiga (SI) o'tkazish lozim. Shuning uchun Xalqaro birliklar tizimida  $1 Gal = 10^{-2} m/s^2$  ga teng. Aslida, bu tuzatmalar dastur ostiga o'rnatilib, ushbu sohadagi (9\*) tugmalarni bosish orqali avtomatik tarzda namoyon bo'ladi. Yuqorida formulalarning keltirilganligi mohiyatan qanday kelib chiqqanini anglash va amaliy mashg'ulot dasturidagi hisoblash algoritmlari qay tartibda ishlashini ko'rsatib berish hisoblanadi.

Anomal maydonning tuzilgan geologik kesim bilan mos kelishi aniqlanganidan so'ng geologik kesim haqida ma'lumotlar berilib, xulosa yoziladi.

Dastur interfeysining chap sohasi yuqori blokidagi ma'lum belgili tugmani (4\*) bosish orqali berilgan amaliy mashg'ulotning nazariy qismi va qo'llanilgan formulalar haqida ma'lumotlar olish mumkin.

Laboratoriya mashg'ulotida yuklatilgan barcha amallar bajarilgandan so'ng yakuniy bosqichda rasmiylashtirish (11\*) amalga oshiriladi. Bunda hisobot ko'rinishida bajarilgan amallar natijalarining qiymatlari, og'irlik kuchi maydoni grafiklari va natijalar tahlili asosida chiqarilgan xulosalar taqdim etiladi.

#### **Tadqiqot natijalari tahlili**

Katta hajmda amalga oshirilgan ishlar natijasida Geofizikaning graviqidiruv usuli bo'yicha amaliy mashg'ulotlarning o'quv-kompyuter dasturlari ishlab chiqildi. Yaratilgan amaliy mashg'ulotlarning dasturiy namunasi talabalarga graviqidiruv usuli, og'irlik kuchi maydoni, og'irlik kuchi anomaliyasini mukammalroq tushunish va vizual tasavvur qilishga ko'maklashadi.

Ta'lim sohasiga zamonaviy axborot-texnologiyalarini joriy qilish, video va multime-





diali darslar tashkil qilish maqsadida Ilg'or texnologiyalar markazining PZ-202008288-sonli "Geologiya yo'nalishida ta'lim olayotgan talabalarga amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun geofizika fanidan raqamli dasturlar majmuasini yaratish" mavzusidagi yoshlar loyihasi doirasida Geofizika fanining graviqidiruv usuli bo'yicha miqdoriy talqin qilish uchun amaliy mashg'ulotlarning dasturiy namunasi ishlab chiqildi.

Ishlar oddiy geometrik shaklga ega bo'lgan obyektning og'irlik kuchi anomaliasini vertikal tashkil etuvchisining modelini qurishdan boshlanib, boshqa gravitatsion maydonlarni ham o'z ichiga olgan holda, talabalarga haqiqiy muhit bilan ishonchli tarzda solishtirish imkonini beradi. Bunday yondashuv bizga sifatli yechimni taqdim etib, ma'lumotlarning bir-biriga integratsiyasini uzviy ravishda mustahkamlanishini ta'minlab beradi. Natijalarni to'g'ri va teskari masalalar ma'lumotlari orqali induksiyadan deduksiya va deduksiyadan induksiyaga qarab yo'l olish orqali baholash yetakchi rol o'ynaydi. Ya'ni bu yerda, avvalo, tajriba amalga oshiriladi, bizda aniq faktlar mavjud bo'ladi va xususiydan umumiyga qarab yuriladi. Bu, asosan, to'g'ri masala bilan bog'liq jarayondir. Soddadan murakkabga qarab tartibli qadam tashlanadi. So'ngra keyingi laboratoriya mashg'ulotida shu holatning teskarisi amalga oshiriladi, ya'ni umumiydan xususiyga o'tiladi. Bunday aylanma sikl talabdan muayyan mushohada talab etadi va fikrlarini jamlab, berilgan masalaga mantiqan to'g'ri yondashishiga asos bo'ladi. Lekin bu laboratoriya mashg'ulotida yechiladigan masala xususiy holni tashkil etganidan, haqiqiy geologik muhit bilan

bog'liqligida, albatta, ma'lum darajada farqlar yuzaga keladi. Bu esa masalaning murakkab holatidan chetlashib, soddalashtirilgan holatga olib kelishga asos bo'lgan. Keyinchalik bu laboratoriya mashg'ulotlarida masalalarni yechish uchun ushbu usullarning takomillashtirilgan varianti ishlab chiqiladi.

### **Xulosalar**

Hozirgi vaqtda hisob-kitob ishlarida kompyuterlarning imkoniyatlari mislsiz darajada oshdi. Geofizik usullar, jumladan, graviqidiruv masalalarini o'rganish uchun tubdan yangicha talqin qilish imkoniyatlari hal qilinmoqda. Bu esa amaliy, fundamental masalalarni hal qilishda yangicha yondashuvlarda faoliyat olib borish imkoniyatini yaratdi. Shunga ko'ra, ushbu dastur ham talabalarining geofizik masalalarni tushunishlariga yengillik yaratadi hamda ularning vizual tahlil qilish qobiliyatlarini yuqori saviyaga olib chiqadi. Ushbu dasturni yanada mukammallikka olib chiqish uchun bir qancha soddada jismlar uchun ham anomal gravitatsion maydonlar qurilib, so'ngra har bir obyekt hosil qilgan yig'indi anomal gravitatsionlarni birlashtirish lozim. Shunda haqiqiy geologik muhit haqida yanada yaxshiroq tasavvur paydo bo'ladi hamda to'g'ridan-to'g'ri, bevosita amaliy masalalar ham yechish mumkin. Chunki yuqorida bildirilganidek, haqiqiy geologik muhit aslan juda murakkab hisoblanadi. Shuning uchun ushbu dasturning keyingi avlodlarini qo'shimcha ma'lumotlar qo'shgan holda yanada boyitish lozim. Lekin shunga qaramay bu dasturlarda amaliyotlarning bajarilishi tez, oson, qulay va yuqori darajali imkoniyatlari har tomonlama vaqt tejalishi hamda foydalanuvchining mustaqil ravishda ta'lim olishiga imkon beradi.

## **REFERENCES**

1. Ta'limda AKT-Axborot va kommunikatsiya texnologiyalari [ICT-Information and communication technologies in education]. Available at: <https://dprvrn.ru/uz/metodika-ispolzovaniya-ikt-v-obrazovatelnom-processe/>.



2. Cai H., Xiong B., Zhu Y. 3D modeling and inversion of gravity data in exploration scale. *IntechOpen*, 2017, pp. 19-37. DOI: 10.5772/intechopen.7096/.
3. Novikov K.V. GravModel2D, version 1.6. User guide. Moscow, 2013, pp. 1-9.
4. Blokh Y.I. Interpretatsiya gravitatsionnix i magnitnix anomalii [Interpretation of gravitational and magnetic anomalies]. Moscow, 2009, pp. 5-14. Available at: <http://sigma3d.com/pdf/books/blokh-interp.pdf/>.
5. Babayants P.S, Blokh Y.I., Trusov A.A. Interaktivnie texnologii lokalnoy kolichestvennoy ekspress-interpretatsii potentsialnix poley [Interactive technologies for local quantitative express interpretation of potential fields]. Moscow, IFZ RAN, *Geofizika – Geophysics*, 2006, no. 1, pp. 56-59.
6. Blokh Y.I., Trusov A.A. Programma “IGLA” dlya interaktivnoy ekspress-interpretatsii lokalnix gravitatsionnix magnitnix anomalii [The program “IGLA” for interactive express interpretation of local gravitational magnetic anomalies]. Moscow, IFZ RAN, 2007, pp. 36-39.
7. SIGMA3D® site publications for structural interpretation of gravity and magnetic anomalies. Available at: <https://sigma3d.com/index.php/publications/books/> (accessed 12.11.2021).
8. Gravirazvedka [Gravity exploration]. Available at: <https://wiki.web.ru/wiki/Гравirazvedka/>.
9. Dolgal A.S., Petrosyan R.N. Reshenie obratnoy zadachi gravirazvedki dlya 2D prizmaticheskix tel metodom statisticheskix ispitaniy [Solution of the inverse problem of gravity exploration for 2D prismatic bodies by the method of statistical tests]. *Vestnik Permskogo universiteta – Bulletin of the Perm University*, 2021, vol. 20, no. 4, pp. 334-343.
10. Long L.T., Kaufmann R.D. Acquisition and analysis of terrestrial Gravity Data. New York, Cambridge University Press, 2013.
11. Ahmadjonova Z. Python dasturlash tili haqida [About Python programming language]. Available at: <https://community.uzbekcoders.uz/post/python-dasturlash-tili-haqida-615e7ec4e6d47af48a78fea3/>.
12. Zlatopolskiy D. Osnovi programmirovaniya na yazike Python [Fundamentals of programming in the Python language]. Moscow, DMK Publ., 2017.
13. Berri P. Izuchaem programmirovaniye na Python [Learning Python Programming]. Transl. from Engl. M.A. Reitman. Moscow, E Publ., 2017.
14. Bogoslovskiy V.A., Gorbachev Yu.I., Jigalin A.D., Kalinin A.V., Popov M.G., Pushkarev P.Yu., Modin I.N., Nikitin A.A., Nikitin A.A., Stepanov P.Yu., Xmelevskiy V.K. Geofizika [Geophysics]. Electronic edition of network distribution, ed. by V.K. Khmelevsky. Moscow, KDU, Dobrosvet, 2018. Available at: <https://bookonlime.ru/node/559/>.
15. Bulakh Y.G. Pryamie i obratnie zadachi gravimetrii i magnetometrii [Direct and inverse problems of gravimetry and magnetometry]. Kiev, Naukovaya dumka Publ., 2010, 464 p.
16. Novikova P.N., Dolgal A.S., Simanov A.A. Trehmernaya interpolyatsiya i podavlenie vliyaniya pripoverhnostnix neodnorodnostey pri obrabotke gravimetriceskix dannih [Three-dimensional interpolation and suppression of the influence of near-surface inhomogeneities in the processing of gravity data]. *Vestnik Permskogo universiteta – Bulletin of the Perm University*, 2013, iss. 1 (18), pp. 50-56.
17. Balk P.I., Dolgal A.S. Additivnyye tekhnologii resheniya obratnykh zadach gravirazvedki i magnitorazvedki [Additive technologies for solving inverse problems of gravity and magnetic exploration]. Moscow, Nauchny mir Publ., 2020, 455 p.
18. Cai H., Zhdanov M. Application of Cauchy-type integrals in developing effective methods for depth-to-basement inversion of gravity and gravity gradiometry data. *Geophysics*, 2015, no. 80 (2), pp. 81-94.
19. Sharximullin A.F., Dolgal A.S. Ispolzovanie funktsii lokalizatsii s selyu opredeleniya parametrov istochnika monogenichnoy anomalii sili tyajesti [Using the Localization Function with Mudflow to Determine Source Parameters of a Monogenic Gravity Anomaly]. *Vestnik Permskogo universiteta – Bulletin of the Perm University*, 2011, iss. 4 (13), pp. 69-76.



20. Balk P.I., Demenev A.G., Dolgal A.S., Ledentsov O.V., Michurin A.V. Effektivnost primeneniya mnogoprotsessornix vichislitelnix sistem s selyu otsenki dostovernosti resheniya obratnoy zadachi gravimetrii [Efficiency of multiprocessor computing systems with self-assessment of the reliability of the solution of the inverse problem of gravimetry]. *Vestnik Permskogo universiteta – Bulletin of the Perm University*, 2010, iss. 1 (9), pp. 50-57.

21. LaFehr T.R., Nabighian M.N. Fundamentals of Gravity Exploration. Tulsa, *Society of Exploration Geophysicists*, 2012.

22. Jahandari H., Farquharson C.G. Forward modeling of gravity data using finite-volume and finite-element methods on unstructured grids. *Geophysics*, 2013, no. 78 (3), pp. 69-80.

**Taqrizchi:**

Atabayev D.X., g.-m.f.d., prof. v.b., “Geofizikaviy tadqiqot usullari” kafedrasini mudiri, “Geologiya va geoinformatsion tizimlar” fakulteti, O‘zbekiston Milliy universiteti.



doi <https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2022-3-10>

UDC: 519.87

# ELEKTRON LUG‘AT BIZNES-JARAYONINI ALISHER NAVOIY ASARLARI IZOHLI LUG‘ATI MISOLIDA MODELLASHTIRISH

**Xusainova Zilola Yuldashevna,**

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O‘zbek tili va adabiyoti universiteti  
Kompyuter lingvistikasi mutaxassisligi magistranti,

ORCID: 0000-0003-4357-7515, e-mail: xusainovazilola@navoiy-uni.uz

**Annotatsiya.** Axborot texnologiyalari jadal rivojlanayotgan hozirgi davrda zarur manbalarning elektronlashishi muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunda kundalik hayotda, ish faoliyatida, ilmiy faoliyatda, boringki, hayotimizning turli jabhalarida elektron xizmatlar joriy qilingan. Bu esa foydalanuvchilarga har vaqt, har joyda foydalanish imkonini beradi. Shunday elektron manbalardan yana biri elektron lug‘atlardir. Ayniqsa, qadimiy manbalarning elektron shakliga aylanishi muhim ahamiyatga ega. Xuddi shunday elektron manbalardan biri Alisher Navoiy asarlari elektron izohli lug‘ati bo‘lib, uni yaratish bir qator vazifalarning bajarilishini talab qiladi. Ya‘ni muallif asarlari izohli lug‘atini elektron (.doc, .xls, .txt) shakliga o‘girish, elektron lug‘at axborot tizimi biznes-jarayonini modellashtirish, tizimning ma‘lumotlar bazasini ishlab chiqish va ma‘lumotlarni birlashtirish, nihoyat, dasturlash tillarining imkoniyatlaridan foydalanib, elektron lug‘at axborot tizimini yaratish. Ushbu axborot tizimini ishlab chiqishda elektron lug‘atlarga qo‘yilgan xalqaro standartlarga tayanildi. Yaratiladigan Alisher Navoiy asarlari elektron izohli lug‘ati maktab o‘quvchilari, talabalar, mustaqil izlanuvchilar, tadqiqotchilar uchun buyuk mutafakkir asarlarini to‘liq tushunish imkonini beradi.

**Kalit so‘zlar:** elektron lug‘at, biznes-jarayon, model, modellashtirish, ma‘lumotlar bazasi, MVC platformasi.

## МОДЕЛИРОВАНИЕ БИЗНЕС-ПРОЦЕССА ЭЛЕКТРОННОГО СЛОВАРЯ: НА ПРИМЕРЕ ТОЛКОВОГО СЛОВАРЯ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛИШЕРА НАВОИ

**Хусаинова Зилола Юлдашевна,**

магистрант компьютерной лингвистики  
Ташкентского государственного университета  
узбекского языка и литературы им. Алишера Навои

**Аннотация.** В современную эпоху стремительного развития информационных техноло-

## Кирish

Hozirgi zamon leksikografiyasi terminografiya kabi o‘z taraqqiyotida yangi bosqichni boshdan kechirmoqda. Kompyuter texnologiyalarini optimallashtirish amaliy tilshunoslikning kompyuter va korpus lingvistikasi kabi sohalarini shakllantirishga imkon berdi, bu esa lug‘atlar fanidagi yangiliklar uchun mustahkam asos bo‘lib xizmat qildi. Binobarin, kompyuter leksikografiyasining rivojlanishi, xususan, har xil turdagi yangi elektron leksikografik mahsulotlarni yaratish zamonaviy amaliy tilshunoslikning istiqbolli yo‘nalishidir. Elektron lug‘atlarning imkoniyatlari yetarlicha keng: tezlik, ma‘lumot topishda qulaylik, katta hajm, so‘zning ovozli va grafik tasviri, imlo tekshiruvi, interaktivlik, matnning ixchamligi va boshqalar. Elektron lug‘atlar zamonaviy leksik materialga asoslangan bo‘lib, til va nutq tendensiyalarini o‘zida aks ettiradi. Foydalanuvchining ma‘lumot olish jarayonida universal vositaga aylanadi.

Elektron lug‘atlar, odatda, matn korpusi asosida avtomatik ishlov berish va lug‘at qidirish vositalaridan foydalangan holda tuziladi. Buning uchun maxsus dasturlar – ma‘lumotlar bazalari, kompyuter fayllari kabinetlari, lug‘at yozuvlarini avtomatik ravishda yaratish, lug‘at ma‘lumotlarini saqlash va qayta ishlash imkonini beruvchi matnni qayta ishlash dasturlari jalb qilingan. Shunday qilib, elektron lug‘at yaratish quyidagi bosqichlarni o‘z ichiga oladi:



- matnlar korpusini shakllantirish va parallel ravishda lug'at yaratish;
- misollar korpusini avtomatik shakllantirish;
- lug'at yozuvlarini yozish;
- lug'at yozuvlarini ma'lumotlar bazasiga (MB) kiritish;
- ma'lumotlar bazasidagi lug'at yozuvlarini tahrirlash;
- ma'lumotlar bazasidagi matnni tuzatish;
- lug'at matnini yaratish va asl maketni shakllantirish;
- lug'at chop etish.

Qanday qilib zamonaviy lug'at yaratish masalasi mahalliy va xorijiy leksikografiyaning munozarali masalalaridan biriga aylandi.

### Material va metodlar

Zamonaviy yuqori texnologiyalar dunyosida terminologik lug'atlarga alohida o'rin berilgan. Ular ilmiy bilimlarning moddiylashtirilgan tarkibiy qismlarini tuzatadilar. Aynan shu lug'at va ma'lumotnomalar ilmiy-texnikaviy axborot sohasidagi ishlar uchun asos bo'lib xizmat qiladi [1, 2-b.].

"Axborot texnologiyalarining (IT) ta'lim jarayoniga joriy etilishi bilan elektron lug'atlar, mobil ilovalar va veb-ilovalardan foydalanish dolzarb hisoblanadi va ommalashib bormoqda. O'qitishning asosiy vazifalaridan biri o'quvchida leksik birliklarni tushunish va ularni chet tilini o'rganishda qo'llash qobiliyatini rivojlantirishdir. Shuni ta'kidlash kerakki, hozirgi vaqtda elektron lug'atlar bilan bog'liq bir qancha tushuncha va atamalar mavjud. Zamonaviy qog'ozlar va nashrlarda elektron lug'at, raqamli lug'at, ilova, resurs va vosita so'zlari ba'zan "lug'at" ma'nosida ishlatiladi" [2, 3-b.]. Onlayn va oflayn elektron lug'atlar bosma nashrlar o'rnini egallamoqda. O'rganilayotgan tilning leksik xususiyatlarini keng amaliy jihatdan o'zlashtirish uchun lug'atlarning zamonaviy turlariga murojaat qilish maqsadga muvofiqdir. Zamonaviy elektron lug'atlarning qulaylik va imkoniyatlari haqida "Elektron yoki raqamli lug'at foydalanuvchilarga qulay interfeys va avtomatik, tezkor qidiruv vositalari bilan jihozlangan dastur yoki portal sifatida ta'riflanishi mumkin" [3, 5-b.], degan mulohaza ilgari surilgan.

gii важна электронизация нужных ресурсов. В настоящее время электронные услуги внедрены в различные сферы нашей повседневной жизни, работы и научной деятельности. Это позволяет пользователям использовать их в любое время и в любом месте. Одним из таких источников являются электронные словари. Особенно важно перевести древние источники в электронный вид. Электронный аннотированный словарь произведений Алишера Навои – электронный источник, создание которого требует решения ряда задач. Сюда входят перевод аннотированного словаря авторских произведений в электронный вид (.doc, .xls, .txt), моделирование бизнес-процесса информационной системы электронного словаря, разработка базы данных системы и консолидация данных и, наконец, создание информационной системы электронного словаря с использованием возможностей языков программирования. Разработка этой информационной системы основывается на международных стандартах электронных словарей. Создание электронного словаря произведений Алишера Навои способствует школьникам, студентам, самостоятельным соискателям и исследователям изучению творчества великого мыслителя.

**Ключевые слова:** электронный словарь, бизнес-процесс, модель, моделирование, база данных, платформа MVC.

### ELEKTRONIC DICTIONARY BUSINESS PROCESS MODELING: AN EXAMPLE OF ALISHER NAVOI'S ANNOTATED DICTIONARY

**Khusainova Zilola Yuldashevna,**

Tashkent State University of Uzbek Language and  
Literature named after Alisher Navoi,  
Master of Computer Linguistics

**Abstract.** In the modern era of the rapid development of information technology, the electronization of the necessary resources is important. Currently, electronic services have been introduced into various areas of our daily life, work and scientific activities. This allows users to use it anytime, anywhere. Another source is electronic dictionaries. It is especially important to convert ancient sources into electronic form. One of such electronic sources is the electronic annotated dictionary of Alisher Navoi's works, the creation of which requires the solution of a number of tasks. That is, the translation of an annotated dictionary of author's works into an electronic (.doc, .xls, .txt) form, modeling the business process of an electronic dictionary information system, developing a system



*database and consolidating data, and finally creating an electronic dictionary information system using the capabilities of programming languages. The development of this information system was based on international standards for electronic dictionaries. An electronic dictionary of Alisher Navoi's works will be created so that schoolchildren, students, independent researchers and researchers can fully understand the work of the great thinker.*

**Keywords:** *electronic dictionary, business process, model, modeling, database, MVC platform.*

Elektron lug'atlarning turlarini farqlash, qoida tariqasida, ular bajaradigan funksiyalarga qarab amalga oshiriladi. Ularning muhim afzalligi audiovizual o'quv vositalaridan, ya'ni rasmlar, videolar, audio kliplardan foydalanishdir [4, 235-b.].

Elektron lug'atlar foydalanuvchilarni qulay qidiruv mexanizmi bilan birlashtiradi. Ularda so'zni topish uchun lug'atning qidiruv qatoriga kiritish yoki alifbo-ildiz rubrikatorida topish kerak. Izlanishlar natijasi shuni ko'rsatadiki, elektron lug'atlar o'zining funktsionalligi bo'yicha qog'oz lug'atlardan ustun, shu bilan birga, qator afzalliklarga ega:

- ko'p funksiyalilik – lug'atdan foydalanishni soddalashtiradigan turli xil qo'shimcha funksiyalar. Masalan, nutq qismlari, kelib chiqishi, shuningdek, so'z yasalishi, tabu lug'atini belgilashingiz mumkin [5, 2-b.];

- multimedia vositalaridan foydalanish – sarlavhali so'zlarni aytish, fotosuratlar, animatsiya, videokliplar bilan illyustrativ materiallarni kiritish [6, 205-b.], shuningdek, turli grafik vositalardan foydalanish [7, 145-b.];

- muvofiqlik va dinamizm – axborotni doimiy ravishda yangilab turish, shuningdek, eskirgan ma'lumotlarni olib tashlash imkoniyati [8, 47-b.]. Bu "qog'oz" lug'atlarga nisbatan muhim afzalliklardan biridir, chunki ular nashr etilganda, muqarrar ravishda eskiradi [4, 146-b.];

- katta so'z boyligi [9, 2-b.]. Aksariyat elektron lug'atlar qog'oz lug'atlar bazasidan oshib ketadigan atama bazasiga ega va giperhavolalar yordamida ma'lumotlarga qulayroq kirish imkonini beradi [6, 206-b.];

- foydalanishning o'zgaruvchanligi – lug'atlardan mahalliy va global tarmoqlarda foydalanish imkoniyati [6, 207-b.], ya'ni oflayn va onlayn versiyalardan foydalanish [10, 7-b.];

- universallik, qoida tariqasida, dasturlar bir vaqtning o'zida bir nechta tillar va tarjima yo'nalishlari bilan ishlashga imkon beradi [11, 2-b.]. Lug'atga kiritilgan har qanday tildan kirish sifatida foydalanish mumkin [8, 47-b.];

- qulay qidiruv – samarali qidiruv tizimidan foydalanish imkoniyati (to'liq matnli qidiruv, bir vaqtning o'zida bir nechta lug'atlardan qidirish, yuqori qidiruv tezligi) [6, 207-b.]. Shuningdek, so'zni aniq eslab qolishning hojati yo'q, dasturning o'zi birinchi harflar uchun variantlar taklif qiladi [5, 2-b.];

- elektron lug'atlarda kontentga kirish uchun turli lingvistik texnologiyalar qo'llaniladi. Masalan, morfologik va sintaktik tahlil, to'liq matnni qidirish, nutqni aniqlash va sintez [7, 147-b.] kabi afzalliklarga ega bo'lgan ixtiyoriy yo'nalishdagi elektron lug'at yaratish quyidagi bosqichlarda amalga oshadi: yo'naltirish uchun vazifalar; lug'at yozuvlarini qidirish; lug'at yozuvini tahlil qilish; olingan ma'lumotlarni til muammosini hal qilish uchun qo'llash; nutq muammolarini hal qilish uchun axborotni qo'llash.

Elektron lug'atlardan foydalanishning boshqa kamchiliklari qatorida lug'atning to'liq emasligi va lug'at bazasini zamon talablariga mos holatda saqlash muammosi ham bor. Bu fakt elektron lug'atlarning sanab o'tilgan afzalliklarini kamaytirmaydi.

M.M. Ravilov, Sh.Sh. Tog'ayev, X.U. Baxshulayev, H.I. Ubaydullayevlar kabi o'zbek tadqiqotchilari ko'plab elektron lug'at yaratganlar.

### **Tadqiqot natijalari**

Ma'lumki, muallifning leksik materiali boyligi haqidagi eng to'liq g'oyani faqat badiiy asarlarning to'liq leksemalarini o'zida mujassamlashtirgan lug'at berishi mumkin. Navoiy asarlari elektron izohli lug'atining ma'lumotlar bazasi mutafakkir asarlarida tushunish murakkab bo'lgan arabcha, forscha so'zlaridan tashkil topgan. Mazkur elektron lug'at Navoiy asarlari izohli lug'atining elektron lug'at ko'rinishi bo'ladi. Barcha so'zlarning



izohi o'zbek tilida ko'rsatiladi. Ushbu jara-  
 yonni Navoiy asarlarida uchragan "Bar" so'zi  
 misolida tahlil qilamiz.

*BAR I – meva, hosil, samara degan ma'noni  
 beradi.*

1. Bosh so'z katta harflar bilan berilgan.
2. Bosh so'zning o'ng tomon birikish im-  
 koniyati: *bar yemoq, bar topmoq...*
3. Lug'at maqolasi illustrativ misollar,  
 ya'ni Navoiy asarlaridan olingan baytlar bilan  
 ko'rsatiladi.
4. Ensiklopedik axborot: lug'at maqolasi  
 uchun namuna sifatida keltirilgan baytlarning  
 manbasi ko'rsatib o'tiladi.
5. Grammatik xarakteristika: *bar* so'z  
 old ko'makchi ma'nosida kelgan [Gramma-  
 tik xarakteristika lug'at maqolasining mor-  
 fologik xususiyatlari haqida ma'lumot beradi]  
 [В.В. Дубичинский, 2008:57].

Qishi Hanzal eksa achchig' bar topar,  
 Va gar nayshakar eksa shakkar topar  
 [Saddi Iskandariy, 285a18].

*~ ye- – lazzatlanmoq, bahra olmoq:*  
 Hayot gulshanidin qayda bar yegay  
 ko'nglum,


Ki g'am xazoniga bo'lmish badal bahori.  
 [Xazoyinul-maoniy, IIIb-345]

*~ top- – lazzatlanmoq, bahra olmoq:*  
 Visol tuxmini ektim, firoq bar toptim,  
 Vafo niholini tiktim, jafo samar toptim  
 [Xazoyinul-maoniy, Ib-426].

*BAR II – ~ ust, -ma ma'nosini beruvchi old  
 ko'makchi ma'nosini bildiradi:*

Kamolaki sendin topib intizom,  
 Aning lafz bar lafzi mu'jiz nizom [Saddi  
 Iskandariy, 237b 16].

"Bar" so'zining leksikografik mikrostruk-  
 turasidan kelib chiqib, biznes-jarayonning  
 optimal ma'lumotlar bazasi tuziladi. Ma'lu-  
 motlar bazasi izohli lug'atni to'liq qamrab  
 olishi nazarda tutilsa, har bir so'zning biri-  
 kuvchilarini ham alohida ajratish muhim.  
 Yuqorida keltirilgan elektron lug'at imkoni-  
 yatlari xususiyatlarini inobatga olib, Alisher  
 Navoiy asarlari izohli lug'atining ma'lumotlar  
 bazasi modellashtiriladi. Ma'lumotlar bazasi  
 tuzilishini modellashtirishda IDEF1X notatsi-  
 yasidan foydalanildi.



1-rasm. Alisher Navoiy asarlari elektron izohli lug'atining ma'lumotlar bazasi tuzilishi




1-rasmda keltirilgan jadval va maydonlarning nomlari ingliz tilida berilgan. Masalan:

1. “NavWords” (Navoiy words) jadvali Navoiy asarlari izohli lug’atining bosh so’zlari.
2. “Description” (Izoh) jadvali bosh so’zning izohlari.
3. Source – Navoiy asarlari haqidagi ma’lumotlar.
4. Sentence – Alisher Navoiy asarlaridan olingan parchalar.
5. Word – izohli lug’atdagi bosh so’zlarning

birikuvchilari.

6. SourceType – asarlarning turi.
  7. “NavWordswithDesc” jadvali bosh so’zning mustaqil ma’nosi.
  8. “WordsDescs” jadvali bosh so’zning birikuvchilari bilan birikib, shu birikuvchilar bilan birga anglatuvchi izohlarini o’zida saqlaydi.
- Ushbu ma’lumotlar bazasi asosida yaratilgan Navoiy asarlari elektron izohli lug’atini ifodalovchi jarayoni quyidagicha model-lashtirildi:




**2-rasm. Alisher Navoiy asarlari elektron izohli lug’atini ifodalovchi biznes-jarayon modeli**

Mazkur elektron lug’at MVC prinsipi asosida yaratildi.

MVC bu – *Model* (Model), *View* (Ko’rinish), *Controller* (Kontroller) so’zlarining bosh harflari qisqartmasidan olingan bo’lib, *Architectural Design Pattern* (Arxitekturaviy dizayn paterni) hisoblanadi. MVC dasturiy mahsulotini asosiy uch qatlamga (Model, View, Controller) bo’lish dastur strukturasi qulaylashtiradi. Foydalanuvchidan kelayotgan so’rov controllerga yo’naltiradi. Controller *business logic* (bajariladigan vazifaning mohiyati) qismi bo’lib, model bilan ishlashga javobgar sanaladi. Model axborot tizimi asoslangan ma’lumotlar bazasidir va ko’p hollarda ma’lumotlar bazasidagi jadvalni ifodalaydi. Controller viewni tanlaydi va unga modelni jo’natadi. View – foydalanuvchiga

taqdim etiladigan interfeys va u .html, .css, .JavaScript, JQuery texnologiyalari yordamida ishlab chiqiladi.



**3-rasm. MVC platformasining ishlash prinsipi**





Mazkur jarayonda Model vazifasini SQL ma'lumotlar bazasi, Controller vazifasini Python dasturlash tili va Django Framworki, View vazifasini esa html tili, css javaScript texnologiyalari bajaradi.

### Xulosalar

Axborot texnologiyalari rivojlanayotgan hozirgi davrda buyuk mutafakkirlar asarlarining elektron shakli ayni muddaodir. Elektron manbalar har jihatdan o'quvchilar uchun qulay. Ushbu tadqiqot ishining bajari-lishi o'zbek mutafakkirining hayot yo'li, ijodi-ga doir ma'lumotlar jamlangan veb-sayt-ni ommaga taqdim etadi. Bu kabi veb-sahi-

falar mavjud, ammo ushbu saytda Alisher Navoiy asarlarining izohli lug'ati gavdalanadi. Alisher Navoiy asarlari izohli lug'atining elektron shaklini o'zida mujassamlashtirgan veb-saytning arxitekturasi BPMN yordamida ishlab chiqildi. Veb-sayt tarkibidagi elektron izohli lug'at biznes-jarayoni modellashtiril-di. Ushbu sayt yordamida o'quvchilar buyuk mutafakkir asarlari elektron shaklini yuklab olish bilan birga ularni elektron lug'at yor-damida chuqur anglash imkoniga ega bo'ladi-lar. Yaratilgan dasturni o'rta maxsus va kasb-hunar ta'limi tizimida, oliy ta'limda yor-damchi material sifatida tatbiq etish mumkin.

## REFERENCES

1. Vyshkin E.G., Nemich N.N., Khokhlova A.A. Leksikograficheskoye opisaniye angliyskikh i russkikh fitonimov elektronnom glossarii [Lexicographic description of English and Russian phytonyms in the electronic glossary]. *Bulletin of Samara State Technical University. Series Psychological and Pedagogical Sciences*, 2021, no. 18 (3), pp. 115-126. DOI: 10.17673/vsgtu-pps.2021.3.8/.
2. Sinitsa A.I. Ispol'zovaniye elektronnykh slovarey na urokakh russkogo yazyka i literatury [The use of electronic dictionaries in the lessons of the Russian language and literature]. *RONO, Electronic journal*, 2014, no. 23.
3. Sabel'nikova A.M., N.V. Zimovets. Ispol'zovaniye elektronnykh slovarey v obuchenii angliyskomu yazyku [The use of electronic dictionaries in teaching English]. *Lexicography and Communication. Proceedings of the IV Intern. scientific Conf., Belgorod, 2018, April 26-27*, pp. 233-236.
4. Leonova A.V., Snopkova N.A. Sovremennyye instrumenty tekhnicheskogo perevodchika [Modern technical translator tools]. *National Research Irkutsk State Technical University*, 2012, pp. 2.
5. Chepik Ye.Yu. Politicheskoye slovo v strukture elektronnoy slovary [Political word in the structure of the electronic dictionary]. *Culture of the peoples of the Black Sea*, 2005, no. 69, pp. 205-209.
6. Kashevarova I.S. Elektronnyy slovar' kak novyy etap v razvitii leksikografii [Elektronic dictionary as a new stage in the development of lexicography]. *Young scientist*, 2010, no. 10 (21), p. 145.
7. Tuzlukova V.I. Tipologiya pedagogicheskikh leksikograficheskikh istochnikov v mezhdunarodnoy pedagogicheskoy leksikografii [Typology of Pedagogical Lexicographic Sources in International Pedagogical Lexicography]. *Proceedings of the Second International Scientific and Practical Conference*, p. 45.
8. Litkowski K. Computational lexicons and dictionaries [Encyclopedia of Language and Linguistics]. Elsevier Publishers, Oxford (forthcoming), 2005, no. 2, pp. 1-14.
9. Fesenko O.P., Laukhina S.S. Elektronic dictionaries as a product of modern lexicography. *Omsk Scientific Bulletin*, 2015, no. 4 (141), pp. 46-48.
10. Bilingual D.L. Lexicography and Corpus Methods. The Example of German-Basque as Language Pair. 5th International Conference on Corpus Linguistics, CILC2013.
11. Banerjee I., Madhavan S., Goldman R.E., Rubin D.L. Intelligent Word Embeddings of Free-Text Radiology Reports. Article in AMIA. *Proceedings of Annual Symposium*, 2017, November.



12. Kantysheva N.G. Hypermedial structural elements of the representation of special knowledge in computer lexicography. *Bulletin of the Chelyabinsk State University*, Ser. Philology, Art Criticism, 2012, vol. 71, no. 32 (286), pp. 47-50.

13. A. Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati [Annotated dictionary of the language of A. Navoi's works]. Ed. by E.I. Fozilov. Tashkent, Corresponding member of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1983, vol. 1, p. 8.

14. Melnyk S.M., Sikorska V.V., Luhova T.A. Complex educational e-dictionary: compilation methods, expedience and usage specificity. Scientific notes of the National University. *Ostrog Academy*, ser. Philology. Ostrog, NaUOA Publishing House, 2020, iss. 9 (77), pp. 11-15.

15. Dubichinskiy V.V. Leksikografiya russkogo yazyka [Lexicography of the Russian language]. Moscow, Nauka Flinta, 2008, 432 p.

**Taqrizchi:** Aloyev R., f.-m.f.d., Hisoblash matematikasi va axborot tizimlari kafedrası professori, O'zMU.



doi <https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2022-3-11>

UDC: 636.082.42

# ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА НАСЛДОР СПЕРМАДОНОР БУҚАЛАРНИНГ УРУҒ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА АЙРИМ КЛИНИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЙИЛ ФАСЛЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗГАРИШИ

**Дўстмуҳаммедова Муҳайё Ҳусниддиновна,**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, “Умумий зоотехния ва ветеринария” кафедраси профессори,  
ORCID: 0000-0003-3622-1318, e-mail: dmuhayyoxon@mail.ru;

**Аллаяров Шерали Шамшиевич,**

“Умумий зоотехния ва ветеринария” кафедраси таянч докторанти,  
ORCID: 0000-0003-3376-5459, e-mail: sherallayar@gmail.com

Тошкент давлат аграр университети

## Кириш

Қорамолчиликда тармоқ ривожини таъминлаш учун наслчилик, хусусан, сунъий уруғлантиришнинг аҳамияти катта. Унинг кўплаб афзалликлари ичида энг муҳими бу юқори наслдор буқалар уруғи билан табиий уруғлантиришга нисбатан кўп сонли сигирларни сунъий уруғлантиришдир. Бунинг учун хомашё сифатида хориждан тайёр уруғ ёки наслдор-спермодонор буқалар олиб келиниб, уруғ захираси яратилади. Албатта, маҳаллий шарт-шароитлар улар келтирилган мамлакатларнинг табиий-иқлим шароитидан фарқланиши билан бир қаторда йилнинг ҳар бир мавсуми ҳам ўзининг ҳаво ҳарорати, ёруғлик ва намлик даражаси билан фарқланади. Бунга боғлиқ ҳолда эса организмнинг айрим клиник кўрсаткичлари ҳам ўзгариб туради ва бу икки омил ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлади. Ушбу масалаларни айнан Ўзбекистон шароитида ўрганиб чиқиб, натижаларидан бу борадаги ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва бошқариш ишларида унумли фойдаланиш мумкин. Бу эса

**Аннотация.** Қорамолчилик тармоғида бошқа маҳсулотлар каби наслдор буқалардан уруғ ишлаб чиқариш ҳам ҳайвонлар организмнинг ташқи муҳит омилларига мослашувчанлик (адаптив) хусусиятларига боғлиқ. Бунда мослашувчанлик хусусиятларининг энг асосий индикаторлари уларнинг сперма маҳсулдорлиги миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда, организмнинг айрим клиник кўрсаткичлари ҳам ўзгариб туради ва бу икки омил ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуддир. Ушбу масалаларни айнан Ўзбекистон шароитида ўрганиб чиқиб, ўрганиш натижаларидан бу борадаги режалаштириш, ташкиллаштириш ва бошқариш ишларида унумли фойдаланиш мумкин. Маълумки, республикамиздаги қорамоллар подасини яхшиловчи наслдор буқалар хориждан (Бушувев зотига мансуб наслдор буқалардан ташқари) келтирилади. Таҷрибалар давомида хориждан келтирилган ва маҳаллий Бушувев зотига мансуб ёш наслдор буқалардан спермодонор сифатида фойдаланишда уруғ маҳсулдорлигининг йил мавсумлари бўйича ўзгариши уларнинг айрим физиологик кўрсаткичларига таққосланган ҳолда тадқиқ этилди. Чунки ҳайвонларнинг маҳсулдорлик даражаси билан бевосита боғлиқликда бўладиган кўрсаткичларидан бири уларнинг организмдаги физиологик ҳолат ҳисобланади.



Албатта, бунда клиник кўрсаткичларни ҳисоблаш муҳим, чунки айнан шу маълумот асосида ҳайвонларнинг маълум бир асраш шароитига мослашганлиги ва уруғ маҳсулдорлигининг кутилиши тўғрисида фикр юритиш мумкин.

**Калит сўзлар:** сперма, спермий, спермадонор, эякулят, уруғ ҳажми, концентрация, уруғ маҳсулдорлиги, йил мавсумлари, клиник кўрсаткичлар.

### СЕЗОННЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ СПЕРМОПРОДУКТИВНЫХ И НЕКОТОРЫХ КЛИНИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПЛЕМЕННЫХ БЫКОВ-СПЕРМОДОНОРОВ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

**Дустмухаммедова Мухайё Хусниддиновна,**  
доктор сельскохозяйственных наук,  
профессор кафедры  
«Общая зоотехния и ветеринария»;

**Аллаяров Шерали Шамшиевич,**  
докторант кафедры  
«Общая зоотехния и ветеринария»

Ташкентский государственный аграрный  
университет

**Аннотация.** При производстве продуктов скотоводства, как и других продуктов отрасли, спермопродуктивность племенных быков зависит от адаптационных свойств организма животных к факторам внешней среды. При этом важнейшими показателями адаптивной характеристики являются количественные и качественные показатели спермопродуктивности. Вместе с тем в течение года в зависимости от сезонов года некоторые клинические показатели организма также изменяются, и между этими двумя факторами существует взаимосвязь. Изучение этих вопросов в условиях Узбекистана и результаты исследования могут быть эффективно использованы в планировании, организации этого процесса и управлении им. Известно, что племенные быки-производители крупного рогатого скота в республике в основном завозятся (кроме племенных быков породы Бушувей) из-за рубежа. В ходе наших опытов изучались сезонные изменения семенной продуктивности завезенных молодых быков-спермодоноров и местных бушувейских племенных быков путем сравнения некоторых их физиологических показателей. Это связано с тем, что одним из показателей, непосредственно связанным с уровнем продуктивности животных, является физиологическое состоя-

сифатли уруғ захирасини яратиш ва уруғ таъминотини узлуксиз амалга ошириш орқали кенг кўламли селекция-наслчилик ишлари самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот ишининг мақсади хориждан келтирилган буқалар уруғ маҳсулдорлигининг маҳаллий шароитларда, йил мавсумлари, ёш ва зотига боғлиқ ҳолда ўзгаришини зотлараро ўзаро таққослаган ҳолда ўрганиш ва тадқиқот натижаларига кўра, улардан оптимал фойдаланиш муддатларини белгилаш учун хулоса чиқаришдан иборат.

*Тадқиқот вазифалари* республикамизга хориждан келтирилган ва маҳаллий, Бушувей зотига мансуб ёш наслдор буқалардан спермодонор сифатида фойдаланишда уларнинг уруғ маҳсулдорлиги миқдорий кўрсаткичларини айрим физиологик кўрсаткичларига таққослаган ҳолда тадқиқ этиш орқали йил мавсумлари бўйича ўзгаришига оид зот хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

*Мавзуга тегишли адабиётлар таҳлили.* Наслдор буқа уруғи ишлаб чиқаришга йил мавсумларининг таъсири Ўзбекистон шароитида ҳали етарли даражада чуқур ўрганилмаган. Аммо дунё миқёсида кўпчилик олимлар томонидан бу масала тадқиқ этилган. Чунки сперматогенез жараёни 61 кун давом этса-да, шу қисқа давр ичида ҳам ҳаво ҳароратининг ўзгаришларига таъсирчан бўлади [1-4]. Сперма маҳсулотининг мавсумий ўзгаришлари, асосан, организмнинг ўз ҳароратини бошқариш, уруғдонларнинг марказий нерв тизимига гуморал таъсири натижаси, деб ҳам қайд этилган [5].

Албатта, бу борада зот хусусиятлари ҳам сезиларли таъсир кучига эга эканлиги россиялик олим Ю.В. Анбаза (2019) томонидан батафсил изоҳланган [6].

В.М. Шестаков (1981) маълумотларида эса барча генотипли ҳайвонларда бу ҳолат баҳор-ёз мавсумларида жадаллашиб, бунга ёруғ кун давомийлигидан ташқари, фаол моцион ҳамда озуқа рационининг



витаминология бойлиги ҳам сабаб бўлади [7]. Аммо Н.А. Малыгина, А.В. Булаева, Д.К. Романова (2017)ларнинг таъкидлашларича, бу борада қизил-ола зоти энг юқори, симменталь зотли буқалар эса энг паст кўрсаткичларни намоён этади [8].

Е.М. Murphy ва унинг ҳаммуаллифлари (2018) голштино-фриз зотли қорамоллар билан ўтказган тажрибаларида қиш ва эрта баҳорда сперма маҳсулдорлиги ҳажм, концентрация жиҳатидан бошқа даврларга нисбатан кам бўлишини қайд этишган [9].

Л.Н. Шарыгина (2003) маълумотларига кўра, наслдор буқалар эякулятнинг ҳажми ёзда бошқа даврларга нисбатан 10-12 %га юқори бўлади [10]. Бу хулосаларни юқорида кўрсатилган Е.М. Murphy, А.К. Kelly, С.О. Meera, В. Eiversлар маълумотлари ҳам тасдиқлайди [9].

Е.В. Четвертакова (2012) эса сифат жиҳатдан чуқурроқ текширувлар ўтказиши натижасида қора-ола ва қора-ола голштин зотли буқаларнинг қишда олинган уруғининг мос равишда 22,1 ва 21,4 %и яроқсиз бўлишини аниқлаган. Улардан олинган уруғ симменталь зотлиларига нисбатан ўртача 15,17 мл га кам миқдорни ташкил этган [11, 12].

Голштин зотининг бундай ўзига хос хусусияти Л.В. Халтурина томонидан ҳам тасдиқланган [13].

Россиянинг наслчилик бўйича "Курское" ОАЖида уруғ маҳсулдорлигига парваришлар шароитини ўрганган Н.В. Сидорова (2014) хулосаларига кўра, уруғ маҳсулдорлигининг миқдор ва сифат жиҳатдан пасайиши ноябрь ойида бошланиб, февраль-март ойларида яққол ифодаланган ва бу ҳолат ҳайвонлар озуқасидаги витаминлар миқдорининг камайиши ҳамда биологик ритмларига боғлиқ [14].

Йил мавсумлари бўйича уруғ маҳсулдорлигининг миқдорий жиҳатларини алоҳида тадқиқ этган олим И. Дробот (2014)нинг таъкидлашича, куннинг ёруғлик даври узайиши буқалар фаоллиги ошишига сабаб бўлади. Бу ҳолат сут, сут-

ние их организма. Поэтому важно исследовать показатели спермопродукции и некоторые клинические показатели, поскольку именно на основе этой информации можно определить, в какой мере животное адаптировано к той или иной среде содержания и какая семенная продуктивность ожидается в ближайшее время.

**Ключевые слова:** сперма, спермий, спермодонор, эякулят, объем спермы, концентрация, спермопродуктивность, сезоны года, клинические показатели.

### SEASONAL CHANGES IN SPERM PRODUCTION AND SOME CLINICAL INDICATORS OF BREEDING BULLS-SPERM DONORS IN THE CONDITIONS OF UZBEKISTAN

**Dustmukhammedova Muxayyo Husniddinovna,**  
Doctor of Agricultural Sciences,  
Professor of the Department  
of General Zootechnics and Veterinary Medicine;

**Allayarov Sherali Shamshievich,**  
Doctoral Student of the Department  
of General Zootechnics and Veterinary Medicine

Tashkent State Agrarian University

**Abstract.** In the production of livestock and other products, productivity depends on adaptive properties of the animal organism to environmental factors. At the same time, the most important indicators of adaptive characteristics are quantitative and qualitative indicators of the sperm productivity. At the same time, within a year, depending on seasons of the year, some clinical indicators of the body also differ, however there is correlation between these two factors. The study of these issues in the conditions of Uzbekistan and its findings can be used effectively in planning, organizing and managing this process. It is known that pedigree bulls-sires of cattle are imported into the republic (except for pedigree bulls of the Bushuev breed). In the course of our experiments, seasonal changes in the seed productivity of sperm donors of imported young bulls and local Bushuev bulls were studied by comparing some of their physiological indicators. It is due to the fact, that one of the indicators directly related to the level of productivity of animals is their physiological state of body. Of course, it is important to calculate clinical indicators, because it is on the basis of this information that it can be assumed that the animal is adapted to a particular environment, and its seed production is expected in the near future.

**Keywords:** sperm, spermatozoon, sperm donor, ejaculate, semen volume, concentration, semen output, seasons, clinical indicators.



гўшт ва гўшт йўналишларидаги барча буқаларда баҳор мавсумида 1,5-2 эякулят миқдорида кузатилиб, ёздаги пасайиш ҳолати гўшт йўналишидаги зотларга мансуб буқаларда нисбатан эртароқ содир бўлади [15].

Н. Swaiwe, E. Brus (1986) маълумотларига кўра, ёзги уруғнинг оталантириш даражаси, умуман олганда, қиш мавсумида олинганига қараганда анча юқори, аммо қисқа даврда давом этса-да, жуда иссиқ пайтда вақтинчалик бўлса-да сифат жиҳатдан кескин пасайишлар кузатилади [16].

В.А. Маленькихнинг (2011) аниқлашича, ҳаво ҳарорати ва намликнинг сезиларли даражада ўзгариши организмнинг кўпгина физиологик функциялари, шу жумладан, уруғдон фаолиятига салбий таъсир кўрсатади [17]. Худди шундай, В.С. Антонюк маълумотларига кўра ҳам наслдор спермодонор буқаларнинг сперматогенез жараёнига намликнинг совуқ пайтида ошиши ва иссиқ пайтидаги пасайиши ножўя таъсир кўрсатади [18]. Ҳаво намлигининг 50 %дан камайиши спермийлар ҳаракатчанлиги пасайишига сабаб бўлади [19].

Кўпчилик олимлар томонидан спермийлар концентрациясининг энг юқори бўлиш даври қиш эканлиги айтилса-да, айримлари, масалан, В.А. Наук томонидан бундай давр баҳор эканлиги таъкидланади [20-24]. Бундай даврнинг акси сифатида Г.И. Фоминых (1984) – қиш, В.П. Кожемякин (1979) – баҳор, О.Н. Дьякевич (1996) – ёз, бошқалари эса (V. Miljovic, S. Veselinovia ва б., 1980) куз эканини кўрсатиб ўтишган [25-28].

Л.Н. Шарыгина (2003) маълумотларига кўра эса сперматозоидлар концентрацияси буқаларнинг ёши ва йил мавсумларига кўра умуман сезиларли даражада ўзгармайди ва бу уларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ [29].

И. Дробот (2014) маълумотларига кўра, сперма концентрациясининг салбий ўзгариши, асосан, буқаларнинг индивидуал

хусусиятларига боғлиқ бўлиб, йил мавсумларига сезиларли даражада боғлиқ эмас ва баъзи мавсумлараро фарқлар статистик жиҳатдан барқарор аниқлик касб этмайди, балки, аксинча, куз-қиш мавсумларида бу кўрсаткич ошишига мойил. Спермодозаларнинг бир эякулятдаги миқдори қиш мавсумида энг оз бўлиб, аста-секин кўпайиб бориши ва кузда юқори даражага етиши буқалар ёши ортиб бориши билан эякулат ҳажмининг кўпайишига боғлиқ [30].

Е.В. Никиткина (1999) тадқиқотлари натижасида эякулят ҳажми, спермадаги спермотозоидлар миқдорининг ошиши кўпроқ баҳор ойида кузатилиб, бу ҳолат муаллиф фикрига кўра, буқаларнинг шу даврдаги андроген фаоллигига боғлиқ [31, 32].

Аммо В.П. Кононов ва О.Н. Дьякевич (1997) маълумотларига кўра, қишда олинган сперма юқори биологик қимматга эга. Ёз мавсумида ҳам бу устунлик барқарорлигини таъминлаш учун эса уруғ олиш такрорийлигини камайтириш тавсия этилади [33, 34].

Аммо шундай тадқиқотлар натижалари (Taylor, Brito ) борки, уларга кўра ҳаво ҳарорати ҳам, намлик даражаси ҳам сперма ишлаб чиқариш ва сперма сифатига таъсир кўрсатмаган [35].

R.W. Godfrey фикрича, ҳар хил кенгликларда содир бўладиган ёруғлик миқдори сперматогенез жараёнига ҳал этувчи таъсир кўрсатади [36]. Бунга боғлиқ ҳолда ҳайвонларнинг кўпайиш хусусиятлари ўзгаришига кун мобайнидаги ёруғлик давомийлиги ва жадаллиги асосий сабабдир. Бу давомийлик ва жадалликнинг баҳор мавсумида кучайиши ҳайвонларнинг урчиш қобилиятини оширади. Ю.В. Анбазининг тавсиясига кўра, бир кеча-кундуз мобайнида ёруғлик давомийлигини сунъий равишда 15 соатгача узайтириш буқаларнинг 8 ойлик ёшидаёқ уруғ олишга имкон беради [37]. Бу ҳақда В.А. Наук ва А.И. Порфирьевлар ҳам ўз тадқиқотларида таъкидлашган. Бу ҳолат,



айниқса, эякулят ҳажмида аниқ намоён бўлади [38, 39].

В.С. Мохнач ва И.А. Орловскийлар (1972) маълумотларига кўра, сифат жиҳатдан энг яхши уруғ кунлик ҳаво ҳарорати +15 дан +20 °С гача оралиқда бўлган, доимий 16 соатлик ўртача ёруғлик шароитида олинади [40].

В. Fuerst-Waltl, Н. Schwarzenbacher, С. Perner, J. Sölkner (2006) каби олимларнинг таъкидлашича, атроф-муҳитнинг 5-15 °С ҳароратда бўлиши сперма ишлаб чиқарилиши учун қулай шароитдир [41, 42]. М.Т. Мурраунинг фикрича, ҳаво ҳароратининг бундан ошиши спермийлар ҳосил бўлиши ва тестостерон даражасига салбий таъсир кўрсатади [43].

R.G. Saacke ва G.M.H. Waitesларнинг маълумот беришича, спермийларнинг ҳосил бўлиши учун меъёрдаги ҳароратни сақлаш учун ҳайвонлар мойяларида тана ҳароратига нисбатан 2-5 °С гача пастроқ ҳарорат сақланади ва бу уруғдоннинг спермийлар сифатини таъминлайди [44, 45].

#### **Материал ва методлар**

Тадқиқот объектлари сифатида “O‘znaslchilik” давлат корхонасида парваришланаётган наслдор буқалардан 6 та зотига мансуб 5 бошдан, бир хил, яъни 16-18 ойлик ёшдаги, бир хил шароитларда парваришланаётган наслдор спермодонор буқалар танлаб олиниб, уларнинг айрим клиник ва уруғ маҳсулдорлик кўрсаткичлари баҳор (апрель), ёз (июль), куз (ноябрь) ва қиш (январь) мавсумларида ўрганилди. Тадқиқот материали сифатида улар организмнинг клиник ҳолати ва сперма маҳсулотидан фойдаланилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар хил катта ёшдаги буқаларда йиллар давомида маҳаллий шароитга турлича мослашганлиги ёки салбий таъсирлар оқибатида маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳам турлича пасаяди. Улардан гуруҳлар ташкил қилинганда, тадқиқот натижалар ноаниқ бўлишининг олдини олиш мақсадида барча гуруҳлар янгидан уруғ олина бош-

лаган 2 ёшгача ёш буқалардан шакллантирилди. Чунки тадқиқот мақсади маҳсулдорликнинг энг юқори миқдорини эмас, балки йил давомида ўзгаришини тадқиқ этишдан иборат эди.

Шу мақсадда, наслдор спермодонор буқаларнинг йил мавсумлари бўйича тана ҳарорати (°С), юрак уриши (1 дақ./та), нафас олиш тезлиги (1 дақ./та), эякулят ҳажми (мл), 1 мл спермадаги спермийлар концентрацияси (млрд/мл) ва 1 эякулятдаги спермийлар сони (млрд/эяк.) каби миқдорий кўрсаткичлар аниқланди. Бунда тажрибадаги наслдор буқаларнинг клиник кўрсаткичлари клиник амалиётда умумқабул қилинган усуллар ёрдамида: тана ҳарорати – тўғри ичакдан симобли ҳарорат ўлчагич ёрдамида; юрак уриши – дум венасини пайпаслаш орқали 1 дақиқадаги зарблар сонини; нафас олиш тезлиги – 1 дақиқа давомида қорин мушаклари ва қовурғаларнинг ҳаракатини санаш орқали аниқланди.

Сперма маҳсулдорлигининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлашда, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш давлатлараро кенгаши (МГС)нинг 01.07.2015 йилда жорий этилган, “Урчитиш воситалари. Сперма. Намуналар олиш усуллари”, ГОСТ – 32222-2013-давлатлараро стандартининг 5-банди – “Умумий талаблар” ва 7-банди – “Сперма намуналарини олиш тартиби”га мувофиқ намуналар олиниб, кейинги, мазкур кенгашнинг 01.07.2015 йилда жорий этилган, “Урчитиш воситалари. Буқаларнинг янги олинган, суюлтирилмаган спермаси”, ГОСТ – 23745-2014 – давлатлараро стандарти техик шартларининг 6-банди, 6.3 ва 6.4-кичик бандларига мувофиқ: Эякулят ҳажми (мл), 1 мл спермада спермийлар концентрацияси (млрд/мл) ва 1 эякулятда спермийлар миқдори (млрд) аниқланди. Бунда сперма ҳажмини аниқлашда ўлчов пробиркасида, 1 эякулят спермадаги спермийлар сони ва концентрациясини ҳисоблашда электрон микроскоп ва Горя-



ев камерасини ўз ичига олган, Германияда ишлаб чиқарилган махсус “MINITUB” ускунасидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга Mf Office, EXCEL дастуридан фойдаланган ҳолда ишлов берилиб, олинган натижалар Н.А. Плохинский (1970)нинг вариацияли статистика усулида биометрик қайта ишланди.

#### **Тадқиқот натижалари**

Тажриба давомидаги бошланғич даврларда (декабрь–январь) спермодонор сифатида фойдаланилган барча наслдор буқаларнинг уруғ маҳсулдорлик кўрсаткичлари паст бўлиши кузатилди. Кейинчалик эса аста-секин кўтарилиб, апрель ойида энг юқори, барқарор кўрсаткичлар қайд этилди. Аммо бу кўрсаткичлар зотлар бўйича таҳлил этилганда, тажриба даврининг бошида, яъни куз мавсумида барча зотларга мансуб наслдор буқаларнинг эякуляти ҳажми паст бўлса-да, бу борада зотлар ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, маҳаллий шарт-шароитларга энг яхши мослашган Бушуев зотига мансуб буқалар эякулятининг ўртача ҳажмига нисбатан хориждан келтирилган, йирик жуссали зотларга мансуб буқалар эякулятининг ҳажми 0,16 мл ёки 5% (Ангус)дан 0,33 мл ёки 10 %гача (Голштин) кўпроқ бўлиши аниқланди. Аммо 1 мл спермадаги спермийлар концентрацияси жиҳатидан хорижий наслдор буқалар Бушуев зотига мансуб маҳаллий буқалардан 0,05 млрд ёки 7% (Ангус)дан 0,11 млрд ёки 15% (Англер)гача, бир эякулятдаги спермийларнинг умумий миқдори жиҳатидан эса 0,04 млрд ёки 1,4% (Голштин)дан то 0,23 млрд ёки 9,2% (Англер)гача кам кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди.

Кейинчалик эса баҳор мавсумининг барча ҳайвонлар кўпайиш функциясига табиий, қонуниятли равишда ижобий таъсири натижасида наслдор буқалар эякулятларининг ҳажми 0,17 (Ангус) дан 0,43 мл (Бушуев)гача, яъни, мос равишда 105 дан 116 %гача ошганлиги кузатилди.

Кейинчалик эса юртимизга хос бўлган ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, жазирама иссиқнинг салбий таъсири натижасида тажрибадаги наслдор буқаларнинг уруғ маҳсулдорлиги, яъни эякуляти ҳажми 0,30 мл ёки 8,0 %дан (Бушуев) 0,59 мл ёки 15 %гача (Голштин); 1 мл спермада спермийлар концентрацияси эса 0,09 млрд ёки 8,0 %дан (Бушуев) 0,17 млрд ёки 20% (Голштин)гача; 1 эякулятдаги спермийлар миқдори мос равишда 0,70 млрд ёки 8,0 %дан (Бушуев) 1,08 млрд ёки 32% (Голштин)гача пасайиши кузатилди.

Куз мавсумининг (октябрь) салқин ҳаво ҳарорати натижасида эса эякулят ҳажми 0,10 мл ёки 3,0 %дан (Бушуев) 0,61 мл ёки 19 %гача (Англер); 1 мл спермада спермийлар концентрацияси эса 0,04 млрд ёки 4,0 %дан (Бушуев) 0,08 млрд ёки 10 % (Ангус)гача; 1 эякулятдаги спермийлар миқдори мос равишда 0,13 млрд ёки 3,0 %дан (Бушуев) 0,73 млрд ёки 30% (Ангус)гача кўпайиши кузатилди.

Тажрибадаги наслдор спермодонор буқаларнинг йил мавсумлари бўйича тана ҳарорати (°C), юрак уриши (1 дақ./та), нафас олиш тезлиги (1 дақ./та) каби айрим клиник кўрсаткичлари таққосланганда эса уларнинг миқдори уруғ маҳсулдорлигига нисбатан тескари боғлиқликда эканлиги аниқланди.

Келтирилган жадвал таҳлили барча гуруҳларда, йил фаслларида қатъий назар, ҳайвонларнинг тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олиши физиологик меъёр даражада бўлганлигини кўрсатади. Аммо барча гуруҳлардаги ҳайвонларда ёзда юрак уриши ва нафас олиши куз ва қиш фаслларига нисбатан бир оз юқори бўлган. Масалан, хориждан келтирилган наслдор буқаларнинг ёз мавсумида қишқига нисбатан тана ҳарорати 0,3 °C, юрак уриши 4,4 марта/дақиқа, нафас олиш тезлиги эса 6,0 тага ошган: II, III, IV, V, VI гуруҳлардаги ҳайвонларда бу кўрсаткичлар мос равишда 0,4; 3,8; 5,8; 0,2; 3,2; 6,0; 0,1; 3,0; 4,6; 0,1; 3,8; 5,2; 0,2; 3,4; 5,1 мартани ташкил қилган.





Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳаллий Бушуев зотига мансуб буқаларнинг клиник ва уруғ маҳсулдорлиги кўрсаткичлари хориждан келтирилган наслдор буқаларниқига нисбатан йил мавсум-

лари бўйича ўзгариши бир мунча барқарор, ҳатто баҳор мавсумида клиник кўрсаткичлар нисбатан ошиб кетмагани ҳолда уруғ маҳсулдорлигининг кескин равишда ижобий томонга ўзгариши аниқланди.

1-жадвал

Тажрибадаги ҳайвонлар клиник ва уруғ маҳсулдорлигининг ўртача кўрсаткичлари ( $X \pm S_x$ ),  $n = 5$ ,  $E = 30$

Зотлар бўйича гуруҳлар		Тана ҳарорати, °C	Юрак уриши (1 дақ.)	Нафас олиши (1 дақ.)	Эякулят ўртача ҳажми, мл	1 мл спермада спермийлар концентрацияси, млрд/мл	1 эякулятда спермийлар миқдори, млрд
<b>Қишда (январь)</b>							
I	Бушуев	38,0 ± 0,08	62,8 ± 0,55	46,0 ± 0,91	3,27 ± 0,09	0,75 ± 0,15	2,49 ± 0,45
II	Голштин	38,0 ± 0,09	63,0 ± 1,08	46,8 ± 0,55	3,59 ± 0,13	0,68 ± 0,11	2,45 ± 0,52
III	Англера	38,1 ± 0,10	64,8 ± 0,80	46,0 ± 0,33	3,53 ± 0,14	0,64 ± 0,13	2,26 ± 0,55
IV	Швица	38,7 ± 0,07	64,6 ± 0,80	48,8 ± 1,20	3,46 ± 0,10	0,69 ± 0,9	2,39 ± 0,35
V	Симментала	38,7 ± 0,07	64,0 ± 0,81	47,4 ± 1,03	3,56 ± 0,10	0,66 ± 0,08	2,35 ± 0,60
VI	Ангус	38,6 ± 0,06	64,2 ± 0,81	47,5 ± 1,03	3,43 ± 0,13	0,70 ± 0,13	2,40 ± 0,45
<b>Баҳорда (май)</b>							
I	Бушуев	38,1 ± 0,09	64,6 ± 0,77	45,0 ± 0,82	3,80 ± 0,17	1,18 ± 0,07	4,64 ± 0,29
II	Голштин	38,2 ± 0,08	64,8 ± 1,14	44,0 ± 0,50	3,96 ± 0,25	0,85 ± 0,21	3,38 ± 0,17
III	Англера	38,2 ± 0,09	66,4 ± 0,80	44,0 ± 0,50	3,81 ± 0,11	0,77 ± 0,16	2,93 ± 0,20
IV	Швица	38,3 ± 0,10	67,2 ± 1,07	46,0 ± 1,22	3,67 ± 0,31	0,87 ± 0,23	3,19 ± 0,13
V	Симментала	38,3 ± 0,12	68,0 ± 1,38	45,2 ± 0,58	3,89 ± 0,22	0,84 ± 0,30	3,26 ± 0,19
VI	Ангус	38,5 ± 0,17	68,2 ± 1,16	45,0 ± 1,23	3,61 ± 0,19	0,91 ± 0,18	3,28 ± 0,11
<b>Ёзда (июль)</b>							
I	Бушуев	38,3 ± 0,07	66,4 ± 0,90	52,0 ± 0,87	3,50 ± 0,24	1,09 ± 0,12	3,94 ± 0,57
II	Голштин	38,4 ± 0,05	66,8 ± 1,04	51,0 ± 0,60	3,36 ± 0,27	0,68 ± 0,22	2,30 ± 0,65
III	Англера	38,3 ± 0,08	67,6 ± 0,69	52,0 ± 0,33	3,28 ± 0,29	0,65 ± 0,18	2,14 ± 0,69
IV	Швица	38,84 ± 0,06	67,0 ± 0,71	52,6 ± 1,08	3,27 ± 0,19	0,72 ± 0,22	2,36 ± 0,71
V	Симментала	38,70 ± 0,09	67,8 ± 0,36	52,6 ± 1,08	3,50 ± 0,20	0,70 ± 0,24	2,43 ± 0,75
VI	Ангус	38,82 ± 0,07	67,6 ± 0,33	52,6 ± 1,17	3,21 ± 0,24	0,77 ± 0,142	2,48 ± 0,63
<b>Кузда (октябрь)</b>							
I	Бушуев	38,2 ± 0,07	64,0 ± 0,53	44,6 ± 0,90	3,60 ± 0,14	1,13 ± 0,8	4,07 ± 0,33
II	Голштин	38,2 ± 0,09	64,2 ± 1,04	44,0 ± 0,72	3,96 ± 0,19	0,75 ± 1,8	2,97 ± 0,46
III	Англера	38,2 ± 0,10	65,4 ± 0,69	44,0 ± 0,56	3,88 ± 0,24	0,71 ± 1,1	2,77 ± 0,43



IV	Швиц	38,9 ± 0,07	64,2 ± 0,09	45,0 ± 0,05	3,8 ± 0,18	0,78 ± 1,0	2,97 ± 0,42
V	Симментал	38,5 ± 0,07	64,4 ± 0,08	44,0 ± 0,09	3,9 ± 0,24	0,75 ± 1,3	2,95 ± 0,47
VI	Ангус	38,4 ± 0,06	64,4 ± 0,08	44,0 ± 0,93	3,78 ± 0,17	0,85 ± 0,9	3,22 ± 0,39

Бунда:  $P \leq 0,995-0,999$ .

### Хулосалар

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, хориждан келтирилган ёш наслдор буқаларнинг уруғ маҳсулдорлиги уларнинг зот хусусиятлари, мамлакатимиз иқлим шароити, хусусан, йил фаслларига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада ўзгариб боради. Ушбу ўзгаришлар наслдор буқалар организмнинг клиник кўрсаткичлари билан ўзаро алоқадорликда кечади. Шу боис мамлакатимизда хориждан келтирилган наслдор спермодонор буқалардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, шу жумладан, улардан йил давомида оқилона фойдаланишни ташкил этиш, уруғ ишлаб чиқаришни

режалаштиришда уларнинг клиник кўрсаткичларини текшириб бориш, унга боғлиқ ҳолда келгуси даврларда кутилаётган уруғ маҳсулдорлиги ўзгаришларини илмий жиҳатдан башорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли миқдор ва сифат жиҳатдан юқори кўрсаткичларга эга уруғ захирасини яратишда наслдор спермодонор буқалардан имкон қадар йилнинг баҳор ва куз мавсумларидаги сперма маҳсулотидан чуқур музлатилган уруғ захирасини жамғариш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу даврда сперма маҳсулотининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бошқа мавсумлардагига қараганда самаралироқ бўлади.

### REFERENCES

1. Al-Kanaan A., König S., Brügemann K. Effects of heat stress on semen characteristics of Holstein bulls estimated on a continuous phenotypic and genetic scale. *Livestock*, 2015, vol. 177, pp. 15-24.
2. Bhakat M., Mohanty T., Gupta A., Abdullah M. Effect of season on semen quality of crossbred (Karan Fries) bulls. *Animal and Veterinary-Advances*, 2014, vol. 2, pp. 632-637.
3. Malama E., Zeron Y., Janett F., Siuda M. et al. Use of computer-assisted sperm analysis and flow cytometry to detect seasonal variations of bovine semen quality. *Theriogenology*, 2017, vol. 87, pp. 79-90.
4. Snoj T., Kobal S., Majdic G. Effects of season, age, and breed on semen characteristics in different bos taurus breeds in a 31-year retrospective study. *Theriogenology*, 2013, vol. 79, pp. 847-852.
5. Menegassi S.R., Barcellos J.O., Dias E.A., Koetz C. et al. Scrotal infrared digital thermography as a predictor of seasonal effects on sperm traits in braford bulls. *International Journal of Biometeorology*, 2015, vol. 59, pp. 357-364. DOI: 10.1007/s00484-014-0847-z/.
6. Anbaza Ju.V. Vlijanie vozrasta na nativnuju spermoprodukciju bykov-spermodonorov [Influence of age on nativnuju spermoprodukciju bykov-spermodonorov]. Scientific support of animal husbandry Siberia. Proceedings of the international scientific and practical conferences. Krasnoyarsk, 2018, pp. 50-54.
7. Shestakov V.M., Zhebrovskij L.S. O vozmozhnosti otbora bykov-proizvoditelej na osnove tolerantnoj sposobnosti k kosmogeofizicheskim faktoram [On the possibility of selecting sires on the basis of tolerant ability to cosmic geophysical factors]. *Breeding, selection, genetics and reproduction of farm animals*, 2001, pp. 82-85.
8. Murphy E.M., Kelly A.K., Meara C.O., Eivers B. Influence of bull age, ejaculate number, and season of collection on semen production and sperm motility parameters in Holstein Friesian bulls in a commercial artificial insemination centre. *Journal of Animal Science*, 2018, vol. 96 (6), pp. 2408-2418.



**Аннотация.** Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар экспортини ривожлантириш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилади. Самарқанд вилоятидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган товар ва хизматлар ҳажмининг ялпи ҳудудий маҳсулотга боғлиқлиги ҳамда прогноз қилиш кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида барча пул қийматидаги кўрсаткичлар 2019 йилги нархларда ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг 2019–2025 йилларга мўлжалланган тадбиркорлик субъектлари экспорти ҳажми прогнозида 2025 йилга қадар вилоят умумий экспорти ҳажмида тадбиркорлик субъектлари экспорти улушининг ўсишини белгилаш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Ишнинг натижасида суғориладиган ер майдони ( $X_1$ ) 1 фоизга оширилса, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ( $Y_2$ ) 1,612 фоизга ошиши, лалми ер майдони ( $X_2$ ) 1 фоизга оширилса, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ( $Y_2$ ) 0,12 фоизга камайиши, саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ( $X_3$ ) 1 фоизга оширилса, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ( $Y_2$ ) 0,594 фоизга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи корхоналар сони ( $X_4$ ) ҳажми 1 фоизга оширилса, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ( $Y_2$ ) 0,628 фоизга ошиши аниқланди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, умуман, экспорт самарадорлиги ўсиб бормоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари халқаро бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаши ва рақибларига нисбатан катта рақобат яратиши мумкин.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик субъектлари, экспорт, ЯҲМ, суғориладиган ер майдони, регрессия коэффициенти, бандлик, чизиқли корреляция коэффициенти, кредит ставкаси, колл-марказ, кўп омилли регрессион модель, ўзгарувчиларнинг ковариацияси, инфратузилма хизматлари.

## Кириш

Самарқанд вилоятидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажмини ошириш ва унинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш орқали вилоятдаги ЯҲМ ҳажмида экспорт ўрнини кўпайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, вилоятдаги жами экспорт, ер майдони (суғориладиган ва лалми ер майдони), етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва экспорти, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ва экспорти, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тадбиркорлик субъектларининг улуши, шунингдек, қишлоқ хўжалик ҳамда саноат маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорлар таҳлилини амалга ошириш зарурияти мавжуд. Таҳлил жараёнида регрессия тенгламасининг аҳамиятлилигини баҳолаш учун Фишернинг  $F$ -мезонидан, регрессия тенгламаси параметрларининг статистик маънодорлигини баҳолаш учун Стьюдент мезонидан фойдаланилди.

Бугунги кунда экспортни амалга оширишда қўшилган қиймат солиғини қайтариш бўйича соддалаштирилган механизм жорий этилиб, 80 фоиз маблағлар қўшимча текширувларсиз 7 кун ичида қайтариб берилади. Экспорт масалаларини доимий ўрганиб, уларни тезкорлик билан ҳал қилиш бўйича янги тизим яратилди. Узлук-



сиз ва доимий ишловчи штаб тузилиб, “1094” рақамли колл-марказ ташкил этилди. Улар асосида мутасаддилар экспортчилар билан учрашиб, муаммоларини жойида ҳал қилиб боряпти. Шу билан бирга, вилоятларда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банкларига 300 млн доллар маблағ ажратилди. Ушбу маблағ энг яхши шартларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш таклифи билан чиққан давлат ва хусусий банкларга 7 йил муддатга 10% ставкада миллий валюта – сўмда жойлаштирилади. Кейинчалик ушбу кредитлар тадбиркорларнинг тажрибаси, уларнинг олдинги натижаларига қараб 5 млрд сўмгача, кредит ставкасини 14 %дан оширмаган ҳолда берилади.

Республикамизнинг бир қатор иқтисодчи олимлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, С.Ш. Тўрабеков, М.М. Муҳаммедов [1], Р.Т. Турсунов [2] ва б. ўз тадқиқотларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга эътибор қаратиб, ташқи иқтисодий фаолиятни ўрганган, таҳлил қилган ва ривожлантириш истиқболларини аниқлаган.

### Материал ва методлар

Тадқиқот давомида вилоят тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспортнинг ЯҲМ таркибида, sanoatда, бандликда ва умумий экспорт ҳажмини инобатга олган ҳолда, эконометрик таҳлиллар асосида 2025 йилгача прогнози қилинди.

Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектлари экспортига таъсир этувчи омилларни қуйидагича белгилаймиз:

жами экспорт (минг доллар) –  $Y_1$ ;

вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти (млрд сўм) –  $Y_2$ ;

суғориладиган ер майдони (минг га) –  $X_1$ ;

лалми ер майдони (минг га) –  $X_2$ ;

## ПЕРСПЕКТИВЫ ВЫЯВЛЕНИЯ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЭКСПОРТНОГО РАЗВИТИЯ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

**Мамасоатов Дилшод Равшанович,**  
старший преподаватель,  
Университет журналистики и массовых  
коммуникаций Узбекистана

**Аннотация.** В статье рассматриваются факторы, влияющие на эффективность развития экспорта хозяйствующих субъектов. Также актуальным в прогнозе объема экспорта субъектов хозяйствования Самаркандской области на 2019–2025 годы является определение роста доли экспорта субъектов хозяйствования в общем объеме экспорта области к 2025 году. В результате, если площадь орошаемых земель ( $X_1$ ) увеличить на 1%, то валовой региональный продукт ( $Y_2$ ) увеличится на 1,612%; если площадь богарных земель ( $X_2$ ) увеличить на 1%, то валовой региональный продукт ( $Y_2$ ) уменьшится на 0,12%; если объем промышленного производства ( $X_3$ ) увеличить на 1%, то валовой региональный продукт ( $Y_2$ ) увеличится на 0,594%; если количество предприятий, осуществляющих экспорт сельскохозяйственной продукции, ( $X_4$ ) увеличить на 1%, то валовой региональный продукт ( $Y_2$ ) увеличится на 0,628%. В целом эффективность экспорта вырастет, и предприятия смогут укрепить свои позиции на международном рынке и создать лучшую конкуренцию.

**Ключевые слова:** предприниматели, экспорт, ВРП, орошаемые земли, коэффициент регрессии, занятость, коэффициент линейной корреляции, кредитная ставка, колл-центр, многофакторная регрессионная модель, ковариация переменных, инфраструктурные услуги.

## PROSPECTS FOR IDENTIFYING FACTORS AFFECTING EFFICIENCY OF EXPORTS MADE BY BUSINESS ENTITIES

**Mamasoatov Dilshod Ravshanovich,**  
Senior Teacher, University of Journalism and Mass  
Communication of Uzbekistan

**Abstract.** The article reviews factors influencing effectiveness of the development of exports made by business entities. Moreover, determination of the growth in the share of exports of business entities in the total exports of the region by 2025 is relevant in the forecast of the volume of exports of business entities of the Samarkand region for 2019–2025. As a result, if the area of irrigated land ( $X_1$ ) is increased by 1%, the gross regional product ( $G_2$ ) will increase by



1.612%, if the area of rainfed land ( $X_2$ ) is increased by 1%, the gross regional product ( $G_2$ ) will decrease by 0.12%, as well as should the volume of industrial production ( $X_3$ ) increase by 1%, the gross regional product ( $G_2$ ) increases by 0.594% and the number of enterprises exporting agricultural products ( $X_8$ ) increase by 1%, the gross regional product ( $G_2$ ) increases by 0.628%. In general, the efficiency of exports is growing, and enterprises can strengthen their positions in the international market and create more competitive atmosphere than their competitors.

**Keywords:** entrepreneurs, exports, GRP, irrigated land, regression coefficient, employment, linear correlation coefficient, credit rate, call center, multivariate regression model, covariance of variables, infrastructure services.

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (минг т) –  $X_3$ ;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти (минг т) –  $X_4$ ;

ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (млрд сўм) –  $X_5$ ;

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тадбиркорлик субъектлари улуши (млрд сўм) –  $X_6$ ;

саноат маҳсулотлари экспорти (минг доллар) –  $X_7$ ;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони –  $X_8$ ;

саноат маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони –  $X_9$ .

#### Тадқиқот натижалари

Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектлари экспортига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектлари экспортига таъсир этувчи омиллар

Йиллар	Жами экспорт (минг доллар)	ЯҲМ (млрд сўм)	Жами экин майдони		Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари			Экспорт билан шуғулланувчи корхоналар сони	
			Сугориладиган ер майдони (минг га)	Лалми ер майдони (минг га)	Етиштирилган маҳсулотлар (минг т)	Экспорт (минг т)	Ишлаб чиқарилди (млрд сўм)	Тадбиркорлик субъектларининг улуши (млрд сўм)	Экспорт (минг доллар)	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Саноат маҳсулотлари
№	$Y_1$	$Y_2$	$X_1$	$X_2$	$X_3$	$X_4$	$X_5$	$X_6$	$X_7$	$X_8$	$X_9$
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
2001	33060.4	386,9	304.7	23.6	1173.6	28581.7	134.7	28.8	12349.0	86	25
2002	23553.6	580,6	311.7	41.5	1537.7	41720.1	201	67.1	14406.9	95	25
2003	24103.7	748,2	310.7	70.5	1798.6	35100	250.2	59.3	17450.7	100	18
2004	30551.8	882,1	310.3	68.9	1659.7	46745.8	313.2	73.0	23774.6	96	19
2005	34386.4	1156,9	309.0	70.1	1774.0	85053.2	383.6	95.0	29601.4	85	22
2006	73850.4	1552,8	309.2	70.4	2057.8	73910.0	512.1	134.1	26577.7	80	20
2007	128889.2	2012.4	309.9	61.0	2172.2	88056.1	712.0	194.2	28764.8	74	16
2008	89940.3	2497.2	309.3	61.0	2265.9	97620.1	985.4	270.6	55269.3	79	15
2009	110781.5	3003.2	376.8	69.4	2431.7	72550.3	1223.5	363.5	74506.9	74	16
2010	66589.1	6219.7	372.8	72.7	2655.9	22488.0	2011.2	922.6	68671.8	89	22
2011	97792.1	7702.3	353.2	54.6	2810.8	12937.3	2485.6	1258.4	94641.5	83	17



2012	96167.9	9375.9	331.3	34.8	3014.1	4004.9	3222.0	1487.4	102778.1	75	12
2013	215541.1	11671.9	360.2	63.8	3228.1	7706.5	3880.1	1865.3	118568.1	92	13
2014	124406.5	14681.7	364.3	66.1	3427.6	17646.3	4966.4	2539.4	126040.9	93	15
2015	173670.4	17572.4	360.2	62.2	3669.3	84663.9	6095.5	3415.3	112870.5	135	30
2016	213606.6	21830	359.0	60.0	3993.2	85096.8	7446.0	4475.6	147558.9	216	94
2017	214766.0	25569.8	351.2	62.6	3849.6	54992.0	9242.0	5171.7	171401.7	279	117
2018	321800.0	31187.4	352.2	64.6	2585.0	1250.0	11871.3	6064.5	321000.8	300	120
2019	214778.0	37593.9	351.4	66.6	227.5	155.9	9242.0	5171.7	391000.6	355	144

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2001–2019 йиллар давомида Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектларининг ЯХМдаги улуши 21,5 %дан 18,5 %гача камайган. Бу кўрсаткич 41,8 %гача кўпайган йиллар ҳам бўлиб, жадвалда тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган товар ва хизматлар ҳажми ушбу кўрсаткичдан келиб чиқиб ҳисобланган.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган товар ва хизматлар ҳажмининг ЯХМга боғлиқлигини аниқлашда ва прогноз қилишда кўрсаткичлар янада ишончли бўлиши учун барча пул қийматидаги кўрсаткичлар 2019 йилги нархларда ҳисоблаб чиқилди.

Самарқанд вилоятининг ЯХМ ўсиш кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда, 2000 йилдан 2018 йилгача бўлган кўрсаткичлар базавий 2019 йилларга мос нархлар индексига кўпайтириб аниқланди.

Вилоят ЯХМ ҳажмининг ривожланиш жараёнларини баҳолашда регрессия моделдан фойдаланилди. Бунда  $n$ -кўрсаткичли ва чизиқли кўринишда регрессион моделлар ҳосил қилинди. Жараённинг регрессион моделларини ҳосил қилишда энг кичик квадратик усулидан фойдаланилди.

$$Y_x = a_0 + a_1 x + a_2 x^2 + \dots + a_k x^k$$

– регрессион моделни ҳосил қилиш учун қуйидаги ишни амалга ошириш лозим:

$$F = \sum (Y - Y_x)^2 \rightarrow \min \text{ ёки } F = \sum (Y - a_0 - a_1 x - a_2 x^2 - \dots - a_k x^k)^2 \rightarrow \min,$$

бундан хусусий ҳосила олсак, қуйидаги кўринишдаги тенгламалар тизими ҳосил бўлади:

$$\begin{cases} \sum Y = a_0 n + a_1 \sum x + a_2 \sum x^2 + \dots + a_k \sum x^k \\ \sum Yx = a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 + a_2 \sum x^3 + \dots + a_k \sum x^{k+1} \\ \dots \\ \sum Yx^k = a_0 \sum x^k + a_1 \sum x^{k+1} + a_2 \sum x^{k+2} + \dots + a_k \sum x^{2k} \end{cases} \quad (1)$$

Таҳлил жараёнида қуйидаги мезонлардан фойдаланилди.

Регрессия тенгламасининг аҳамият-лигини баҳолаш учун Фишернинг  $F$ -мезонидан фойдаланилади. Фишернинг  $F$ -мезони миқдори детерминация коэффициенти билан қуйидагича боғланган:

$$F_{\text{haqiqiy}} = \frac{r_{xy}^2}{1-r_{xy}^2} \cdot (n-2), \text{ ёки } n \geq 3. \quad (2)$$

Агар  $\alpha = 0,05$  (беш фоизли маънодорлик даражаси) ва эркинлик даражаси  $k_1 = 1$  ва  $k_2 = n - 2$  бўлса, тасодифий миқдорларнинг Фишернинг тақсимоти келтирилган жадваллардан Фишернинг  $F$ - белгиси жадвал қиймати –  $F_{\text{jadv}}$  топилади. Агар ушбу  $F_{\text{haqiqiy}} > F_{\text{jadv}}$  тенгсизлик ўринли бўлса, регрессия тенгламаси статистик маънодор ҳисобланади.

Регрессия тенгламасидаги хатоликларга  $a$  ва  $b$  параметрлар ҳамда  $r_{xy}$  – корреляция коэффицентини ҳисоблашдаги тасодифий хатоликлар ҳам таъсир этади. Шунинг учун  $a$  ва  $b$  параметрларни ҳисоблашдаги стандарт хатоликлар –  $m_a$ ,  $m_b$  лар аниқланади.

Регрессия коэффицентининг тасодифий хатолиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$m_b = \sqrt{\frac{\sum (y - \hat{y}_x)^2 / (n-2)}{\sum (x - \bar{x})^2}}. \quad (3)$$



Регрессия тенгласининг  $a$  параметри тасодифий хатолиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$m_a = \sqrt{\frac{\sum(y - \hat{y}_x)^2}{n-2} \cdot \frac{\sum x^2}{n \cdot \sum(x - \bar{x})^2}} \quad (4)$$

Чизиқли корреляция коэффициентининг тасодифий хатолиги эса қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$m_r = \sqrt{\frac{1-r^2}{n-2}} \quad (5)$$

Регрессия тенгласи параметрларининг статистик маънодорлигини баҳолаш Стьюдент –  $t$ -мезони ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин (эркинлик даражаси сони  $n - 2$  ва  $\alpha = 0,05$  бўлганда,  $t$  белгининг жадвал қийматлари Стьюдент тақсимооти

жадвалидан топилади). Унда қуйидагилар ҳисобланади [3]:

$$t_a = \frac{a}{m_a}, \quad t_b = \frac{b}{m_b}, \quad t_r = \frac{r_{xy}}{m_r} \quad (6)$$

Агар  $t$  белгининг топилган асл қийматлари унинг жадвал қийматидан катта бўлса (яъни  $t_a > t_{jadv}$ ,  $t_b > t_{jadv}$ ,  $t_{rxy} > t_{jadv}$ ),  $a$  ва  $b$  параметрлар статистик маънодор ҳисобланади. Жами экспорт (минг АҚШ доллари)ни  $Y$  деб белгилаб, кузатувлар натижасида олинган қийматларни  $t$  вақт омилига боғлаган ҳолда, тренд моделлари ҳосил бўлди. Статистик маълумотларга (2001–2019 йиллар) асосланиб (3-жадвал), саноат маҳсулоти ҳажмининг бир қанча вариантдаги тренд моделлари ҳосил қилинди ва баҳолаш мезонлари билан баҳоланиб, оптимал моделлари танлаб олинди. Жараён таҳлил қилиниб, қуйидаги натижага эришилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Самарқанд вилоятидаги жами экспорт ҳажмига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг таъсири асосида қурилган регрессион модель\*

Dependent Variable: $Y_1$				
Method: Least Squares				
Sample: 2001-2019				
Included observations: 19				
Ўзгарувчи	Модель коэффициентлари	Стандарт хатолар	t-Стьюдент мезони	P-қиймати
$Y_2$	6.411563	0.877527	7.306403	0.0000
C	54217.06	13335.26	4.065692	0.0008
R-детерминация коэффициенти	0.758466	Боғлиқ ўзгарувчининг ўртача қиймати		120433.4
Текисланган R-детерминация коэффициенти	0.744258	Боғлиқ ўзгарувчининг стандарт четланиши		84318.11
Регрессиянинг стандарт хатоси	42640.43	Акайкенинг ахборот модели		24.25829
Қолдиқлар квадратлари йиғиндиси	3.09E+10	Шварцнинг ахборот модели		24.35771
Максимал ўхшашлик функциясининг қиймати	-228.4538	Ханнан-Куинн мезони		24.27512
F-Фишер мезони	53.38352	DW-Дарбин-Уотсон мезони		2.034314
Prob (F-Фишер мезони)	0.000001			

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвалда келтирилган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят ЯХМ ҳажмининг ривожланиш жараёни регрессион моделида детерминация коэффициенти  $R = 0,7585$ ;  $F_{\text{ҳисоб}} = 53,384$ ; ( $\alpha = 0,05$

бўлганда,  $F_{\text{жад}} = 2,17$ )га тенг. Стьюдент мезони бўйича ҳар бир коэффициент таққосланганда, жадвал қийматидан ҳисобий қийматлари катта эканлиги аниқланди.



Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми ўсишига қуйидагилар асосий таъсир этувчи омиллар сифатида олинди: ер майдони (суғориладиган, лалмикор), қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони, саноат хўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони. Бу омиллар орқали кўп омилли регрессион модель тузиш мақсад қилиб олинди.

Кўп омилли регрессион модель тузишнинг асосий қоидаларидан бири – моделга танлаб олинadиган омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш, яъни танлаб олинаётган омиллар ўртасида боғланиш мультиколлинеарлик муаммосини текшириш. Бунинг учун омиллар ўртасида корреляция коэффициентлари ҳисобланади,  $x_i$  ва  $y_i$  ўзгарувчилар  $i = 1, \dots, n$  қийматларни қабул қилишда  $x$  ва  $y$  ўртасида чизиқли боғлиқликни кўрсатувчи

энг кўп тарқалган кўрсаткич бўлиб, корреляция коэффициентиدير. У қуйидагича ҳисобланади [3]:

$$r_{xy} = \frac{Cov(x,y)}{\sqrt{Var(x)}\sqrt{Var(y)}} \quad (7)$$

(7) тенгламанинг суратида турган  $Cov(x, y)$  қиймат қуйидаги нисбат билан аниқланади:

$$Cov(x, y) = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y}), \quad (8)$$

$x$  ва  $y$  ўзгарувчиларнинг ковариацияси дейилади ва қуйидагича топилади:

$$Cov(x,x) = Var(x), Cov(y,y) = Var(y). \quad (9)$$

Натижавий омил учун таъсир этувчи омиллар ўртасида корреляцион матрицаси Eviews 9 дастурида ҳисобланди. Бу омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмаслигини аниқлашда автокорреляцион таҳлил ўтказилди. Буни 3-жадвалда кўришимиз мумкин.

### 3-жадвал

**Ялли ҳудудий маҳсулот ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корреляцион матрица**

Covariance Analysis: Ordinary					
Sample: 2001 2019					
Included observations: 19					
Covariance					
Correlation					
SSCP					
t-Statistic					
Probability	$Y_2$	$X_1$	$X_2$	$X_5$	$X_8$
$Y_2$	1.24E+08				
	1.000000				
	2.36E+09				
$X_1$	159812.1	644.8369			
	0.564547	1.000000			
	3036430.	12251.90			
	2.820070	-----			
	0.0118	-----			
$X_2$	23040.72	99.72637	163.6653		
	0.161560	0.306978	1.000000		
	437773.6	1894.801	3109.641		
	0.674995	1.329914	-----		
	0.5088	0.2011	-----		
$X_5$	38948681	53007.93	7005.642	12878768	



	0.973579	0.581673	0.152592	1.000000	
	7.40E+08	1007151.	133107.2	2.45E+08	
	17.57890	2.948403	0.636609	-----	
	0.0000	0.0090	0.5329	-----	
$X_8$	874906.7	710.0892	180.7524	271066.1	7235.607
	0.922656	0.328738	0.166099	0.887975	1.000000
	16623227	13491.69	3434.295	5150256.	137476.5
	9.865059	1.435190	0.694493	7.961023	-----
	0.0000	0.1694	0.4968	0.0000	-----

Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида экспорт ҳажми ўсишига таъсир этувчи омиллар бўйича кўп омилли эмпирик модель тузиш учун юқорида келтирилган барча омиллар олинди ва улар моделда текшириб кўрилди [3].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида экспорт ва хизматлар ҳажми ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги эконометрик модель тузиш ва таҳлил қилиш учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилди.

Чизиқли кўп омилли эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 + \dots + a_n x_n, \quad (10)$$

Бу ерда  $y$  – натижавий омил;  
 $x_1, x_2, \dots, x_n$  – таъсир этувчи омиллар.

(10) моделдаги номаълум  $a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$  параметрларни топиш учун қуйидаги нормал тенгламалар тизими тузилди:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum x_1 + a_2 \sum x_2 + \dots + a_n \sum x_n = \sum y \\ a_0 \sum x_1 + a_1 \sum x_1^2 + a_2 \sum x_1 x_2 + \dots + a_n \sum x_n x_1 = \sum y x_1 \\ \dots \\ a_0 \sum x_n + a_1 \sum x_1 x_n + a_2 \sum x_2 x_n + \dots + a_n \sum x_n^2 = \sum y x_n \end{cases} \quad (11)$$

Даражали кўп омилли эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = a_0 * x_1^{a_1} * x_2^{a_2} * \dots * x_n^{a_n}, \quad (12)$$

бу ерда  $y$  – натижавий омил;

$x_1, x_2, \dots, x_n$  – таъсир этувчи омиллар.

(12) моделда натурал логарифм орқали алмаштирсак,  $y$  ҳолда қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$\ln(y) = \ln(a_0) + a_1 \ln(x_1) + a_2 \ln(x_2) + \dots + a_n \ln(x_n). \quad (13)$$

(13) моделда  $\ln(y) = y', \ln(a_0) = a'_0, \ln(x_1) = x'_1, \ln(x_2) = x'_2, \dots, \ln(x_n) = x'_n$  белгилашларни амалга оширсак,  $y$  ҳолда қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$y' = a'_0 + a_1 x'_1 + a_2 x'_2 + \dots + a_n x'_n. \quad (14)$$

(14) моделдаги номаълум  $a'_0, a'_1, \dots, a'_n$  параметрларни топиш учун қуйидаги нормал тенгламалар тизими тузилди.

Жараёнларнинг кўп омилли эмпирик моделларига эга бўлиш учун Eviews 9 дастурида бир нечта вариантлар ҳисоб-китоб қилинди ва тегишли натижалар олинди. ЯҲМ ҳажми ўсиши учун регрессион модель қурилган. Бу модель ҳамда параметрларини баҳолашда мезонлардан фойдаланиб, аҳамиятлилиги кўрсатилган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Самарқанд вилояти ЯҲМ ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасида қурилган регрессион модель

Dependent Variable: $Y_2$				
Method: Least Squares				
Sample: 2001-2019				
Included observations: 19				
Ўзгарувчи	Модель коэффициентлари	Стандарт хатолар	t-Стъюдент мезони	P-қиймати





$X_1$	49.37683	31.22009	1.581572	0.1361
$X_2$	-20.62517	44.21448	-0.466480	0.6480
$X_5$	1.789075	0.436713	4.096679	0.0011
$X_8$	49.56256	15.90185	3.116780	0.0076
C	-17703.62	10020.37	-1.766764	0.0991
R-детерминация коэффициенти	0.969339	Боғлиқ ўзгарувчининг ўртача қиймати		10327.65
Текисланган R-детерминация коэффициенти	0.960579	Боғлиқ ўзгарувчининг стандарт четланиши		11453.15
Регрессиянинг стандарт хатоси	2273.997	Акайкенинг ахборот модели		18.51740
Қолдиқлар квадратлари йиғиндиси	72394888	Шварцнинг ахборот модели		18.76594
Максимал ўхшашлик функциясининг қиймати	-170.9153	Ханнан-Куинн мезони		18.55946
F-Фишер мезони	110.6518	DW-Дарбин-Уотсон мезони		1.362375
Prob (F-Фишер мезони)	0.000000			

\* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Самарқанд вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт ҳажми ўсиши учун регрессион модель қуриш ҳисобланган DW мезонининг қиймати жадвал қийматидан юқори эканлиги аниқланди. Агар натижавий омилнинг қолдиқларида автокорреляция мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳисобланган DW мезонининг қиймати 2 атрофида бўлади. Мазкур мисолда ҳисобланган DW мезонининг қиймати 1,4 га тенг. Бу эса натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади. Фишер ва Стьюdent мезонлари ҳисобланди, ҳисобланган қиймат жадвал қийматлари билан таққосланди ва жадвал қийматларидан катталлиги аниқланди. Натижада қуйидагича эмпирик модель ҳосил қилинди:

$$Y_2 = -17703,6 + 49,377X_1 - 20,625X_2 + 1,789X_5 + 49,562X_8$$

$$t(-1,767) (1,582) (-0,466) (4,097) (3,117)) \quad (15)$$

Одатда, детерминация коэффициенти (0; 1) кесмада қийматларни қабул қилади. Коэффициент қиймати 1 га қанча яқин бўлса, боғлиқлик шунча кучли ҳисобланади. Мазкур ҳолатда детерминация коэффициентининг 0,969 қийматга тенг бўлиши моделда мазкур

иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида етарли даражада кучли боғлиқлик мавжудлигини билдиради. Моделларни турли миқдордаги омиллар билан таққослаш имконияти бўлиши ва ушбу миқдордаги омиллар  $R^2$  статистикага таъсир этмаслиги учун, одатда, корректлашган детерминация коэффициенти билан фойдаланилади [4], яъни:

$$R_{\text{текис}}^2 = 1 - \frac{s^2}{s_y^2} \quad (16)$$

Мазкур ҳолатда ушбу текисланган детерминация коэффициенти 0,960 қийматига тенг бўлиши ва унинг  $R^2$  га яқинлиги, моделнинг таъсир этувчи омиллар сони ўзгариши қийматлар қабул қилинишини билдиради.

Тузилган кўп омилли эконометрик моделнинг статистик аҳамиятлилиги ва ўрганилаётган жараёнга мос келишини аниқлаш учун Фишернинг F-мезонидан фойдаланамиз. F-мезоннинг ҳақиқий қиймати қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади [3]:

$$F_{\text{хисоб}} = \frac{R^2}{1-R^2} \cdot \frac{n-m-1}{m}, \quad (17)$$

бу ерда  $R^2$  – детерминация коэффициенти;  
 $n$  – кузатувлар сони;  
 $m$  – омиллар сони.



F-мезоннинг ҳақиқий қиймати  $F_{\text{ҳисоб}} = 110,65$  га тенг. Агар ҳақиқий қиймат жадвалдаги қийматдан катта бўлса, у ҳолда тузилган кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли ёки ўрганилаётган жараёнга адекват бўлади.

F-мезоннинг жадвал қийматини топа-миз. Бунинг учун озодлик даражалари  $k_1 = m$  ва  $k_2 = n - m - 1$  ҳамда  $\alpha$  аҳамиятлилик даражаси бўйича қийматларни ҳисоблаймиз. Аҳамиятлилик даражаси  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражалари  $k_1 = 4$  ва  $k_2 = 200 - 4 - 1 = 15$  дан келиб чиқиб, F-мезоннинг жадвал қиймати  $F_{\text{жадвал}} = 4,6777$  га тенг.

$F_{\text{ҳисоб}} \gg F_{\text{жадвал}}$  шартни қаноатлантиради. Бу эса F-мезоннинг ҳисобланган қиймати жадвалдаги қийматдан катта эканлигидан статистик аҳамиятли бўлиб, ундан қишлоқ хўжалиги инфратузилма хизматларини келгуси даврларга прогноз қилишда фойдаланиш мумкин.

Кўп омилли эконометрик модель (18) параметрлари ва корреляция коэффициентларининг ишончилигини текширишда Стьюдент  $t$ -мезонидан фойдаланилди. Бунда уларнинг қиймати

тасодифий хатолар қийматлари билан таққосланди [3].

Стьюдентнинг  $t$ -мезони ҳисобланиб ( $t_{\text{ҳисоб}}$ ), жадвал ( $t_{\text{жадвал}}$ ) қийматлари таққосланиб,  $H_0$  гипотеза қабул қилинади ёки рад этилади. Бунинг учун  $t$ -мезоннинг жадвал қиймати танланган ишончилилик эҳтимоли ( $\alpha$ ) ва озодлик даражаси ( $d.f. = n - m - 1$ ) шартлар асосида топилади. Бу ерда  $n$  – кузатувлар сони,  $m$  – омиллар сони.

Ишончилилик эҳтимоли  $\alpha = 0,05$  ва озодлик даражаси  $d.f. = 20 - 4 - 1 = 15$  бўлганда,  $t$ -мезонининг жадвал қиймати  $t_{\text{жадвал}} = 2,1448$  га тенг.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма хизматлари бўйича кўп омилли эконометрик моделдаги ҳисобланган параметрлар учун ҳам  $|t_{\text{ҳисоб}}| \gg |t_{\text{жадвал}}|$  шартни қаноатлантириши лозим.

(19) модель бўйича натижавий омилнинг қолдиқларида автокорреляцияни текшириш учун Дарбин-Уотсон ( $DW$ ) мезонидан фойдаланилди [4, 140-143-б.]:

$$DW = \frac{\sum_{t=2}^T (e_t - e_{t-1})^2}{\sum_{t=1}^T e_t^2} = \frac{\sum_{t=2}^T e_t^2 + \sum_{t=2}^T e_{t-1}^2 - 2 \sum_{t=2}^T e_t e_{t-1}}{\sum_{t=1}^T e_t^2} =$$

$$= 2 - 2 \frac{\sum_{t=2}^T e_t e_{t-1}}{\sum_{t=1}^T e_t^2} \approx 2(1 - \rho_1), \quad (18)$$

бу ерда  $\rho_1$  – биринчи тартибдаги корреляция коэффициентини.

Натижавий омил қолдиқлари қаторида автокорреляция мавжуд бўлмаса,  $DW = 2$ , мусбат автокорреляцияда  $DW$  нолга интилади, манфий автокорреляцияда эса 4 га интилади.

$$\begin{cases} \rho_1 = 0 \rightarrow DW = 2; \\ \rho_1 = 1 \rightarrow DW = 0; \\ \rho_1 = -1 \rightarrow DW = 4. \end{cases} \quad (19)$$

Ҳисобланган  $DW$  жадвалдаги  $DW$  билан қиёсланади. Агар натижавий омилнинг қолдиқларида автокорреляция

мавжуд бўлмаса, у ҳолда ҳисобланган  $DW$  мезонининг қиймати 2 атрофида бўлади. Мазкур мисолда ҳисобланган  $DW$  мезонининг қиймати 1,4 га тенг. Бу эса натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади. Кўрилган моделларда (чизиқли регрессия тенгламалари учун) ҳисобга олинган параметрлар турли кўрсаткичлардан иборат. Шунинг учун таҳлил қилишда эластиклик коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш лозим. 5-жадвалда қурилган моделни таҳлил қилишда эластиклик коэффициентлари ҳисоблаб чиқилди (5-жадвал).



5-жадвал

Самарқанд вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт ҳажми ўсиши учун қурилган моделнинг коэффицентлари эластиклиги\*

Ўзгарувчи	Модель коэффицентлари	Стандартлаштирилган коэффицент	Эластиклик коэффиценти
$X_1$	49.37683	0.112477	1.612316
$X_2$	-20.62517	-0.023670	-0.120287
$X_5$	1.789075	0.575945	0.594256
$X_8$	49.56256	0.378187	0.627914
C	-17703.62	NA	-1.714197

\* Муаллиф томонидан Eviews 9 дастуридан фойдаланиб олинган натижаси.

Ҳосил қилинган модель таҳлил қилинганда, суғориладиган ер майдони ( $X_1$ ) 1 фоизга оширилса, ЯҲМ ҳажми ( $Y_2$ ) 1,612 фоизга ошиши, лалми ер майдони ( $X_2$ ) 1 фоизга оширилса, ЯҲМ ҳажми ( $Y_2$ ) 0,12 фоизга камайиши, саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ( $X_5$ ) 1 фоизга оширилса, ЯҲМ ҳажми ( $Y_2$ ) 0,594 фоизга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи корхоналар сони ( $X_8$ ) ҳажми 1 фоизга оширилса, ЯҲМ ҳажми ( $Y_2$ ) 0,628 фоизга ошиши аниқланди. Қўрилган моделлар орқали экспорт ҳажми ва унга таъсир этувчи омилларнинг прогноз варианты ишлаб чиқилди (6-жадвал).

Прогноз вариантлари ишлаб чиқиш учун моделдаги  $X_1, X_2, X_3, X_4, X_5, X_6, X_7, X_8, X_9$  ўзгарувчиларнинг тренд тенгламаларини аниқлашда MS Excel дастуридан фойдаланилди.

Самарқанд вилоятида жами экспорт,  $X_y$ :

$$X_1 = 50,567 * \ln(t) + 103,35; \\ R^2 = 0,9194. \quad (20)$$

Самарқанд вилоятидаги жами экин майдони,  $X_y$ :

$$X_2 = 6,3715 * t^2 + 19,462 * t + 149,66; \\ R^2 = 0,9335. \quad (21)$$

Ушбу MS Excel дастуридаги тренд тенгламалар Eviews 9 дастурида аниқланди. Турли статистик аҳамиятлилик мезонлари ёрдамида текширилган тадбиркорлик субъектлари товар ва хизматлар ҳажми, регрессия тенгламасидан фойдаланиб қу-

рилган моделлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида яратилган товар ва хизматлар ҳажми ҳамда унга таъсир этувчи омилларнинг прогноз варианты ишлаб чиқилди (6-жадвал).

Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2025 йилга бориб 70 439,35 млрд сўм (2019 йил нархларида) бўлиши, бу эса 2019 йилдагидан 153 фоизга ошиши кутилган.

Жами экспорт ҳажми 318 135 АҚШ долларни ташкил қилади деб прогноз қилинган.

Самарқанд вилоятида 2019–2025 йиллар учун тадбиркорлик субъектлари экспорти ҳажми бўйича прогнозда 2025 йилга бориб вилоятда тадбиркорлик субъектлари экспортининг умумий экспорт ҳажмидаги улуши ўсиши кузатилган.

#### Хулосалар

Соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда тадбиркорлик субъекларининг экспорт манбаларидан фойдаланиш кўламини оширишга хизмат қилмоқда. Бу меъёрий ҳужжатлар ижросининг амалий натижаси сифатида мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт платформаларидан фойдаланишни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, умуман, экспорт самарадорлиги ўсиб бормоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари халқаро бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаши ва рақибларига нисбатан катта рақобат яратиши мумкин.



Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт фаолияти ва унга таъсир этувчи омиллар прогнози

Йиллар	Жами экспорт (минг доллар)	ҲҲМ (млрд сўм)	Жами экин майдони		Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари		Саноат маҳсулотлари			Экспорт билан шуғулланувчи корхоналар сони	
			Суғориладиган ер майдони (минг га)	Лалми ер майдони (минг га)	Етиштирилган маҳсулотлар (минг т)	Экспорт (минг т)	Ишлаб чиқарилди (млрд сўм)	Тадбиркорлик субъектларининг улуши (млрд сўм)	Экспорт (минг доллар)	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Саноат маҳсулотлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
2020	250485	40497,6	355,1	69,2	2079,2	5787	20313,6	13786,8	383271,0	381,0	160
2021	264015	45825,67	6187,8	69,8	1802,3	2814,3	26245,4	18901,0	457987,7	433,7	185
2022	277545	51483,88	170,8	70,4	1490,9	12080,2	33909,4	25912,2	547270,1	490,2	213
2023	291075	57472,23	160,0	71,0	1145,1	22010,7	43811,3	35524,3	653957,5	550,8	242
2024	304605	63790,72	148,8	71,6	764,9	32605,8	56604,7	48701,8	781443,1	615,2	274
2025	318135	70439,35	137,2	72,1	350,2	43865,5	73133,8	66767,5	933781,4	683,7	307

Шуни таъкидлаш керакки, кўриб чиқилган кўрсаткичлар ўзгаришига ташқи ва ички омиллар, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ҳам таъсир кўрсатади.

1. Тадбиркорлик субъектлари экспортида самарадорликни баҳолаш, экспорт фаолиятини инновацион ривожлантириш, халқаро бозорни комплекс тадқиқ қилиш ва инновацион фаолият йўналишларини аниқлаш, тадбиркорлик субъектлари экспортида рақамли иқтисодиёт платформаларидан фойдаланиш салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳудуд ёки мамлакат экспорт тизимини истиқболли стратегиялари бўйича бир қатор қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

2. Тадбиркорлик субъектлари экспорти ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт платформаларидан фойдаланиш салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ҳудуд экспорт

тизимининг истиқболли стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Экспорт самарадорлигини ошириш учун, аввало, унинг салоҳиятини ошириш ва ривожлантириш масалаларини тизимли тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан ёндашув талаб этилади.

4. Тадбиркорлик субъектлари экспорти рақамли иқтисодиёт технологияларининг кўрсаткичлари ҳажми таъсирини баҳолашнинг инновацион фаолият самарадорлигини белгилаш орқали ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

5. Тадбиркорлик субъектлари экспорти ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт платформаларидан самарали фойдаланиш натижасида унинг иқтисодий самарадорлиги ва техник кўрсаткичларини яхшилашга эришиш мумкин. Уни баҳолаш натижаси эса хизматларни тижоратлаштиришнинг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ифодалайди.



## REFERENCES

1. To'rabekov S.Sh., Muxammedov M.M. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlarining eksport salohiyatini rivojlantirish istiqbollari iqtisodiyotning [Prospects for the development of export potential of small business and private entrepreneurship in the economy]. *Realniy sektor ekonomiki – Real sector of the economy*, 2016.
2. Tursunov R.T. Kichik biznes va tadbirkorlik sub'ektlar eksport salohiyati va uni oshirish yo'llari [Export potential of small business and entrepreneurship and ways to increase it]. *Iqtisodiyot va innovasion texnologiyalar – Economics and innovative technologies*, 2016, July – August, no. 4.
3. *Ekonometrika [Econometrics]*. Ed. I.I. Eliseeva. Moscow, Finance and statistics, 2003, p. 344.
4. Asteriou D., Hall S.G. *Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit*. Revised edition. New York, Palgrave Macmillan, 2007, p. 397.
5. Mamasoatov D.R. Tadbirkorlik sub'ektlari eksportida axborot-kommunikasiya texnologiyalaridan foydalanishni takomillashtirish [Improving the use of information and communication technologies in the export of business entities]. Tashkent, Economy-Finance, 2020, 120 p.
6. G'ulomov S.S, Ergashev R.X, Xamraeva S.N. Raqamli iqtisodiyot [Digital Economics]. Tashkent, 2020.
7. Abdullaev O.M, Fattoxov.A.A, Axmevov K. Raqamli iqtisodiyot [Digital Economics]. Tashkent, 2020.
8. Dadabaeva R.A, Shoaxmedova N.X, Ibragimova L.T. et al. Iqtisodiyotda axborot-kommunikasiyalar va tizimlar [Information and communication systems in the economy]. Tashkent, 2019.
9. Popov A.O Sovershenstvovaniye gosudarstvennogo upravleniya ekonomikoy na osnove vnedreniya informatsionnih texnologiy [Improving the state management of the economy based on the introduction of information technology]. *Bulletin of the Moscow State University of Management*, ser. Development of sectoral and regional management, 2007, no. 10 (10).
10. Laudon K.C., Laudon J.P. *Management Information System: managing the digital firm*. 11th Ed. Global Edition. Washington, Pearson, 2010, 653 p.
11. Obi T. *The Innovative CIO and e-Participation in e-Government Initiatives*. Amsterdam, IOS Press, 2010, 245 p.
12. Besanko D., Schanley M., Schaefer S. *Economics of Strategy*. 5th ed. 2009.
13. Gulyamov S.S. Rol IKT v povishenii effektivnosti antikrizisnih programm [The role of ICT in improving the effectiveness of anti-crisis programs]. *Proceedings of the International conference devoted to the book of I.A. Karimov. World financial and economic crisis ways and measures to overcome it in the conditions of Uzbekistan*. Tashkent, Fan Publ., 2010.
14. Alimov R.X., Begalov B.A *Axborot-kommunikasiyalar bozorining shakllanishi va rivojlanishi [Formation and development of the information and communication market]*. Tashkent, 2001.

**Тақризчи:** Исмоилова Г.Ф., и.ф.н., доцент, “Менежмент” кафедраси мудири, Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети.



doi <https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2022-3-15>

UDC: 336.5

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

**Абдухапарова Дилрабо Мирзахмат қизи,**  
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси,  
ORCID: 000-0003-3073-2969, e-mail: di1707@bk.ru

**Аннотация.** Ҳозирги кунда бутун дунёда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, уларнинг манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш ва иқтисодиётга хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур мақолада турли маҳаллий ва хорижий олимларнинг мамлакатда олий таълим муассасаларини молиялаштириш моделларининг моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, таълим тизимини самарали молиялаштириш механизми бўйича тадқиқотлари ўзаро қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бирга, мамлакатимизда олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартиби ҳамда олий таълим тизимини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштиришни кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, давлат бюджети, бюджет харажатлари, инновация, бизнес инкубатор, спин-офф, венчурли молиялаштириш, краудфандинг молиялаштириш, эндаумент фонд.

## МОДЕЛИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ВУЗОВ

**Абдухапарова Дилрабо Мирзахмат кизи,**  
самостоятельный соискатель  
Ташкентского финансового института

**Аннотация.** Сегодня во всем мире одним из наиболее актуальных вопросов является эффективное использование бюджетных средств, обеспечение их целевого и адресного расходования, оптимизация государственных расходов и привлечение частных инвестиций в экономику. В данной статье проводится сравнительный анализ исследований различных отечественных и зарубежных ученых о сущности моделей финансирования высших учебных заведений страны, их специфике и механизме эффективного финансирования системы образования. При этом изложены

## Кириш

Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиб бормоқда. Мамлакатимиздаги ҳар бир соҳа ва тармоқлар замон талабларига жавоб берадиган тарзда ривожланиб, уларда янги-ланиш нафаси уфурмоқда.

Биргина таълим соҳасидаги ислохотлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, кейинги йилларда юртимизда таълим, хусусан, олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, давлат-хусусий шерикчилик ва хусусий сектор ресурсларидан кенг фойдаланиш, мамлакат аҳолисини олий таълим билан қамраб олиш даражасини илғор хорижий давлатлар даражасига етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва тегишли чоралар кўрилмоқда. Натижада битирувчиларнинг олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2021 йилда 28 %ни ташкил этди [1].

Мамлакатда олий таълим тизимини ривожлантириш, албатта, ушбу соҳани етарли молиявий ресурслар билан таъминлашни талаб этади. Бу эса бевосита чекланган ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, чекланмаган эҳтиёжларни максимал даражада қондиришни талаб этади. Шу боисдан ҳам сўнгги йилларда турли мамлакатларда давлат олий таълим тизимини молиялаштириш, шунингдек, бюджет маблағларини олий таълим муассасалари ўртасида самарали тақсимлаш механизмларида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу таълим тизимида ўқувчилар сонининг кескин кўпайиши ва бюджет ресурслари-



нинг чекланганлиги билан боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва турли бюджетдан ташқари манбаларни жалб этишни талаб этмоқда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам.

#### *Адабиётлар шарҳи*

Олий таълим ҳамда уни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар ўз тадқиқот ишларини олиб борган. Жумладан, АҚШлик олимлардан Жеймс Дин Вард, Элизабет Давидсон Писакрета, Бенжамин Вентрау ҳамда Мартин Курзвиллар ўз тадқиқотларида бутун дунё бўйлаб давом этаётган пандемия шароитида олий таълим муассасаларини давлат томонидан натижадорликка асосан молиялаштириш ҳамда аҳолининг турли қатламлари (кам таъминланган, етарли даромадга эга бўлмаган, ирқий ва миллат жиҳатдан камчиликни ташкил этувчи гуруҳлар)га молиявий кўмак бериш (ваучер)ни таклиф этган [2].

Томмасо Агасисти, Гиусепе Капиелло ҳамда Гиусепе Каталанолар эса ўз тадқиқотларида олий таълим муассасаларини давлат томонидан молиялаштиришни 2 та шаклга ажратган: олий таълим муассасаларини тўғридан-тўғри молиялаштириш ҳамда талабалар ва уларнинг ота-оналарини молиявий қўллаб-қувватлаш (таълим ваучери). Муаллифлар молиялаштиришнинг айнан иккинчи шакли ҳам ҳозирги кунда жуда муҳим манбалардан бири ҳисобланиши ва унинг ижобий жиҳатларини ёритган [3].

Рус олимларидан Е.Г. Чернова, Т.Д. Ахобадзе, А.С. Малова, А.А. Салтанлар томонидан олий таълимни молиялаштириш моделлари ва уларнинг фаолияти самарадорлиги эмпирик тадқиқ этилган. Шунингдек, улар ўз тадқиқотларида олий таълим тизимини давлат бюджетидан молиялаштириш механизмлари, жумладан, формула орқали молиялаштириш, натижадорликка кўра молиялаштириш ва ўзаро келишилган тарзда молиялаштириш механизмларининг моҳиятига ҳам тўхталиб ўтишган [4].

*предложения и рекомендации по порядку финансирования высших учебных заведений и расширению внебюджетного финансирования системы высшего образования в нашей стране.*

**Ключевые слова:** *высшее образование, государственный бюджет, бюджетные расходы, инновации, бизнес-инкубатор, спин-офф, венчурное финансирование, краудфандинговое финансирование, эндаумент-фонд.*

### **FINANCING MODELS FOR HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

**Abdukhaparova Dilrabo Mirzahmat kizi,**  
Independent Researcher,  
Tashkent Institute of Finance

**Abstract.** *Nowadays, one of the most pressing issues across the world is the efficient use of budgetary funds, ensuring their targeted spending, optimizing public expenditure and attracting private investment into national economies. This article provides a comparative analysis of studies by various local and foreign scientists on the essence of financing models for higher educational institutions in the republic, their specifics, and a mechanism for effective financing of the education system. As well as, it presents proposals and recommendations on procedures for financing higher education institutions in the country and expanding extrabudgetary financing of the higher education system.*

**Keywords:** *higher education, state budget, budget expenditures, innovations, business incubator, spin-offs, venture financing, crowdfunding, endowment fund.*

Рус олималаридан И.В. Абанкина ўз тадқиқотларида олий таълимни молиялаштиришнинг бир қатор ўзига хос инвестицион моделлари, жумладан, шахсга мўлжалланган молиялаштириш, эндаумент фондлар орқали молиялаштириш ва мақсадли молиялаштириш механизмларини тадқиқ қилган ва бу борада бир нечта хорижий тажрибаларни таҳлил қилган [5].

Маҳаллий олимлардан С. Ғуломов [6], М. Саидов [7], Н. Жумаев [8], С. Бузрукхонов [9], Д. Раҳмонов [10], А. Маҳмудов [11], А. Шеров [12], З. Хўрозов [13] ва бошқалар ҳам айнан олий таълим тизимини самарали молиялаштириш йўллари бўйича ўз тадқиқотларини олиб боришган.



### Материал ва методлар

Тадқиқот ишида гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик усуллар, қиёсий таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

### Тадқиқот натижалари

Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда олий таълим тизимини самарали молия-

лаштириш, уни молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, мавжуд маблағлардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги жадвалда айрим иқтисодчи олимларнинг олий таълим тизимини молиялаштириш моделлари бўйича назарияларини кўришимиз мумкин.

### Жадвал

#### Олий таълим тизимини молиялаштириш моделлари бўйича айрим хорижий олимларнинг назариялари

1	Д. Браун, А. Вагнер, Б. Салтер, С. Кмит [14]	1. Бюрократик модель. 2. Коллегиал модель. 3. Бозор модели.
2	Н.А. Чеканина [15]	1. Америка модели. 2. Скандинавия модели. 3. Япония модели.
3	А.В. Вавилина [16]; А.С. Заборовская, Т.Л. Клячко, И.Б. Королев, В.А. Чернец, А.Е. Чирикова, Л.С. Шилова, С.В. Шишкин [17]; С.А. Беляков, А.С. Заборовская, Т.Л. Клячко, И.Б. Королев, Н.Б. Озерова, Е.А. Полушкина [18]; Н.Г. Кузьмина [19]; А.Б. Шеров [20]	1. Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш модели. 2. Давлат томонидан маълум мақсадлар учун таълим муассасасидан таълим хизматларини сотиб олиш модели. 3. ОТМларини уларнинг фаолият натижаларига кўра молиялаштириш модели. 4. Олий таълим муассасалари таълим хизматларининг бевосита истеъмолчилари томонидан молиялаштирилувчи модели
4	О.Г. Ананова [21]	1. Англосаксон модели. 2. Континентал модель.
5	Б.А. Варламов, А.Д. Аввакумова [22]	1. Эркин бозор модели. 2. Оммавий бозорга йўналтирилган модель. 3. Бозорга қарши модель.
6	В. Praneviciene, А. Pūraitė, V. Vasiliauskienė, Ž. Simanavičienė [23]	1. Формула бўйича молиялаштириш модели (financing according to the formula). 2. Дастурли молиялаштириш модели (programme financing). 3. Хизматдан фойдаланувчиларни молиялаштириш модели (financing of service recipient).
7	L. Leshanych, I. Miahkykh, M. Shkoda [24]	1. Эҳтиёжга кўра ва мақсадли молиялаштириш модели. 2. Натижага кўра молиялаштириш модели. 3. Таълим олувчилар томонидан молиялаштириш ҳамда ОТМ талаби ва эҳтиёжларига кўра молиялаштириш.
8	V. Kikutadze, L. Tabatadze [25]	1. Бюрократик модель. 2. Коллегиал модель. 3. Бозор модели. 4. Институционал модель. 5. Дастурли ва таълим олувчиларни молиялаштириш модели. 6. "Block grant" молиялаштириш модели.

Ушбу моделларнинг айримлари мазмуни ҳақида тўхталиб ўтсак. Иқтисодиёт, менежмент, таълим соҳасида бир қатор тадқиқотлар олиб борган Д. Браун, А. Вагнер, Б. Салтер, С. Кмитлар олий таъ-

лим тизимини молиялаштиришнинг бир қатор моделларини ўрганиб, улардан уchtасини алоҳида ажратиб, таҳлил этган.


Бюрократик модель. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришда бю-





рократик моделнинг асосий тамойили давлат бюджетидан маблағларни олий таълим муассасалари ўртасида тақсим-

лашдир. Мазкур моделнинг ишлаш механизмини қуйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин.



**1-расм. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг Бюрократик модели схемаси**

Бюрократик моделнинг асосий афзалликларидан бири – бу давлатнинг бўлажак мутахассисларни зарур йўналишларда ўқитиш орқали давлат эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, кадрлар бозорини ортиқча тўлдирмасдан, улар сонини назорат қилиш имкониятининг мавжудлигидир.

Шу билан бирга, мазкур моделнинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, қатъий ва марказлаштирилган молиялаштириш таълим муассасаларининг автономиясини деярли бутунлай чеклайди, олий таълим тизими давлатнинг сиёсий кучига қарам бўлиб қолади. Шунингдек, олий таълим муассасалари ўзларининг молиявий ресурсларини мустақил бошқара олмайди, одатда, давлат молиялаштириш ҳажмини олдинги йилларда ажратилган маблағ асосида режалаштиради. Шу билан таълим муассасасида тезкор ўзгаришларни амалга ошириш анча мураккаб бўлиб, қарорлар қабул қилиш анча вақт ва ҳужжатлар расмийлаштиришни талаб этади. Мазкур моделдан Словения, Словакия ва Чехияда кенг фойдаланилади [14].

Коллегиал модель, одатда, олий таълим муассасалари фаолиятининг давлат томонидан субсидияланишини назарда тутаяди. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларининг турли воситалар орқали молиявий маблағларни жалб этиш ҳуқуқини ҳам беради. Жумладан, таълим хизматларидан фойдаланганлик учун тўлов, таълим хизматларини сотишдан олинган даромадлар, илмий тадқиқот ишларини тижоратлаштиришдан олинган маблағлар, муайян дастурлар ёки стипендиялар учун хусусий молиялаштириш манбаларини жалб этиш ва бошқалар. Шунингдек, ушбу модель таълим муассасаларининг ўзларига тегишли ресурсларни эркин тасарруф этиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Мазкур моделдан фойдаланувчи давлат сифатида Буюк Британияни мисол қилишимиз мумкин. Бу ерда хусусий молиялаштиришдан фойдаланиш фоизи 25 дан юқори ҳисобланади.


Коллегиал модель, бир томондан, олий таълим муассасаларининг таъсисчига молиявий қарамлиги ҳақидаги анъанавий ғояга, иккинчи томондан, давлат ва



муассасалар ўртасидаги ишончли муносабатларга асосланади. Ушбу моделдаги таълим муассасалари бюджетнинг катта қисмини давлат маблағлари ташкил этса-да, шунга қарамай, уларга молиявий мустақиллик ҳуқуқи берилган. Бу эса таълим муассасаларига молиявий ресурсларни қандай ва нима мақсадларда самарали сарфлашни ҳал қилиш имконини беради. Бу академик эркинлик, олий таълим сифати ва молиявий ресурслардан

самарали фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу моделга кўра, давлат томонидан бериладиган субсидиялар олий таълим муассасаси бюджетига тушади. Аммо бюджетни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби таълим муассасалари ёки улар кенгашларининг институционал даражасида белгиланади. Коллегиал моделнинг умумий схемаси қуйидаги 2-расмда келтирилган.



2-расм. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг Коллегиал модели схемаси


Коллегиал моделнинг бир қатор ижобий жиҳатлари мавжудлиги билан бирга, унинг айрим камчиликлари ҳам бор. Жумладан:

- давлатдан доимий субсидиялар олувчи, ўз бюджетини тадбиркорлик ва фуқаролардан тушадиган маблағлар ҳисобига тўлдирадиган, жамоатчиликдан мустақил бўлган олий таълим муассасаларининг молиявий ҳисоботлари шаффоф бўлишига ҳеч ким кафолат бера олмайди;

- мазкур моделда олий таълим муассасалари ўз харажатларини давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига тўлиқ қоплай олмаслиги сабабли аҳоли ва хўжалик субъектларидан қўшимча маблағлар

жалб этиш чораларини кўриши лозим ва бошқалар.

Бозор модели харажатларни молиялаштириш манбаларининг кенглиги билан ажралиб туради. Олий таълим муассасаларига таълим муассасасининг сифатли ва самарали фаолият юритиши, бозор талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида турли молиялаштириш ресурсларидан фойдаланиш имконияти бериледи. Шунингдек, молиялаштиришнинг бозор модели олий таълим муассасаларини ўз фаолияти тўғрисида етарли маълумот беришга мажбур қилади ҳамда максимал молиявий ва сифат жавобгарлигини назарда тутеди.



**3-расм. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг бозор модели схемаси**

Бозор модели олий таълим муассасаларини молиялаштиришда давлат ва хусусий манбалар ўртасида мувозанат бўлишини назарда тутаяди. Мазкур моделнинг асосий афзалликларидан бири олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро рақобатдир. Ушбу рақобат таълим муассасаларининг ўқиш учун тўловларни камайтириш, таълим сифатини ошириш ҳамда меҳнат бозори талабларига мослашувчан ва ўз вақтида жавоб беришга ундайди.

Бозор моделининг камчиликларидан бири ўқув дастурлари бозорнинг бевосита эҳтиёжларига мослаштирилиши мумкин. Бу эса ўзини оқлаш муддати узоқ бўлган қимматроқ ўқув дастурларидан воз кечишга олиб келади. Натижада бундай ҳолат меҳнат бозори инқирозини келтириб чиқариши мумкин.

### Хулосалар

Юқоридаги жадвалда бир қатор олимларнинг тадқиқот ишларида олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг турли моделларини кўрдик. Уларнинг аксариятида олий таълим муассасалари молиялаштириш манбалари бўйича тур-

ларга ажратилган бўлса, аксариятида маблағларни ишлатиш йўналишлари, молиялаштириш ҳажми учун асос бўладиган кўрсаткичлар танлаб олинган.

Аксарият ривожланган мамлакатларнинг олий таълим тизимини молиялаштиришда аниқ бир моделнинг қўлланиши камдан-кам ҳолларда учрайди ва кўп ҳолларда аралаш модель сифатида фойдаланилади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасаларини молиялаштириш талаба сонига кўра (шунингдек, давлат буюртмаси асосида), ҳам давлат бюджети, ҳам бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб, бюджетдан маблағ ажратишда, асосан, куйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

- бир талаба учун жорий харажатларнинг базавий нормативи;
- асосий активларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми аниқланадиган олий таълим муассасасининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва яхшилаш харажатлари бўйича харажатларнинг



базавий нормативи;

- ҳамма таълим йўналишлари ва босқичлари бўйича ўртача йиллик талабалар сони;

- олий таълим муассасасининг олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқиётган катта илмий ходимизланувчиларнинг ўртача йиллик сони ва бошқалар.

Фикримизча, ҳозирги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасаларини молиялаштиришда юқоридаги 3 моделдан аралаш ҳолда фойдаланиб келинмоқда. Сабаби олий таълим муассасаларининг давлат бюджетидан ажратиладиган ҳамда тўлов-шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг тўлаган маблағларидан фойдаланиш давлат томонидан алоҳида ҳужжатлар билан белгилаб берилган. ОТМдаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхати, уларга қабул кўрсаткичлари, асосан, давлат буюртмаси асосида шаклланади; тўлов-шартнома миқдори давлат томонидан белгиланади (ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган ОТМлар бундан мустасно); ОТМларига қўшимча маблағлар жалб этиш ва қўшимча тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланиш имконияти яратилган; ўзини ўзи молиялаштиришга ўтган олий таълим муассасаларига молиявий ва академик соҳада бир қатор эркинликлар берилган; ўзаро рақобатни ривожлантириш учун шартнома асосида талабаликка тавсия этилган талабаларнинг тўлов-шартнома миқдорини (табақалашган, оширилган тўлов-шартномаларини ҳам) мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган ва бошқалар.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби-

га молиялаштириш, илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва шу каби бошқа молиялаштириш манбаларини янада кенгайтириш борасида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Жумладан:

- олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини ошириш, илмфан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлашга қаратилган “Инновацион университет” концепциясини ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасаларида тадбиркорлик муҳити ва фаолиятини шакллантириш ҳамда илмий-тадқиқот натижаларининг технологик трансферларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Спин-офф” компанияларини ташкил этиш;

- мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олган “Инновацион ғоялар банки”ни ташкил этиш ва унда олий таълим муассасалари иштирокини кенгайтириш;

- ҳудудлардаги олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришга йўналтирилган индустриал бизнес инкубаторларни ташкил этиш;

- олий таълим муассасаларида эндаумент фондлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида битирувчилар портфолиосини шакллантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий нуфузли ташкилотларда ишлаётган битирувчиларнинг ҳомийлик ва хайрия маблағларини ушбу фондга жалб этиш механизмини яратиш;

- олий таълим муассасаларида илмий ва инновацион ишланмалар, шунингдек, стартап лойиҳаларни молиялаштиришда венчурли ҳамда краудфандинг молиялаштириш механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ва бошқалар.

## REFERENCES

1. Sherov A., Ruzmetova G. O'zbekistonda oliy ta'lim tizimi borasida amalga oshirilayotgan islohotlar va uni moliyalashtirishning dolzarb masalalari [Reforms in the higher education system in Uzbekistan and



current issues of its financing]. *ORIENSS*, 2022, no. 2. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekistonda-oliy-ta-lim-tizimi-borasida-amalga-oshirilayotgan-islohotlar-va-uni-moliyalashtirishning-dolzarb-masalalari/> (accessed 18.04.2022).

2. Ward J.D., Pisacreta E.D., Weintraut B., Kurzwe M. an overview of state higher education funding approaches. *Lessons and Recommendations*. Ithaca S+R, 2020, December 10.

3. Agasisti T., Cappiello G., Catalano G. The effects of vouchers in higher education: an italian case study. *Tertiary Education and Management*, 2008, March, vol. 14, no. 1, pp. 27-42.

4. Chernova Ye.G., Akhobadze T.D., Malova A.S., Saltan A.A. Modeli finansirovaniya vysshego obrazovaniya i effektivnost' deyatel'nosti universitetov. Empiricheskoye issledovaniye yevropeyskogo opyta i otechestvennaya praktika [Models of financing higher education and efficiency of universities. Empirical study of European experience and domestic practice]. *Voprosy obrazovaniya – Questions of Education*, Educational Studies, Moscow, 2017, no. 3.

5. Abankina I.V. Finansirovaniye obrazovaniya: trend na personalizatsiyu [Financing education: the trend towards personalization]. *NEA Journal*, 2019, no. 1 (41), pp. 216-225.

6. Gulyamov S.S. et al. O'zbekistonda inson kapitali omillarining o'zaro aloqalari samaradorligi [The effectiveness of the interaction of human capital factors in Uzbekistan]. *Moliya jurnali – Journal of Finance*, Tashkent, 2014, no. 4, pp. 119-127.

7. Saidov M.X. Oliy ta'lim tizimida moliyaviy boshqaruv [Financial management in higher education]. Tashkent, Tafakkur bustoni, 2011, 432 p.

8. Jumaev N.X., Rahmonov D.A. Oliy ta'lim olishni xususiy manbalardan moliyalashtirish: nazariya va amaliyot [Private funding for higher education: theory and practice]. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar – Economy and innovative technologies*, 2018, September-October, no. 5.

9. Buzrukxonov S.M. Oliy ta'limni innovatsion rivojlantirishni moliyalashtirish mexanizmi va innovatsiyalarning investitsion jozibadorligini baholashning uslubiy yondashuvlari [The mechanism of financing the innovative development of higher education and methodological approaches to assessing the investment attractiveness of innovations]. *Logistika va iqtisodiyot – Logistics and Economics*, 2021, iss. 1, p. 84.

10. Rahmonov D. O'zbekistonda ijtimoiy sohani moliyalashtirishni takomillashtirishning metodologik asoslari [Methodological bases of improving financing of the social sphere in Uzbekistan]. Tashkent, Fan va texnologiyalar, 2017, 248 p.

11. Mahmudov A. Oliy ta'lim muassasalarida moliyaviy resurslarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish [Improving the mechanism of financial resources management in higher education institutions]. Abstract of PhD thesis. Tashkent, 2019, 45 p.

12. Sherov A. Oliy ta'lim muassasalarini byudjet mablag'lari hisobidan moliyalashtirishni takomillashtirish yo'llari [Ways to improve the financing of higher education institutions from the budget]. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2021, no. 1 (10), pp. 1121-1133.

13. Po'latov D., Xurozov Z. Oliy ta'lim muassasalari hamda ularning huzuridagi ta'lim muassasalarining moliyaviy mustaqilligini oshirish [Increasing the financial independence of higher education institutions and educational institutions under them]. *Business-Expert*, 2019, no. 1 (133).

14. Nizov A.N., Medzhitova T.I. Zarubezhnyy opyt finansirovaniya vysshego obrazovaniya [Foreign experience in financing higher education]. *Russian Economic Internet Journal*, 2018, no. 2. Available at: [http://www.e-rej.ru/Articles/2018/Nizov\\_Medzhitova.pdf/](http://www.e-rej.ru/Articles/2018/Nizov_Medzhitova.pdf/).

15. Chekanina N.A. Modeli finansirovaniya vysshey shkoly: otechestvennyy i zarubezhnyy opyt [Financing Models for Higher Education: Domestic and Foreign Experience]. *Nauchno-tehnicheskkiye vedomosti SPbGPU – SPbSPU Scientific and Technical Bulletin*, Economic Sciences, 2009, no. 3.

16. Vavilina A.V. Modeli finansirovaniya obrazovaniya: zarubezhnaya praktika [Education Financing Models: Foreign Practice]. Available at: [https://www.academia.edu/21543213/модели\\_финансирования\\_образования\\_в/](https://www.academia.edu/21543213/модели_финансирования_образования_в/).

17. Zaborovskaya A.S., Klyachko T.L., Korolev I.B., Chernets V.A., Chirikova A.Ye., Shilova L.S., Shishkin S.V. Vyssheye obrazovaniye v Rossii: pravila i real'nost' [Higher education in Russia: rules and reality]. 2004, 405 p.



18. Modeli finansirovaniya vuzov: analiz i otsenka [University funding models: analysis and evaluation]. Ed. S.A. Belyakova. Moscow, IET, 2005, p. 282.

19. Kuz'mina N.G. Zarubezhnyy opyt finansirovaniya obrazovaniya v usloviyakh vozrastaniya avtonomii vuzov [Foreign experience of financing education in the conditions of increasing autonomy of universities]. *Vestnik Volgogradskogo gosudarstvennogo universiteta – Bulletin of the Volgograd State University*, Ser. 3, Economic Ecology, 2008, no. 2 (13).

20. Sherov A.B. Oliy ta'lim muassasalarini moliyalashtirishni takomillashtirish yo'llari [Ways to improve the financing of higher education institutions]. Abstract of PhD thesis. Tashkent, 2020.

21. Ananova O.G. Obshchiye podkhody i zapadnyy opyt upravleniya i finansirovaniya obrazovatel'nykh protsessov vuza [General approaches and Western experience in managing and financing the educational processes of the university]. *Vestnik DGTU – Bulletin of the DSTU*, 2012, vol. 12, no. 1 (60), iss. 1.

22. Varlamov B.A., Avvakumova A.D. Analiz podkhodov k finansirovaniyu sistemy obrazovaniya za rubezhom [Analysis of approaches to financing the education system abroad]. *Fundamental'nyye issledovaniya – Basic Research*, 2015, no. 6.

23. Praneviciene B., Pūraitė A., Vasiliauskienė V., Simanavičienė Ž. Comparative analysis of financing models of higher education. *Rėzeknes Tehnologiju akadēmija*, 2017.

24. Leshanych L., Miahkykh I., Shkoda M. Models of financing of higher education institutions in foreign countries. *Baltic Journal of Economic Studies*, 2018, vol. 4, no. 5.

25. Kikutadze V., Tabatadze L. Diversification of funding models of higher education service market in Georgia. *European Scientific Journal*, 2016, December, spec. ed.

**Тақризчи:** Шеров А.Б., и.ф.ф.д., доцент, Ургенч давлат унверситети.



doi <https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2022-3-16>

UDC: 634.338

## ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИДА ГРЕК ЁНҒОҒИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Инобатов Аброр Бошларович,

Тошкент давлат аграр университети мустақил тадқиқотчиси,  
“Агроиқтисодиёт ва туризм” кафедраси катта ўқитувчиси,  
ORCID: 0000-0003-0288-8798, e-mail: inobatov83@bk.ru

### Кириш

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини” [1] алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинadigan даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган биотехнологиялар, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этиш лозимлиги белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжа-

**Аннотация.** Республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган аграр ислохотлар маҳсулот ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш билан биргаликда, маҳсулотлар таркибини диверсификациялаш, янги йўналишларни ривожлантириш, аввал эътибордан четда қолган, аммо ҳозирда дунё бозорида талаб ортиб бораётган соҳаларни кенгайтиришни ҳам кўзда тутмоқда. Бунда деҳқон хўжаликлари ва оила томорқа имкониятларидан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Дунё бозорида талаб юқори бўлган грек ёнғоғининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, республикамизнинг лалми ерларидан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган грек ёнғоғи ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш замон талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Тадқиқотларимиз давомида, асосан, Паркент туманидаги деҳқон хўжалиги ва оилавий томорқалар ўрганилганда, хонадонлардаги грек ёнғоғи сони 3 минг 612 туп эканлиги аниқланди. Тумандаги деҳқон хўжалиги ва хонадонларда янги грек ёнғоғи навларини жойлаштириш орқали яхши даромад келиши, сарфланган маблағ узоқ вақтгача қайтиб туриши, кам харажат эканлиги сўровнома ўтказилганда айтиб ўтилди. Мақолада деҳқон хўжаликларида грек ёнғоғи етиштиришни ривожлантиришнинг бугунги босқичи хусусиятларидан келиб чиқиб, муҳим йўналишлари бўйича тадқиқотлар натижалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** грек ёнғоғи, экспорт, бизнес, рацион, ихтисослаштириш, таваккалчилик, интенсив технологиялар, пайвандлаш, селекция,



рақобатбоп навлар, плантация, вегетатив, йиллик самарали ҳарорат миқдори, тоғли ва тоғ олди ҳудудлари.

### ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОИЗВОДСТВА ГРЕЦКОГО ОРЕХА В ДЕХКАНСКИХ ХОЗЯЙСТВАХ

**Инобатов Абдор Бошларович,**  
самостоятельный соискатель, старший  
преподаватель кафедры  
«Агроэкономика и туризм»  
Ташкентского государственного аграрного  
университета

**Аннотация.** Аграрные реформы, осуществляемые в сельском хозяйстве республики, наряду с развитием отраслей производства продукции, предусматривают диверсификацию продукции, развитие новых направлений, а также расширение ранее не востребованных на мировом рынке сфер, но спрос на которые сегодня растет. При этом большое значение имеет эффективное использование возможностей деханских хозяйств и семейных приусадебных участков. Учитывая значение грецкого ореха, пользующегося высоким спросом на мировом рынке, одним из современных требований становится дальнейшее стимулирование и повышение эффективности использования богарных земель в республике, широкое внедрение научно обоснованных методов и интенсивных технологий выращивания грецкого ореха и создание современных ореховых плантаций при увеличении производства конкурентоспособного на внутреннем и внешнем рынках грецкого ореха. В данном монографическом исследовании при изучении деханских хозяйств и семейных приусадебных участков Паркентского района было установлено, что количество деревьев грецкого ореха, имеющих в подворьях, составляет 3 612 ед. В ходе проведенного опроса владельцев деханских хозяйств и приусадебных участков района выявлено, что посредством размещения новых сортов грецкого ореха возможно получение хорошего дохода, долгосрочная отдача затраченных средств, малозатратность. В статье описаны результаты исследований по важным направлениям, исходя из особенностей современного этапа развития выращивания грецких орехов в деханских хозяйствах.

**Ключевые слова:** земельные ресурсы, уровень полезности, перераспределение, рынок земли, организационно-экономический механизм, повышение эффективности, экономика, переработка ореха, специализация, риск, отбор, гор-

лигини ривожлантиришининг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 1 июндаги ПҚ–3025-сон «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларида лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ боғларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Бунда грек ёнғоғини етиштиришда қимматли нав ва шакллари танлаш, боғлар барпо этиш, замонавий агротехнологияларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Грек ёнғоғи етиштиришни ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш, унинг бозорбоблик хусусиятларини яхшилаш, ёнғоқ ишлаб чиқариш жараёнига инвестициялар жалб этиш, дунёда грек ёнғоғи етиштириш хусусиятлари ва улардан фойдаланиш масалалари юзасидан илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга тадқиқотлар олиб бориш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш Б.Л. Йомдин каби хорижлик олимлар илмий ишларида акс этган.

Австралиялик Н. Adem ва Р.Н. Jerie муаллифлигидаги «Walnut Industry. Research & Best Practice Implementation» ҳисоботида ёнғоқ етиштирувчилар ассоциация шаклида ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш истиқболлари кўриб чиқилган. Бунда ташкилий масалаларга кўпроқ тўхталиб, ёнғоқ кўчатлари тайёрлаш, экиш, ишлов бериш жараёнлари самарадорликка эришишда муҳим омиллар эканига урғу берилган. Шунингдек, ёнғоқ-





зорнинг ривожланиш даврида йилма-йил даромад ва харажатлар таққослаб чиқилган ҳамда махсус инвестицион дастурлар, солиқ имтиёзлари орқали бунга эришиш мумкинлиги тақлиф этилган.

АҚШ тадқиқотчиларидан Larry Harper, Dr. William Kurtz нинг “Economics of Eastern Black Walnut Agroforestry Systems” мақола-сида Миссури асосий агроўрмон тизимида ёнғоқ дарахтлари рентабеллиги таҳлил этилган.

И.В. Мичурин ўз асарларида ёнғоқни “келажак нони” деб атаган. Улар тўйим-лиги билан инсон озиқланадиган асосий маҳсулотлар: нон, гўшт, сут, балиқдан юқори ва сариеққа яқин туриши таъкидланган.

### Материал ва методлар

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асосини бозор шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон хўжаликларининг фаолият юритиш муаммоларига бағишланган маҳаллий ва хорижий олим-иқтисодчиларнинг ишлари ташкил этади. Ҳуқуқий база Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ўрганилаётган муаммога мувофиқ бошқа материаллар билан шакллантирилди. Тадқиқотнинг эмпирик асосини бевосита тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тўпланган ва умумлаштирилган давлат статистика органларининг расмий материаллари ташкил этади.

Тадқиқотлар 2017–2020 йилларда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги деҳқон хўжалиги ва оилавий томорқаларида олиб борилди.

### Тадқиқот натижалари

Ёнғоқчилик яқин-яқингача эътибордан четда қолиб келаётган эди. Бироқ республикамизда узоқ йиллар давомида грек ёнғоғи етиштириш фақатгина аҳоли томорқаларида қўшимча имконият сифатида ташкил қилингани учун маҳаллий ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулот етиштириш, рақобатбардош маҳсулот берувчи грек ёнғоғи навларини

ные и предгорные районы, биологическая возможность.


### ECONOMIC EFFICIENCY OF THE WALNUT PRODUCTION ON THE FARMS

**Inobatov Abror Boshlarovich,**  
Independent Applicant, Senior Lecturer  
of the Department “Agricomics and tourism”,  
Tashkent State Agrarian University

**Abstract.** Agrarian reforms carried out in the agriculture of the republic, along with the development of production sectors, provide diversification of products, development of new areas, as well as expansion of previously unclaimed areas on the world market, but today the demand for which is growing. At the same time, the effective use of opportunities of dehqan farms and family household plots is of great importance. Given the importance of the walnut, which is in high demand on the world market, one of the modern requirements is to further stimulate and increase the efficiency of the use of rain fed lands in the republic, the widespread introduction of scientifically based methods and intensive technologies for growing walnuts and the creation of modern walnut plantations with an increase in production competitive in the domestic and foreign markets for walnuts. In our monographic study, when studying dehqan farms and family household plots in the Parkent district, it was found that the number of walnuts available in the farmsteads is 3 612 pieces. In the course of a survey of dehqan farms and household plots of the district, it was noted that by placing new varieties of walnut, it is possible to obtain a good income, long-term return on investment, low cost. The article describes the results of research in important areas, based on the characteristics of the current stage of development of walnut cultivation in dehqan farms.

**Keywords:** land resources, level of utility, redistribution, land market, organizational and economic mechanism, raising efficiency, economics, nut processing, walnut, specialization, risk, selection, mountainous and foothill areas, biological opportunity.

яратиш, маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳал этилмаган, бозорда рақобатбардош ёнғоқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ самарали инфратузилма шаклланмаган эди. Шу боисдан ҳам санаб ўтилган муаммоларнинг илмий асосларини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга (1-расм).



**1-расм. Грек ёнғоғи етиштиришнинг манфаатдорлик нуқтаи назаридан иқтисодий жозибadorлик хусусиятлари\***

\* Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Республикамиз ҳудудларида ҳам замонавий ёнғоқзорлар бунёд этилаётганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон яқин 3-4 йил ичида ёнғоқ етиштириш ва уни экспорт қилишда етакчи давлатлар рўйхатига кириши мумкин.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, грек ёнғоғини етиштириш иқтисодий жиҳатдан юқори фойда келтирувчи ҳамда сарф-харажатларни оқлайдиган ишлаб чиқариш йўналишидир. Жумладан:

1) грек ёнғоғи ишлаб чиқариш фаолияти тадбиркорлик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликларидан катта миқдордаги дастлабки инвестиция маблағларини талаб қилмайди;

2) грек ёнғоғи дарахти кўчатлари экилгандан кейин ёнғоқ плантацияларида ниҳолнинг об-ҳавонинг стресс ҳолатларига чидамли эканлиги сабабли ниҳолларни парваришlash, ҳашаротлардан ҳимояlash билан боғлиқ сарф-харажатларни талаб этмайди;

3) грек ёнғоғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида деҳқон хўжаликлари юқори даромадли бизнесга эга бўлиши билан бирга, келажакда бир неча авлодлари ҳамда ёнғоқ ишлаб чиқаришга йўнал-

тирилган капитали учун кафолатланган қайтим берувчи даромадли иқтисодий фаолият пойдевори яратган ҳисобланади;

4) плантацияларда грек ёнғоғи дарахтлари орасига ишлов бериш, дарахтларни парваришlash мураккаб меҳнатни талаб қилмайди ҳамда грек ёнғоғининг узoқ умр кўриши (150-250 йил) плантацияларни ташкил қилишга сарф қилинган инвестицияларнинг узoқ йиллар давомида бир неча ўн марта тўлиқ қайтим бериши каби хусусиятини намоён қилади;

5) боғдорчилик маҳсулотлари, айниқса, сабзавот маҳсулотлари учун хос бўлган – йиғиштириб олингандан кейин маҳсулотнинг тез бузилиб, сифати ҳамда товарлилик хусусиятларини йўқотиши, ҳосилни йиғиштириб олишда кўп меҳнат талаб қилиши, ҳосилни йиғиб олгандан кейин ва уни транспортда ташиниш жараёнидаги нобудгарчиликлар, ушбу муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ технологик жараёнлар ва ускуналарнинг қимматлиги ёнғоқ ишлаб чиқаришда деярли сезилмайди.

Сўнгги йилларда ички ва ташқи бозорда грек ёнғоғига талаб доимий бўлиб, унинг миқдори муттасил ортиб бормoқда. Аммо




қишлоқ хўжалиги ерлари етишмаслиги ша-роитида тадбиркорлик йўналиши сифати-да ёнғоқ етиштиришнинг камчиликлари-дан бири – бу қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби сарфланган маблағлар тез муддатда қайтим бермаслигидир. Чунки ёнғоқ кўчатлари экилгандан сўнг биринчи ҳосилни 5 йилдан кейин бера бошласа-да, 8-10 йилдан кейингина тижорат асосида ёнғоқ етиштириш мумкин бўлади. Кутил-ган юқори фойдани 20 йилдан кейингина биологик имкониятларини тўлиқ намоён қилган ҳолда келтира бошлайди.

Бугунги кунда грек ёнғоғининг тез ҳосилга кирадиган навларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бори-лаётган, хорижий давлатлардан ёнғоқ кў-чатларини интродукция қилиш имкони-

ятлари ортаётган бўлса-да, ёнғоқнинг се-кин ҳосилга кириши, ёнғоқ навларининг узок умр кўриши билан боғлиқ бўлиб, ме-вали дарахтларга хос бўлган салкашлик (бир йил ҳосил бериб, иккинчи йил ҳосил бермаслиги) ҳам деҳқон хўжаликлари их-тиёридаги ерлардан фойдаланиш сама-радорлигини пасайтиради. Шу боисдан ҳам ёнғоқ плантацияларини тоғолди ён бағирлари, лалми деҳқончилик худуд-лари, тоғли худудлардаги тошлоқ ҳамда ўрмон хўжалиги ерларида ташкил қилиш лозим.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, жаҳон бозоридаги грек ёнғоғининг товарлилик хусусиятлари (истеъмол қиймати) қуйи-даги кўрсаткичлар билан баҳоланади (2-расм).



**2-расм. Грек ёнғоғининг маҳаллий ва жаҳон бозоридаги товарлилик даражасини белгилловчи иқтисодий-технологик хусусиятлари\***

\* Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар дунё ёнғоқ бозоридаги талабни акс этти-риши билан ишлаб чиқарувчи (тадбиркор) нинг фойда олишини таъминлайди. Шу-нинг учун ҳам юқори даромад келтиради-ган ёнғоқзорлар ташкил қилишда (деҳқон хўжаликлари томорқаларида ёнғоқ экишда) ёнғоқ навларини танлаш ўта дол-зарб масала ҳисобланади. Чунки нотўғри танланган грек ёнғоғи нави ишлаб чиқа-рувчига ўз ихтиёридаги ердан фойда олиш имкониятини яна бир неча йилга орқага суриши, узок йилга мўлжаллаб қилинган

меҳнат ва сарф-харажатларнинг бесамар кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ишончли сотувчилардан кафолат-ланган ёнғоқ кўчатлари харид қилишга эъ-тибор қаратиш лозим. Бу борада ихтисос-лашган илмий-тадқиқот муассасаларидан кўчатлар харид қилиш тавсия қилинади.

Ҳозирда янги ёнғоқ боғлари ташкил қилишда деҳқон, томорқа ва фермер хўжа-ликлари учун сердаромад бўлган навлар-ни экиш ва кўчатчиликда интенсиф тех-нологияларни қўллаш, тез ва харидоргир мева берадиган навлар танлаш муҳим аҳа-



миятга эга. Бундай навларга мисол қилиб “Chandler” ва “Cisco” навларини келтириш мумкин (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Chandler ёнғоқ меваси хусусиятлари\*

Келиб чиқиши	Калифорния, АҚШ
Қобикли ҳолидаги ўлчови	40-42 мм
Қобикли ҳолидаги массаси	13,5 г
Мағзининг массаси	6,5 г
Мағзининг ранги	Оқ
Чанглатувчи нави	Франкюэте, Фернетте
Қиш тиним даври	700 соат (йиллик)

\* Ўзбекистон Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Ёнғоқ дарахти совуққа чидамсиз ҳисобланади. Chandler нави ёнғоқ дарахтлари орасида совуқ ва касалликларга чидамлиги билан ажралиб туради. Мағзида ёғ миқдори 50%, протеин миқдори 20 %ни ташкил этади. Қобиғидан осон ажратиш мумкин бўлиб, тижоратда жуда қулай нав саналади. Таъми жуда мазали, қуруқ ва янги узилган ҳолида ҳам истеъмол қилса бўлади.

### 2-жадвал

#### Chandler ёнғоқ навининг иқтисодий самарадорлиги\*

№	Дарахт ёши	1 туп ҳосили, кг	1 га даги туп сони	1кг ёнғоқ нархи, евро	Жами олинадиган фойда, евро
1	4	5	246	5	6 150
2	6	20	246	5	24 600
3	10	40	246	5	49 200
4	15	70	246	5	86 100

*Экиш схемаси.* Chandler кўчати девор усулида экиш мумкин бўлган нав бўлиб, 4 х 8, 4,5 х 9 ёки 6 х 7 м схемада экиш мақсадга мувофиқ:

– 4 х 8 м, яъни 4 м га 8 м оралик усулида экилса, 1 га да 312 туп кўчат жойлашади;

– 4,5 х 9 м экиш усулида эса 1 га майдонга 246 туп кўчат жойлашади;

6 х 7 м экилган тақдирда 1 га да 238 туп бўлган кўчатли боғ яратилади.

#### Тадқиқот натижалари таҳлили

Тадқиқотларимиз, асосан, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги деҳқон хўжалиги ва оилавий томорқаларида олиб борилди. Туман бўйича 2017–2020 йилларда деҳқон хўжаликлари томонидан грек ёнғоғи етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, грек ёнғоғини ривожлантиришга қаратилган бир қатор ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида ёнғоқ дарахтлари учун ажратилаётган майдон кенгайиб бориши билан бирга улар ҳосилдорлиги ҳам ортиб борган. Агар ҳосилга кирган мевали боғлар майдони 2017 йилда 4653 гектарни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 5916 гектарни ташкил этган. Ҳосилдорлик ҳам ушбу йилларда 72,2 ц/га дан 79,8 ц/га га ошган. Мева етиштиришдан олинган фойда 2016 йилда 13 млрд 810 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу 27 млрд 609 млн сўм ёки икки баробарга ошган. Рентабеллик даражаси эса ушбу даврда мос равишда 28 фоиздан 36 фоизга ортган (3-жадвал).

### 3-жадвал

Паркент тумани бўйича 2017–2020 йилларда деҳқон хўжаликлари ва оилавий томорқалар томонидан грек ёнғоғи етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили\*


Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Деҳқон хўжалиги ва аҳоли хонадонларидаги ёнғоқ кўчатлар сони (туп)	602	1 806	2 167	2 408	3 612
Ўртача ҳосилдорлик, ц/туп	0,6	0,7	0,8	0,8	0,9
Ялпи маҳсулот қиймати, млн сўм	1 806	7585	13 870	23 116	48 762

\* Муаллифнинг тадқиқотлари асосида ҳисоб-китоб қилинди.



Грек ёнғоғи экиладиган ер майдонлари ҳам кенгайиб борган, шунингдек, ҳосилдорлик ҳам ортган. Агар 2017 йилда деҳқон хўжалиги ва аҳоли хонадонларидаги ёнғоқ кўчатлари сони 602 туп бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 3612 тупни ташкил этган. Ҳосилдорлик

ҳам ушбу йилларда 0,6 ц/1 тупдан 0,9 ц/1 тупга ошган. Деҳқон хўжалиги ва аҳоли хонадонларидаги ёнғоқ кўчатларидан олинган фойда 2017 йилда 1 млрд 806 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу 48 млрд 762 млн сўмни ташкил этган ёки 27 баробарга ошган.



**3-расм. Паркент тумани бўйича 2017–2020 йилларда деҳқон хўжаликлари ва оилавий томорқалар томонидан етиштирилган грек ёнғоғи**

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, таҳлил этилган йилларда грек ёнғоғини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми камайишига йўл қўйилмади. Айниқса, ҳосилдорлик деҳқон хўжаликларида бошқа турдаги қишлоқ хўжалик корхоналарига нисбатан юқори эканлиги кузатилди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 июнда “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши мазкур соҳа ривожига катта туртки бўлди. Ушбу ҳужжатда Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида умумий майдони 10 минг гектарга тенг ёнғоқзорлар барпо этиш, бунинг учун халқаро молия институтларидан 50 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредитлар жалб қилиш вазифаси белгилаб берилди. Грек ёнғоғи соҳасига қизиқиши бор деҳқон ва

фермер хўжаликлари учун бу жуда катта имкониятдир.

#### 4-жадвал

**Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси аъзолари томонидан барпо қилинган ёнғоқ ва бодом плантациялари майдони тўғрисида маълумот\***

№	Вилоят номи	Умумий барпо қилинган ёнғоқ плантациялари майдони (га)
1	Андижон вилояти	545
2	Наманган вилояти	496
3	Фарғона вилояти	420
4	Тошкент вилояти	576
5	Жиззах вилоят	2500
6	Самарқанд вилояти	2521
7	Қашқадарё вилояти	1466
8	Сурхондарё вилояти	2172
9	Навоий вилояти	200
10	Сирдарё вилояти	10
<b>Жами:</b>		<b>10 906</b>

\* Ўзбекистон Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланган.



Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларида ташкил қилинган грек ёнғоғи плантацияларини юқорида келтирилган жадвал ва гистограмма орқали кўришимиз мумкин. Самарқанд вилоятида 2521 гектар, Жиззах вилоятида 2500 гектар, Сурхондарё вилоятида 2172 гектар, Қашқадарё вилоятида 1466 гектар, Тошкент вилоятида 576 гектар майдонда ёнғоқ плантациялари ташкил қилинган. Бошқа вилоятларда ҳам майдонлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётганини кўришимиз мумкин.

### **Хулосалар**

Ёнғоқ дунёдаги барча мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиё давлатларида, асосан, Қирғизистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, катта майдонларни эгаллайди.

Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти Бўстонлиқ, Паркент туманларидаги табиий ёнғоқзорлар, айниқса, қимматлидир. Республикамиздаги деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига 2-3 тупдан грек ёнғоғи экишни ташкил қилишда серҳосил кўчат навлари етказиб берилса, тез йилларда соҳада туб ўзгаришларни кўришимиз мумкин.

Грек ёнғоғи етиштиришга сармоя кiritишнинг 10 та муҳим жиҳатини келтириб ўтамиз:

1. Марказий Осиё тарихий жиҳатдан ёнғоқнинг ватани ҳисобланади ва бу ердаги иқлим ёнғоқ етиштириш учун жуда қулай.

2. Ёнғоқ қобиқ билан қоплангани боис турли зараркунанда ва касалликлардан кўпроқ ҳимояланган.

3. Кўпгина бошқа меваларга нисбатан гектаридан юқори даромад олиш имконияти мавжуд.

4. АҚШ ва Испания каби йирик етиштирувчилар билан таққослаганда, ишчи кучи ва ер ресурсларининг арзонлиги сабабли минтақада ишлаб чиқариш харажатлари нисбатан паст.

5. Иқлим шароити мева пишиб бўлгандан кейин сотувгача тайёргарликнинг ай-

рим босқичлари учун қулай. Масалан, минтақада қуритиш табиий равишда содир бўлиши мумкин.

6. Ёнғоқни узоқ муддатга яхши ҳолатда сақлаш бошқа мева ва сабзавотларга нисбатан кўп харажат талаб қилмайди. Шунингдек, маҳсулотнинг бузилиб кетиши ва жуда арзон нархларда сотилиш хавфи паст.

7. Талаб катта бўлган потенциал савдо бозорлари, яъни Ҳиндистон, Хитой ва бошқа Осиё мамлакатларининг яқинлиги.

8. Минтақа мамлакатларида сифатни яхшилаш, брендлаш, сертификатлаш, қадоқлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш орқали кўшимча қийматли маҳсулот яратиш имкониятига эга. Ушбу технологияларнинг барчаси аллақачон мавжуд ва бошқа мамлакатларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Уларни ўрганиш ҳамда маҳаллий шароитга мослаштириш керак, холос.

9. Ёнғоқ дарахтлари 25 йилдан 100 йилгача мева беришини ҳисобга олиб, келажак авлодларга инвестиция сифатида қолдириш мумкин.

10. Оилавий бизнес қилиш имкониятлари. Масалан, деҳқончилик учун 1 гектаргача ер ижарага берилади.

Ўтказилган тадқиқотлар давомида қуйидагилар аниқланди:

1. Грек ёнғоғи етиштиришни экспортга йўналтириш имконияти юқорилигини ҳисобга олиб, жаҳон стандартларига мос меъёрий талабларни ишлаб чиқиш, меъёрий ҳужжатларни мослаштириш, малакали мутахассислар тайёрлаш керак.

2. Грек ёнғоғи республикада, асосан, тоғли ҳудудларда, аҳоли томорқаларида етиштирилиши, шунингдек, вегетация даврида бошқа мевали дарахтларга нисбатан доимий парваришга талабчан эмаслиги боис содда технологиялардан фойдаланилади. Аммо суғориш, озиқлантириш, касаллик ва ҳашаротларга қарши кураш тадбирларига ўта сезувчан бўлиб, уни етиштиришда буни инобатга олиш лозим.



3. Республикамизда ёнғоқ бизнеси ривожланиб бораётган бўлса-да, ушбу соҳанинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи ва чекловчи қатор омиллари мавжуд бўлиб, улар қаторига: ёнғоқ бизнеси мавсумийлиги, ёнғоқзорлардан қў-

шимча қишлоқ хўжалиги экинлари экиш мақсадларида фойдаланиш имкони йўқлиги, инвестиция қайтими узоқлигини кiritиш мумкин. Бу эса соҳага инвестиция киришини секинлаштирадиган асосий омиллардир.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis]. 2020, January 24.
2. Butkov Ye.A. O'zbekistonda yong'og'ning bog' tipida plantatsiyalarini barpo qilish bo'yicha tavsiyalar [Recommendations for the establishment of garden plantations of walnut in Uzbekistan]. Tashkent, 2009, pp. 32-50.
3. Mirzayev M.M. Mevali daraxtlardan yuqori hosil yetishtirish [Growing high yields from fruit trees]. Tashkent, R.R. Shreder ITI, 2006, p. 100.
4. Xushmatov N.S., Inobatov A.B. Dehqon xo'jaliklarida grek yong'og'i yetishtirishning iqtisodiy samaradorligini oshirish yo'nalishlari [Directions for increasing the economic efficiency of walnut cultivation on farms]. Innovatsion rivozhlanish Publ. house, 2021, 130 p.
5. Inobatov A.B. Grek yong'og'i yetishtirishda istiqbolli navlardan foydalanish samaradorligi [The effectiveness of the use of promising varieties in the cultivation of walnuts]. *Agroiqtisodiyot – Agroecomics*, 2021, no. 1, pp. 77-80.
6. Inobatov A.B. O'zbekiston yetishtirayotgan grek yong'og'ini dunyo bozorlariga eksport qilishda raqobatbop navlardan foydalanish [Use of competitive varieties of walnuts grown in Uzbekistan for export to world markets]. *Ilm-fan va innovatsion rivojlanish – Science and innovative development*, 2021, no. 3, pp. 73-83.
7. Inobatov A.B. Mamlakat aholisini oziq-ovqat bilan ta'minlashda dehqon xo'jaliklarining o'rni va ahamiyati [The role and importance of farms in providing the population of the country with food]. The role of youth in agricultural science. Proceedings of the Republican Scientific-Practical Conference. 2020, August 14-15, vol. 2, pp. 447-452.
8. Inobatov A.B. Dehqon xo'jaliklarida grek yong'og'ini yetishtirishda yer resurslaridan oqilona va samarali foydalanishni tashkil etish yo'llari [Ways to organize the rational and efficient use of land resources in the cultivation of walnuts on farms]. Current problems in the theory and practice of agricultural science and their solutions. Proceedings of the International Conference. 2020, December 14-15, pp. 427-433.
9. Inobatov A. Organizational and economic mechanism of increasing efficiency of industrial processing of nuts in Uzbekistan. 2019, pp. 124-128. Available at: <https://ijrcs.org/wpcontent/uploads/IJRCS201911023.pdf/>.
10. Inobatov A.B., Khushmatov N.S. Pricing formation and market variability characteristics in walnut cultivation and its delivery to consumers. *Turkish Journal of Computer and Mathematics Education*, 2021, April 16, vol. 12, no. 7, pp. 294-301. Available at: <https://www.turcomat.org/index.php/turkbilmata/article/view/2582/>.
11. Inobatov A.B. Evaluation of opportunities for the cultivation of greek nuts in peasant and dekhkan farms of Uzbekistan. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 2021 July 22, no. BHS2014984225487, pp. 550-558. Available at: <https://ijmmu.com/index.php/ijmmu/article/view/2923/>. DOI: 10.18415/ijmmu.v8i7.2923/.
12. Achilov M.U. The state and trends in the development of fruit and vegetable growing in Uzbekistan. *International Journal for Innovative Research Multidisciplinary Field Monthly*, 2019, Jan., vol. 5, iss. 1, pp. 9-12. ISSN: 2455-0620.
13. Association of Walnut Producers and Exporters of Uzbekistan. Available at: <https://www.uznuts.uz/>.
14. Sadullaevich K.N., Boshlarovich A.I. Resource-saving technologies in the cultivation of walnuts in terms of economic evaluation methodological approaches. *Journal of Contemporary Issues in Business & Government*, 2021, vol. 27, no. 1. Available at: [https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as\\_sdt=0,5&cluster=2761761011152792925/](https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0,5&cluster=2761761011152792925/).
15. Rodina T.Ye., Shepelev S.I. Mirovoy opyt obespecheniya ustoychivogo razvitiya rynka prodovol'stviya [World experience in ensuring sustainable development of the food market]. *Nikon Readings*, no. 19, 2014, pp. 329-330. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/mirovoy-opyt-obespecheniya-ustoychivogo-razvitiya-rynka-prodovol'stviya/>.
16. Which EU countries have grown the most fruits and vegetables. 31.07.2017. Available at: <https://lt.sputniknews.ru/world/20170731/3573886/strany-lidery-po-proizvodstvu-ovoshchej-i-fruktov-v-es.html/>.
17. World and Russian trends in the processing of fruits and vegetables. Available at: <https://www.agroxxi.ru/analiz-rynka-selskohozjaistvennyh-tovarov/mirovye-i-rossiiskie-trendy-v-pererabotke-plodov-i-ovoschei.html/>.

**Тақризчи:** Бозоров Р., и.ф.ф.д. (PhD), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти.



**ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНИШ**

**НАУКА И ИННОВАЦИОННОЕ  
РАЗВИТИЕ**

**SCIENCE AND INNOVATIVE  
DEVELOPMENT**

**3 / 2022**

Босишга рухсат этилди: 2022 йил 24 июнь.  
Бичими 60 x 84 <sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Шартли босма табағи 19.44. Адади 500 нусха.  
“Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”  
давлат унитар корхонасида офсет қоғозда чоп этилди.

Таҳририят манзили:  
100174, Тошкент ш., Университет кўчаси, 7-уй.  
Телефонлар: (99899) 373-90-35, (99899) 920-90-35;  
Веб-сайт: [www.indep.uz](http://www.indep.uz); e-mail: [ilm.fan@inbox.ru](mailto:ilm.fan@inbox.ru).  
Обуна индекси – 1318.  
ISSN 2181-9637.